

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши
академияси**

И. Эргашев

Тараққиёт фалсафаси



**“Академия”
Тошкент - 2000**

Тўпلامда, муаллифнинг Республика матбуотида 1995-99 йилларда чоп этилган мақолалари жамланган.

Унда Мустақиллик, фалсафа ва жамият мафкураси, демократия ва эркинлик, баркамол шахс ғоялари, мустақилликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва маънавият, Ўзбекистон ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари янгича таҳлил этилган ҳолда ўз ифодасини топган. Ягона коммунистик мафкура ва фалсафий ғоянинг илмий асоссизлиги унинг миллий мафкура ва миллий ғояга зид эканлиги кўрсатилган.

Тўпلامдаги айрим мақолалар, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси кўппартиявийлик шароитида” номли мақола ю.ф.д., проф. О.Т.Хусанов, “Бизга қандай фалсафа керак?” проф. А.Абдусаметов, “Таракқиётда ворислик” ва “Ўзликнинг олтин бешиги” мақолалари ф.ф.д., проф. Т.А.Жўраев, “Маҳалла - миллий қадрият бешиги” номли мақола эса доц. Ф.Эргашев билан ҳаммуаллифликда тайёрланган.

Мажмуа, Ўзбекистонда шаклланаётган миллий фалсафа, демократик, фуқаролик жамияти қурилиши вазифалари билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий жараёнларга қизиқувчи мутахассислар, талабалар, аспирантлар ҳамда раҳбар ходимларга яқиндан ёрдам беради деган умиддамиз.

Аслида ҳаётнинг ўзи турли-туман ғоялар курашидан, баҳс-мунозаралардан иборат. Тараққиётнинг маъно-мазмуни, керак бўлса, фалсафаси ҳам шунда.

И.А.Каримов

Сўз боши

Мустақиллик табиат ва жамият ҳодисаларини тушуниш, таҳлил ва талқин этишнинг асосий ғоявий негизи бўлиб келган ягона мафкуравий қоидаларнинг илмий асоссизлигини кўрсатди.

Ўзбек халқининг ҳаёт ва тафаккур тарзига бегона бўлган мафкуравий ақидалар ва унга асослаб қурилган жамият андозасининг инсон хоҳиш-иродасига таянмаганлиги, миллий-маданий хусусиятларни тан олмасдан, умумдунёвий “андоза” ва унинг тўғрилигига даъво қилиш амалиётдан ўтмади.

Ҳаёт фалсафаси эса эркин, демократик тамойилларга, инсон хоҳиш-иродаси билан мос тушадиган, фикр эркинлиги, унинг хилма-хиллигига асосланган қарашларни, ғояларни илгари сурди. Шу билан яшаб келди. Фикрни, ғояни зўрлик билан онг ва тафаккурга сингдириш, ҳамда уни бир томонлама “турмуш”, “борлиқнинг” маҳсули сифатида ўргатиш амалда инсон шахсининг салоҳиятини заифлаштиришга, амалий, онгли фаолиятдан четлаштириб, унинг фикрини бир хил андозага солиб қўйиш орқали тафаккур куллиги, қарамлигига эришиш мақсади кўзланганлигини кўрсатди.

Натижада, фикрлар ривожланмади, тўғрироғи, унинг ривожини учун имконият берилмади. Бир хил қараш ҳаётни жўн бир аҳволда тасаввур ва идрок этишга олиб келди. Бу - умум “Социализм” ғоясининг “назариётчилари” фалсафасининг, ўз “мени”га асосланган, инсонлар онги ва тафаккурининг кучи ва бунёдкорлик хусусиятини “четлаб” ўтишга, уни тобе қилишга, “ўзлигини англамасдан”, ўзлигидан бегоналашиб яшашга ундайдиган, мажбур этадиган

якка фикрни, ғояни зўрлик билан, куч билан бўлса ҳам ўтказиш фалсафаси бўлганлиги бугун маълум.

Мустақиллик, Президентимиз таъкидлаганларидек, фикрга қарши фикр билан, ғояга қарши ғоя билан, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан жавоб беришни, уни таҳлил ҳамда ҳолисона талқин этишни тақозо этади. Бугун онг ва тафаккур ўзгармоқда. Янгича ёндашув, миллий фалсафий тафаккур шаклланмоқда. У миллий негизга, хусусиятларга таянган ҳолда, эътироф этилган дунёвий демократик тамойиллар билан уйғунлашиб бормоқда.

“Агар тафаккурни атрофимиздаги ҳаёт тарзининг маҳсули сифатида қабул қилсак, унинг иккинчи жиҳати шундаки, ҳаётнинг ўзи ҳам, ўзгаришлари ҳам одамзод тафаккурининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ” эканлигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Бир нарса аниқ бўлдики, энди ягона фикрга ёки ғояга таяниб ҳақиқатни билиб бўлмайди. Ягона мафкуранинг асосида ётган парадигмалар бугунги воқеълигимизни тушунишга тўла ва ҳолис асос бўла олмайди. Бугунги ҳаётимиз, қарашларимиз янги назарий парадигмаларга ва методологияга таянмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда мустақиллик туфайли амалга оширилаётган демократик жамият куриш жараёнлари, уни амалга ошириш билан боғлиқ мақсад ва вазифалар таҳлил этилган фикр ва мулоҳазалар билдирилмоқда. Мазкур мажмуа, бугунги кунимизни ўтмишдан, мустақилликни “қарамликдан” фарқини идрок этишга, инсонларни миллий ғоя ва умуммақсад йўлида жипслаштиришга, янгича фалсафий эркин тафаккурни шаклланишига, амалга ошаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ идрок этишга хизмат қилади деган умиддамиз.

Ана шуни ҳисобга олган ҳолда, тўпلامда мустақиллик, фалсафа ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқ айрим муаммолар таҳлил этилади, уларга муносабат билдирилади.

Мустақиллик тафаккури ва фалсафа

Мустақилликни мустаҳкамлаш ва танланган ўз тараққиёт йўлимиздаги ислохотларнинг мақсад ва моҳиятини тезкорлик билан англаб олиб, уни ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан инсон ва унинг тафаккур эркинлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "...тафаккурни мафкуравий тазйиқлардан озод қилишимиз лозим. Эркин тафаккургина янгиликни ярата олади. Живовланган, қолипга солинган тафаккур янгилик яратишдан ожиздир".

Мустақиллик туфайли бир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий тизимдан, янги бир тизимга ўтдик. Унинг асослари, тамойиллари бир-биридан тамомила фарқ қилади. Бу, айти пайтда, инсонлар онгида, тафаккурида муайян ўзгаришларга олиб келиши, эскича қарашлар билан янгича қарашлар ўртасида ўзига хос зиддиятлар, қийинчиликларнинг юзага келиши табиий. Аммо, ўз фаолиятини ана шу улут мақсадга сафарбар эта олаётган инсонлар ўз қарашларини тезроқ ўзгартирмоқдалар. Мустақиллик инсонларда янгича тафаккур ва онгнинг шаклланиши, амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини чуқур идрок этиш учун уларнинг ўз-ўзларини анғалашига реал имкониятлар яратиб бермоқда. Инсон тафаккури - ана шу ислохотларни амалга оширишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Инсон тафаккури ва эркинлиги муаммосига мустақилликнинг истикболи нуқтаи назаридан қараш, унинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мавқеини тўлароқ ҳис этишга имкон берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйикдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди". Бу тўла маънода мамлакатимиздаги дунёвий тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини қуриш,

комил инсонларни тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган муаммодир.

Бугунги кунда инсон онги ва тафаккурида ҳам ўтиш даври содир бўлмоқда: бу ўтиш даврining ўзига хос жиҳати шундаки, узок йиллар давомида шаклланган, эътиқод ва ишончга айланган қарашлардаги мафкуравий ақидалар, тамоийиллар ўрнини янги жамият куриш талабларига жавоб берадиган, янгича тамоийиллар, инсон ва умуминсоний қадриятларга асосланган янгича қараш, нуқтаи назарлар эгалламоқда. Давлат ва жамият куриш истиқболига янгича сиёсий тафаккур билан ёндашиш уни айрим мафкуравий ақидалардан халос этмоқда. Бу эса, инсоннинг дунёга бўлган муносабати, унинг тасаввурлари ва қарашларининг ўзгариши билан бирга, инсонга бўлган ўзаро муносабатларда маданий - маънавий меросимизни чуқурроқ ўрганиб, унинг инсон ва умуминсоний қадриятларга асосланганлигини тушуниб олишимизга имкон бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас” дейилади. Бунда бирон-бир мафкурани давлат мафкурасига айлантириш ижтимоий тафаккур ривожига, жамият равнақига, қарашлар хилма-хиллигига салбий таъсир кўрсатиши аниқ ҳисобга олинган. Миллий хусусиятларни инкор этадиган ўзга мафкуранинг инсон онги ва тафаккуридан жой олиши, “мавҳум коммунистик ғояларнинг сингдирилиши”, ҳаммага сохта “тенглик” ваъда этилиши, инсонларни аста-секин ўзларининг инсоний моҳиятларидан бегоналашиб, жамиятнинг шунчаки пассив бир объектига айлантириб қўйди.

Инсон ўзининг ҳаётга бўлган муносабатида, қарашларида ислохотларнинг моҳиятини, миллий истиқлол, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати каби энг олий қадриятларни маънавият билан узвий боғлиқ эканлигини чуқур англаб олиши муҳимдир.

Аммо бу ўз-ўзидан амалга ошмайди. Ҳар бир инсоннинг ҳаётга бўлган муносабатида мустақил қараш, ўзига хос хусусиятларини инкор этмаган ҳолда уни шакллантиришда

таълим-тарбия, илм-маърифатни амалга оширадиган барча тизимларнинг ролини, шу жумладан, ижтимоий фанлар қаторида фалсафа фанининг ҳам бевосита дахлдор эканлигини таъкидлаш лозим. Маълумки, собиқ иттифок даврида барча гуманитар фанлар қаторида фалсафа ҳам оғир, аянчли бир даврни ўз бошидан кечирди. Бу даврда, мафкуранинг сиёсат билан қўшилиши, айниқса, фалсафа фани унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеига путур етказди. Фалсафа собиқ мафкуранинг тарғибот ва ташвиқотчисига айланиб қолди.

Табиат, инсон ва жамият тўғрисида бир томонлама қараш шаклланди. Ижодий тафаккур топталди. Умумназарий, фалсафий тафаккур замон талабидан орқада қола бошлади. Дунёни ранг-баранг идрок этиш, қарашлар хилма-хиллиги ўрнида, ягона қараш қарор топди. Фикрлар хилма-хиллиги инкор этилди. Миллий хусусиятлардан бегоналашиш жараёни вужудга келди.

Давлат ва жамият қурилишининг вазифалари, мақсадлари йўлида ҳар бир муаммога инсон нуқтаи назаридан ёндашиш муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг қандай тафаккурга эгаллиги, яшаши ва амалий фаолиятлари қайси тамойилларга, мақсадларга ва манфаатларга бўйсундирилганлигини билиш принципиал аҳамият касб этади. Қонунлар ҳам инсонлар идрок этадиган, уни тушунадиган ва қабул этадиган даражада бўлиши зарур бўлганидек, фалсафанинг ҳам инсонлар тушунадиган, уларнинг олдиларида турган муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган, руҳияти идрок эта оладиган даражада ҳаётий бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, фалсафа ҳаёт билан ҳамнафас бўлмаса, инсонлар олдида турган муаммоларни кўра олиб, уни ҳал этиш йўллари тўғрисида муайян фикрларни илгари сурмаса, ундай фалсафани инсонлар қабул қилиши ёки фалсафа ўзининг “ижтимоий ҳимоячисини” топа олиши мумкин эмас.

Инсонларга “ҳаётдан узоқ, мавҳумлашгирилган, инсонлар идрок эта олмайдиган, руҳиятига мос тушмайдиган фалсафа” эмас, том маънода ҳаётда долзарб бўлиб турган муаммоларни ҳал этишга кўмак берадиган фалсафа зарур.

Мустақиллик туфайли дунёни идрок этиш тамойиллари, бир-биридан ўзаро фарқ қиладиган икки хил тафаккур

тарзини мавжудлигини кўрсатиб турибди.

Мустақиллик талабларини чуқур англаган, уни демократия, эркинлик, инсон ҳуқуқларининг рўёбга чиқиши каби инсоний мезонлар билан яхлит ҳолда идрок этаётганлар ўз фаолиятларини давлат ва жамият қурилиши ишларини амалга ошириш, мустақилликнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий асосларини мустаҳкамлашга сафарбар этмоқдалар. Ўз амалий фаолиятларини миллий истиқлол ғояси билан узвий боғламоқдалар. Ишга нисбатан янги умуминсоний тамойиллар ва тафаккур тарзида, маданий-маърифий асосда муносабатда бўлмоқдалар ёки шунга ҳаракат қилишга эҳтиёж сезиб, уни тобора чуқурроқ англаб бормоқдаларки, буни янги жамият қуришда маданий-маърифий омил сифатида қараш ўринлидир.

Бошқа бировларда эса, маънавият моддийликка, руҳият вужудга бўйсундирилган бўлиб, ундан кутулиш, уни енгиш ва маърифат сари юз тутиши жуда қийин кечмоқда. У ўз таъсирини ҳамма жойда, ҳамма соҳада кўрсатиб турибди. Ҳозирги даврда тафаккурдаги муайян камчиликларнинг сабабларини ўтмиш сиёсати ва собиқ мафкура билан боғлаб тушунтиришга тўла маънавий ҳаққимиз бор. Аммо у доимий ва мутлақ сабаб бўла олмаслигини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Зеро, мустақиллик берган имкониятлар, тафаккур эркинлиги ва қарашлар хилма-хиллиги шунга даъват этади. Инсон ўз тафаккурини қайта қурмаса, унда бунга хоҳиш, фаоллик, фидойилик етишмаса, бир умр “сабаб” излаб ўтиши, ўзидаги нуқсонни кўрмасдан ўзгани “мутлақ айблаб” юриши мумкин. Ақл ва маънавият орқада бўлган жойда фалсафа олдинга кета олмайди.

Аммо ҳаёт фалсафаси шундан далілат бермоқдаки, энди бундай тафаккурдан воз кечиш ҳаётий заруратга, катта маънавий эҳтиёжга айланди. Тафаккур тор доирадаги “моддий манфаатлар доирасидан” - чиқиши, дунёвий тамойилларга, инсон қадр-қиммати томон назар ташлаши зарур. Инсон қачонки ўзини умуминсониятнинг, ўз халқи, миллиятининг бир бўлаги сифатида тасаввур этиб, унинг ташвиши, дарди билан яшамас экан, ёки бугунги меҳнат фаолиятини, истиқлол берган иқтисодий эркинликлар, фаолият тарзи, унинг мақсадини шу инсон манфаати, она-юрт, миллат

манфаатига бўйсундирилган ҳолда фаолият кўрсатмас экан, унинг тафаккури “моддий манфаатлар ёки моддий доирасидан” чиқа олмайди.

Демак, тафаккур янги жамият қуриш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилган тақдирдагина мустақиллик талабларига тўла мувофиқ тушади. Инсон ўз тафаккурини ана шу талабни ҳисобга олган ҳолда ўзгартириши ва унга алоҳида аҳамият бериши лозим.

Умуминсоний ғоялар миллийликка, миллий-маънавий қадриятларга асосланмаса, мавҳумликка бошлайди. Миллий тикланиш ғояси мавҳумликка барҳам беради. Ўзлигимизни тиклашга, англашга асос бўлади. Миллийлик, ўзига хослик табиий жараёндир. Ҳар бир инсон, миллат бу дунёни яхлит ҳолда кўрганда уни ўзига хос жиҳатлари билан бойитади, ранг-баранг этади. Ранг-баранглик орқали дунёнинг яхлитлиги намоён бўлади.

Мустақиллик туфайли инсоннинг дунёни идрок этиши ва унга қарашлари, муносабати ўзгарди. Бу эса, ижтимоий фанлар тизими қаторида фалсафа фани, уни ўқитишни янгича тамойиллар, дунё андозаларига мувофиқ ташкил этиш имкониятини вужудга келтирди. Буни (алоҳида таҳлил этиш заруриятини) ҳисобга олган ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда фалсафани ўқитиш тўғрисида муайян қараш ва истиқбол концепциясига эга бўлиш файласуфлар олдида турган энг долзарб муаммодир. У тўғрида турли фикрлар, қарашларнинг бўлиши табиий. Аммо шундай тамойиллар мавжудки, улар фалсафанинг инсон ҳаётида, давлат ва жамият қурилиши ишларини амалга ошириш, мустақилликнинг умумназарий муаммоларини таҳлил этиш, тегишли хулоса ва тавсиялар беришда, жамиятнинг ривожига қаратилган миллий ғояларни илгари суришда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлишини тақозо этади.

Ҳаётда “якка-ю ягона” фалсафанинг йўқлигига, ҳар бир халқнинг ўз фалсафаси, тафаккур тарзи, ҳаётий тамойиллари, демократия, эркинликни тушунишида ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиши табиий эканлигига асосланган ҳолда, мустақилликнинг ҳозирги босқичида энг долзарб мавзуларни танлаб, дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга жорий этиш керак.

Ҳозирги замон фалсафасида мавжуд мактаблар, таълимотлар ва қарашларни ҳисобга олган ҳолда, “Фалсафа” ўқув қўлланмасини яратиш олимлар олдида турган асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

“Миллий тикланиш”, 21.05.96 й.

“Буюк кашфиёт”нинг шоми

“Ҳаётнинг мазмуини тушунишга турлича ёндашишларнинг (афсуски ҳамма вақт ҳам тинч ва осойишта кечавермаган) ёнма-ён мавжуд бўлиши, эҳтимол, инсоният дунёсининг, маънавий ҳаётининг бойлиги ва хилма-хиллигини таъминлаб берган ҳамда унинг ривожланишини рағбатлантириб тургандир ...”

И.А.Каримов

Жамиятнинг ривожланишида турли хил фалсафий фикр ва ғоялар муҳим ўрин тутган ҳамда инсониятга беғараз хизмат қилган.

Лекин инсоният тарихи далолат берадики, ҳар қандай ғоя ёки фикр ҳам шундай самарани беравермайди. Айрим фикр ва ғоялар борки, улар вақт ва давр синовидан ўта олмаган, инсониятга, мамлакатлар ривожига ва ўзаро муносабатларга салбий таъсир кўрсатган. Жамият ривожига умуминсоний манфаатларга зид ижтимоий-сиёсий оқибатларни келтириб чиқарган. Фикрларни қарама-қарши қилиб қўйиш дунёни бўлиб юборишга, улар ўртасида ижтимоий низолар ва келишмовчиликларга сабаб бўлиб, дунёнинг барқарорлигига путур етказган.

Дунёни турлича тушунишдан қаноатланмаган, уни ўзгартиришга даъвогарлик қилган “марксча-ленинча” фалсафий ғоялар асосида “икки буюк кашфиёт” деб номланган - “тарихни материалистик тушуниш” ва “қўшимча қиймат” қонунлари ётган эди. Собиқ коммунистик мафкуранинг негизида турган бу кашфиётларнинг асл моҳияти ва мақсадларини англашга, истиқлол берган фикрлар эркинлиги туфайли мушарраф бўлинганлигимизни алоҳида таъкидлаш лозим.

Жамиятлар ривожии тарихи шуни исботладики, ғояларни, кашфиётларни айрим ижтимоий гуруҳлар манфаатини ҳимоя қилишга сафарбар этиш ва мавжуд ижтимоий-сиёсий ҳаётни муайян сиёсий манфаатлар негизида ўзгартиришни олдиндан мақсад қилиб қўйиш жамият учун фалсафада - “тарихни материалистик тушуниш”, деб ном олган бу кашфиётнинг инсоният учун ва умуман фалсафий тафаккур учун салбий жиҳати шундан иборат бўлди : а) “материализм” - бирдан бир тўғри қараш, деган нуқтаи назар ҳукмрон қарашга айланди; б) дунёга моддият нуқтаи назаридан ёндашиш мутлақ тус олди. Натижада, инсон маънавий талаблар асосида яшашга эмас, қўпроқ моддий эҳтиёжларини қондириш таъсирига тушиб, ўзлигидан бегоналашиб борди. Инсонда вужуд, тана ва рух уйғунлиги бузилди. Жамият ривожидида моддият мафкуралаштирилди ва сиёсийлаштирилди : “Турмуш, ижтимоий борлиқ онгни белгилайди”, деган фикр ақидага айланди. Ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётда содир бўлган воқеа ва ҳодисаларнинг сабабини фақат турмушдан ва ижтимоий борлиқдан излаш асосида фалсафада инсон омилига икки даражали ёндашув содир бўлди. Тоталитар жамият шаротида уни амалга оширишнинг мукаммал тизими яратилди. Инсон онгига ва руҳиятига турмушнинг, муҳитнинг ва “моддият”нинг бирламчи, белгиловчи ўрни тўғрисидаги ғоя шу қадар чуқур сингдирилдики, бу ҳаёт мазмунига айланди. Ва тарихнинг улкан бурилишида мустақиллик, эркинлик ва демократия даври келганда, улар бу тараққиёт қадриятларига ҳам шу омиллар билан ёндашишга уринмокдалар.

Ҳа, айримлар ҳалигача шу босқичда фикран турибдилар ва мустақилликка ўзларининг муносабатларини шу асосда билдирмокдалар. Албатта, бу шунчаки содир бўлгани йўқ, аксинча, у фалсафадаги “буюк кашфиёт” туфайли, жамиятда моддийлик ва маънавийлик ўртасидаги мавжуд уйғунлик қонунининг бузилиши оқибатида содир бўлди. Бу уйғунликни қайта таъминлаш қанча тез амалга ошса, жамият шунча тез ўзининг табиий ривожланиш йўлига тушсади.

Ҳаёт фалсафаси шуни исботладики, инсоният тарихидаги буюк ихтироларни инсон онги ва тафаккури, дунёни англаш даражаси, тасаввурларидан ажралган ҳолда ўрганиш

нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин. Айниқса, айрим шахсларнинг қарашларида инсоният тафаккури хазинаси, турли халқлар ва миллатларнинг урф-одатлари, анъаналарига писандсизлик билан қараш бошланган вақтда носоғлом мафкуравий муҳит шакллана бошлайди. Чунки, халқлар ўз онги ва тафаккури меъёрларига, анъаналарига тўғри келмайдиган қарашларни шунчаки қабул қила олмайдилар.

Мафкура халқнинг руҳиятидан, анъаналаридан узоқ бўлса, бу унинг миллий хусусиятлардан бегоналигидир. Шу дамда уни зўрлаб тарғиб этишга жамиятда сиёсий эҳтиёж пайдо бўлади. Ҳокимият айти шундай сиёсий қурол вазифасини ўтайди. Бу мафкурани халқларга, миллатларга зўрлаб қабул қилдириш орқали уни эътиқодга айлантиришга даъво қиладилар. Айрим гуруҳ манфаатига асосланган қарашлар, миллий хусусиятларга таянмаган мафкура ҳеч қачон умумхалқ ёки миллат манфаати билан уйғунлаша олмайди, пировардида ўз истиқболидан маҳрум бўлади.

Аммо ҳаётнинг табиий ривожланиш қонуни ўз таъсирини кўрсатади. Вақт ўтиши билан бу мафкура халқларимиз ҳаёти, турмуш тарзи, миллий анъаналаридан узоқ бўлганлиги сабабли, ўз таъсир кучини йўқотади. Зўравон сиёсий ҳукмронликни сақлаб қолиш учун ҳар хил воситалар ёрдамида ҳар қанча “ниқобланган” сиёсат олиб борилмасин, халқнинг мустақилликка бўлган интилишини тўхтатиб қола олгани йўқ. Мустақиллик эса мафкурани ҳар бир мамлакатда халқларнинг қарашларидан, анъана ва тафаккур тарзи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш имкониятларини яратиб берди. Шу маънода ҳам истиқлол ғоялари тоталитар мафкура ғоялари, мақсад ва тамойилларидан тубдан фарқ қилади, шу билан бирга улар узоқ йиллар давомида ўргатиб келинган “кашфиётларнинг” моҳиятини, айти пайтда, халқлар ҳаёти ва анъаналарига зид бўлган унинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий йўналишларидаги салбий оқибатларни чуқурроқ англаб этишга имконият берди.

Шуни таъкидлаш керакки, “буюк кашфиёт”нинг иккинчиси алоҳида таҳлил этишни тақозо этса-да, жамият ривожланишининг муайян босқичда, сиёсий-иқтисодий-ижтимоий муносабатлар асосида чиқарилган хулосага “статик” тарзда ёндашиш “капитализм ривожланишининг ўзгармас,

ички қонуни” сифатида талқин этишга олиб келди. Бу икки “кашфиёт” бир-бирини тўлдирган ҳолда, собиқ мафқуранинг асосида турди, унга хизмат қилди, ҳамда жамият ривожига қўшилмаган, зид ҳолатларни келтириб чиқарди.

Бугун тоталитаризмдан халос бўлган халқлар эрксизликни ҳамда якка мафқурани даъво этишга инсон ҳуқуқлари ва демократияга зид бўлган ижтимоий иллат сифатида қарамоқдалар. Улар ҳар бир киши мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга, деган тамойилга асосланган ҳолда ўзаро муносабатларини қурмоқдалар. Жамият ривожига моддий ва маънавий уйғунлиги асосида, ҳар бир халқ хоҳиш-иродаси, анъаналари асосида ривожланишига маърифийлашиб боради. Халқларнинг онги тафаккур тарзи, ҳаётий тамойиллари турли ривожланиш босқичида турлича бўлади.

Дунё цивилизациясининг, қандай тараққиёт йўлидан ривожланиши заминида муҳим бир қонуният мавжуд. Турли даврларда, турли халқлар маънавияти қанчалик хилма-хил бўлмасин, уларнинг ўзаро муносабатлари ворисийлик, тадрижийлик қонунига таянади. Бу жаҳон ҳақиқати тафаккурининг натижаси сифатида намоён бўлади ва инсониятга хизмат қилади. Собиқ “коммунистик мафқура назариётчилари” бу қонуниятни инкор этган ҳолда, уни фақат “материализм” орқали ифодалашга, синфий манфаатларга бўйсундиришга муваффақ бўлдилар. Большевизм туфайли у амалиётга айланди. Оқибатда, у айрим мамлакат халқларини ўзига хос ва мос тараққиёт йўлидан, эркин ривожланиш имкониятидан маҳрум этди.

Жаҳон ҳамжамятидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик, ҳар бир халқнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилиш, “мафқуравий тазйиқларни” инкор этиш, фикрлар ва мафқуралар хилма-хиллиги - ижтимоий ривожланишнинг тамал тоши бўлиб хизмат қилиши мумкин. Булар дунё ривожига, демократия ва мустақилликнинг талабларига айнан мос тушади. Мустақиллик берган энг буюк неъматлардан бири - инсон тафаккурининг фикр эркинлиги ва хилма-хиллигига асослана бошланганлигидир.

Истиқлол фалсафий онг ва тафаккурда, собиқ мафқуравий ёндашувлар билан тўғри келмайдиган ҳолат мавжудлигини кўрсатди. Янгича қарашлар, фикр эркинлиги бундай

кашфиётларнинг моҳиятини англашга имкон яратди. Мавжуд айрим қарашлар ва фикрларнинг мафкурага айланиши, унинг субъектлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш, уларнинг “мен” лигини англаб етиш имкониятини пайдо қилди. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, инсоннинг фалсафий онги ва тафаккурида ўзига хос ислохот содир бўлмоқда.

Жамиятнинг маърифийлашганлик ва эркинлик даражаси, аввало, ана шундай қарашларнинг унинг ҳар бир фуқароси манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинлиги, хоҳиш-иродасига уйғунлиги даражаси билан белгиланади.

Маълумки, инсон ақл-заковати жамият ривожига ҳар хил таъсир кўрсатади. Уни тезлатиши, цивилизациялар ривожига муҳим омил сифатида хизмат қилиши мумкин. Нохолисона, номукаммал ғоялар турли ижтимоий гуруҳлар фаолиятини инсон манфаатларига зид йўналтирилишига сабаб бўлади. Мукаммал ғоялар - инсонийлик даражасида ўз ифодасини топади ва инсоннинг мукаммаллик ҳамда ўз моҳиятини англаш даражаси билан боғлиқ бўлиб, айрим гуруҳ манфаатларидан юқори туради. Илғор ғоялар, умумгуманизм ёки гуманизмнинг янгича таҳлили, унга янгича ёндашув бўлиб, инсон салоҳиятини фақат яхшиликка, эзгу ниятларга, мамлакат олдида турган мақсадларга йўналтиради.

Инсон тафаккурининг “топғалиши”, тоталитар тузумда ижодий фикр тарзидан маҳрум бўла боришда кузатилади. Бу инсон ақлини заифлаштиради. Беқарорлик кучаяди. Мамлакатга, Абу Наср Форобий таъкидлаганидек, бегона ғоялар аста кириб олиб, аҳолининг қарашларини бутунлай ўзгартириб юборади.

Мустақиллик туфайли, ижтимоий-сиёсий ҳаётда “идеал”, “доҳий” сифатида тарғиб ва ташвиқ этилган ягона тўғри ғоянинг асосчилари қилиб кўрсатилган шахслар “мени”нинг нечоғлиқ зиддиятли, қарама-қарши эканлигини чуқурроқ англашга имконият яратилди. Инсон ўзлигини чуқурроқ англаш орқали у шахсларнинг ҳам ички, маънавий-сиёсий дунёсини англаб етмоқда. Улар асослаган мафкура ғоявий жиҳатдан пуч эканлиги ошкор бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, инсон ўз ғояси, қарашлари орқали дунёни идрок этади ҳамда турмуш, воқеа ва жараёнларга таъсир кўрсатади. Бу эса, тарихий ривож-

ланиш жараёнларига мос келиши ёки акс ҳолда мос келмаслиги ҳам мумкин.

Ҳоялар ва қарашларнинг жамиятдаги маълум гуруҳ манфаатларига бўйсундирилиши ва мафкуралаштирилиши - жамият учун, цивилизациялар учун “салбий омилга” айланади.

Натижада, жамиятлар бир-бирига қарама-қарши бўлган кутбга бўлинишгача бориб етади. Ҳодисани “турмушдан”, “жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизи”да деб тушуниш фалсафаси бир томонламадир. Бу - “турмуш, ижтимоий борлиқ онгни белгилайди”, деган анъанавий фалсафага хос бўлиб, унда муайян мақсадлар жамият ҳаётининг “мафкуралашиб” боришига асос бўлган. Буни собиқ тоталитар мафкурага хос бўлган тарихий воқелик тўла тасдиқлайди. Ҳозирги замон фалсафаси эса турмушнинг онгга таъсирини ҳисобга олган ҳолда, онгнинг турмушга фаол таъсир кўрсатиши ва уни белгилаши тўғрисидаги ғояга асосланмоқда. Жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда унинг тараққиёт йўли инсон онги ва тафаккури даражасига бевосита боғлиқ бўлади.

Мустақиллик эркин тафаккурни тақозо этади. Бунда инсон тобелик руҳиятидан ҳоли бўлиб, эркинлик ва демократик тамойиллар асосида ривожланади.

Ўзбекистонда мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигининг ижтимоий ривожланишнинг асосига қўйилганлиги ўзига хос мазмунга эга бўлиб, бу мавжуд, анъанавий фалсафий ёндашув ва қарашлардан фарқ қилган ҳолда, унинг моҳияти “алоҳида” ғояларни мафкуралаштирмасликни таъминлайди. Тарихнинг ривожланишини айрим, бир томонлама хатти-ҳаракат, тасаввур ва меъёрлардан сақлайди. Унга ҳуқуқий асос беради. Жамият ривожига эркинлик бахш этиб, мустақилликни мустаҳкамлаш ва жамият ривожланишини маърифий асосга қўяди.

Шунингдек, инсон ақл-заковати, қарашлари ва тасаввурларига ҳолисоналик бахш этади, бирон кишининг фикри устун бўлмайди. Фикр эркинлиги жамият ривожини қонунийларини уйғун ҳолда очишга ёрдам беради. Ҳар бир фуқарони камол топиб, дунёни мукамалроқ англашга ундайди. Мафкуравий ёндашувлар, ўзаро муносабатлардаги

ўзаро ҳадиксирашлар аста-секин чекиниб боради. Тўғри, айрим алоҳида олинган кишиларнинг қарашлари ва фикрлари мафкура бўла олмаса-да, аммо у ягона мафкурага ҳам “айлантирилиши” мумкин эканлигини собиқ тоталитар тизим кўрсатди. У жамиятдаги қандай ижтимоий-сиёсий негизларда ва ҳолатларда мафкурага айлантирилади ва кимлар, қандай социал кучлар томонидан айлантирилади? Қайси кучга таянади? Унинг сабабини билишда бу нарсалар муҳим аҳамиятга эгадир.

Собиқ мафкура “ижодкорлари” йўқсил синфга таяниши билан бирга, улар орқали жамият тарихига ҳам “синфлар кураши тарихидан” иборат деб қарадилар, ҳамда “синфий кураш” “пролетар диктатурасига олиб келади” деган ғояни асослашга уриндилар ва ўзларининг тарих олдидаги “буюк хизмат”ларидан бири деб ҳисобладилар. Ана шу “тарихий хизматлар” туфайли жамият тарихи шунчалик беқарор бир ҳолатга келдики, охир-оқибатда жамиятлар бир-бирига қарама-қарши ёт кучга айланди.

XX аср поёнига етаётган ҳозирги даврда инсоният, мамлакатлар ва халқларнинг ҳаёти дунё ҳамда халқлар тарихига янгича қараш ва ёндашувлар билан бойимокда. Жамиятлар ривож тарихига анъанавий қарашлар ўзининг бир томонлама эканлигини кўрсатди. Ҳозирги замон фалсафаси дунёнинг ривожини “кучларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш” орқали эмас, аксинча, ўзаро ҳамжиҳатлик, манфаатлар уйғунлигидан изламоқда. Турли халқлар ҳамжамятига дунёни омон-эсон сақлаб қолиш, барқарорликни таъминлаш ва тараққиётнинг кафолати сифатида қаралмоқда. Бундай ёндашишнинг дунё цивилизациясига ҳолисона хизмат қилиши шубҳасиздир.

“Миллий тикланиш”, 24.10.97й.

Бизга қандай фалсафа керак ?

Мустақил Ўзбекистонда иқтисодий ўзгаришлар билан бир қаторда таълим-тарбияни қайта қуриш, ёш мутахассислар тайёрлашнинг сифатини тубдан ўзгартириш вазифалари ҳам амалга оширилмоқда. Ёшларга фан асосларини пухта ўргатиш,

хусусан, фалсафий билимларга янгича ёндашиш, ўргатиш уларнинг назарий ва амалий аҳамиятига эътибор бериш бутунги кун вазифасидир. Фалсафа инсон ҳаётида табиий-зарурий, маънавий эҳтиёж сифатида пайдо бўлган.

Фалсафа инсонга нима беради? У инсонни зарур билимлар билан қуроллантириш орқали дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилади, руҳий қувват беради, уни озод қилади, ўзлигини англатади. Инсон онтини маънавий, руҳий оламнинг устуворлигига бошлайди, моддийлик ва маънавийлик уйғунлигига, “донишмандликни севиш”га ундаган фалсафа, нафақат ишонч-этиқодга, айни пайтда, илм-фанга, ақлга тажрибага таянади ҳамда ҳақиқатни билишни ўзининг мақсади ва вазифаси деб ҳисоблайди.

“Фалсафа” ўтмишда маълум бир даврда жўн аҳволга тушиб қолди. Чунки, собиқ иттифоқ даврида жамиятга ягона “марксизм” нуқтаи назаридан ёндашилди. “Диалектика”дан усул сифатида фойдаланилди ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этилди. Лекин, уни татбиқ этишда “пролетариат” манфаати кўзда тутилди. “Синфийлик” - марксизм фалсафасининг бош тамойили сифатида жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи, деб баҳоланди. Жамият тарихига эса синфлар кураши тарихидан иборат, деб қаралди. Синфий манфаатлар устуворлик касб этиб, инсон манфаатлари мавҳумлаштирилди.

Аста-секин марксизм бирдан бир тўғри ва изчил таълимот сифатида қаралиб, собиқ иттифоқ даврида давлат сиёсатининг мафкураси даражасига кўтарилди ва унинг ҳокимлиги таъминланди.

Марксизм-ленинизм - материализм ва “дахрийлик” фалсафаси ҳам бўлиб, бир-бирини тўлдирар, инсонларнинг қарашлари, эътиқодлари, миллий тафаккур тарзи билан ҳисоблашмас эди. Унда синф манфаатлари, инсон манфаатларидан устунлик қилди, натижада, у сиёсат билан уйғуллашиб кетди.

Бу таълимот барча ижтимоий-гуманитар фанларга сингдирилди, мақсади ва вазифасига айланди.

Муаммога аниқлик киритиш мақсадида, аввало, мустақиллик туфайли жамият сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида чуқур ўзгаришлар содир бўлганлигини эътироф этган ҳолда, бутунги қарашларимизда “фалсафа”

бу фақат “марксча фалсафа”дан иборат эмас, деган фикрни алоҳида уқтиришни ва таъкидлашни истар эдик. Фалсафани бундай тушунмасликни ўзи бутунги кунда маълум маънода тафаккурни эскича қарашдан холи бўлмаганлигини кўрсатади.

Инсонларга қандай фалсафа керак ва уни қандай тушунмоқ лозим?

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, инсонларга бир томонлама, бир хил қараш ва эътиқодни тарғиб-ташвиқ этадиган фалсафа керак эмас. Инсон онгига эътиқодни зўрлик билан, мажбурий тикиштириб бўлмайди. Инсонларга эркин фикрлаш, ўзларига хос қарашларни ривожлантиришга шарт-шароит яратиб берадиган, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятига чуқурроқ етиб, ҳақиқатни билишга кўмаклашадиган, амалий фаолиятда доимо ҳамроҳлик қилиб, инсонни ўзлигини англашга, эзгу мақсад ва ҳаракатга ундайдиган фалсафа керак. Инсонлар ўзларини қизиқтирган саволга жавоб топа олсинлар, аини пайтда, ўз фалсафасига, қарашларига, ўз нуқтаи-назарига эга бўлсинлар.

Фалсафанинг асосий баҳс мавзуи ўзгардимиз? Уни қандай тушуниш керак? деган савол атрофида мунозаралар тўхтаган эмас. Узоқ йиллар давомида фалсафанинг баҳс мавзуси “Онгнинг материяга, тафаккурнинг борлиққа муносабати масаласини” ўрганишдан иборат, (Ф.Энгельс) тарзида қўйилишида қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Аввало, ҳар бир ғоя ўз ҳимоячисига эга бўлишни, эътиқодга айланишни мақсад қилиб қўяди, ва энг йўқсил синфга таянганини алоҳида таъкидлаш лозим, иккинчидан, умуман дунё фалсафасининг асосий баҳс мавзуи деб эмас, янги замон (XIX аср) фалсафасининг асосий баҳс мавзуи тарзида қўйилганлиги; учинчидан, ҳаётнинг ўзгариши билан, энг долзарб бўлган муаммо, маълум даврда назарий-амалий аҳамиятга эга бўлган фалсафа (материализм нуқтаи назаридан) ўз қимматини йўқотганлиги табиий жараён эмасми?

Фалсафа тарихида соф материализм ва соф ҳолда идеализм учрамайди. Ҳар иккаласида ҳам эътиқод, ишонч, илм-ақл

муносабати кўп ҳолларда ўзаро боғланиб, уйғунлашиб кетади. Марксча фалсафа идеализмни инкор этиб, фақат ўзини тўғри гоё деб талқин этишга олиб келди.

Фалсафанинг асосий баҳс мавзуси шундай қўйилишидан мақсад бўлганми? Бўлган ! Унинг асосий мақсади инсонни ўзлигини англашдан, билишдан бегоналаштиришдир. Унинг фаолиятини ўзидан ташқарида “онгни” материяга “тафаккурни” эса борлиққа йўналтиришдан иборат. Марксча фалсафани инсондан ташқаридаги объектив реаллик қизиқтиради. Унга ўзлигини билган, англаган, англашга интилган ёки интилаётган инсонлар керак эмас.

Антик дунё, Шарқ ёки Ғарб фалсафий тафаккури “материя”, “борлиқ” тушунчаларини инкор этганми? Йўқ, инкор этмаган. Бу тўғридаги қарашлар хилма-хил бўлган, шу асосда турли хил таълимотлар тизими пайдо бўлган. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтишга имкон ҳам йўқ, аммо унинг хилма-хил бўлиши табиий жараён, чунки ҳар кимнинг ўз фикри, қараши ва шу асосда таълимотлар пайдо бўлиши муқаррарлигини собиқ мафкура сингдира олмаган. Тўғрироғи, унинг олдида қўйган сиёсий мақсади ва вазифаси билан мувофиқ тушмаган. Бир хил, ягона қарашга даъвогарлик қилган фалсафа бошқа йўлдан бориши мумкин эмас эди.

Табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари, ҳодисаларнинг моҳияти ҳам шу тамойил ва мақсаддан келиб чиққан ҳолда тушунтирилди ва улар аста-секин соддалашиб, ўз фалсафий моҳиятидан узоклашиб борди. Маълум бир мавзунини мутлақлаштириш ҳаётнинг оқими, вақт ва маконнинг ривожланиш қонунига зиддир.

Фалсафа фанми ? ёки ...

Марксча фалсафа фан сифатида ўргатилиб, мафкурага хизмат қилиши кўзда тутилган эди. Мафкуралаштирилган жамият вужудга келтирилди. Фалсафа эса “марксча-ленинча” фалсафа маъносида шу мафкуранинг тарғиботчиси ва ташвиқотчисига айланди.

Ноодил сиёсий мақсадларга бўйсундирилган мафкуранинг жуда мукаммал, изчил тизими яратилди. Барча таълим-тарбия ишлари, мавжуд муассасалар, илм-ўчоқлари, шу мақсад

йўлида фаолият кўрсатди. Фалсафа қадим фанларнинг фани сифатида вужудга келган ва “философия” номини олган. Бу илм - ҳақиқатни билишга, воқеа ва ҳодисаларнинг туб моҳиятига етишни мақсад қилиб қўйган, ва инсонлар қалбидан жой олган. Баҳс ва мулоқот йўли билан, моҳиятта яқин хулосалари билан, инсонлар олдида турган саволларга жавоб берган.

Фалсафани фан сифатида “марксча-ленинча фалсафа” тарзида ўрганиш унинг имкониятларини чекланишига сабаб бўлди, фалсафий тафаккур топталди, ўз қараши, нуктаи назари, концепциясига эга бўлган файласуфларга эмас, “интерпретатор”- ташвиқотчи файласуфларга эҳтиёж яратилди. Бу умумфалсафий фикр, тафаккур доирасининг тушишига, бир томонлама, “тор доирадаги, собиқ сиёсат ва мафкура талабларига мувофиқ бўлган” файласуфларни тайёрлашга “катта эътибор берилишига олиб келди”. Дунё фалсафасидаги хилма-хил таълимотлар, қарашлар эътибордан четда қолди.

Фалсафага янгича ёндашув

Мустақиллик туфайли инсоннинг дунёни идрок этиши, унга қарашлари ва муносабати ўзгарди. Бу эса ижтимоий фанлар тизими қаторида фалсафа фани, уни ўқитишни янгича тамойиллар, дунё андозаларига мувофиқ ташкил этиш муаммосини ҳал этиш имкониятини вужудга келтирди. Бугунги кунда фалсафани ўқитиш тўғрисида муайян қарашга ва истиқбол концепциясига эга бўлиш файласуфлар олдида турган энг долзарб муаммодир. Бу муаммо хусусида турли - хил фикрлар, қарашларнинг бўлиши табиий. Аммо шундай тамойиллар мавжудки, улар фалсафанинг инсон ҳаётида, давлат ва жамият қурилиши ишларини амалга ошириш, мустақилликнинг умумназарий муаммоларини таҳлил этишда, тегишли хулоса ва тавсиялар беришда, жамиятнинг ривожига қаратилган ғояларни илгари суришда ўз ўрни ва мавқеига эга :

- назарий-фалсафий тафаккур - янги бирон-бир фалсафий концепцияни ишлаб чиқишда муҳим асос бўлади. Умумфалсафий дунёқарашни шакллантириш билан муаммо ҳал этилмайди;

- назарий-фалсафий ҳуҷосалар, илҳор ғоялар ўз-ўзидан туғилмайди. Бунга иқтидор, қобилият, ақл билан бирга машаққатли меҳнат, ҳодисаларни кузатишда чуқур илмий-назарий, табиий билим, амалиёт, тафаккур, илҳор ғояларни тушунадиган унинг ўқувчиси ҳам бўлиши керак;

- назарий-фалсафий тафаккур эгаси бўлиш - бу давр, сиёсий, ижтимоий, маънавий тафаккурнинг истиқболи билан доимо ҳамнафас бўлиши, назарий ғоялар, пишиқ, пухта ўйлаб илгари сурилган таклиф ва қарашларни ишлаб чиқиш билан ажралиб туради;

- ғояларнинг мукамаллиги мавжуд муносабатлар тизими билан ҳам боғлиқ. Ривожланмаган ижтимоий-иқтисодий муносабатларга хос бўлган қарашлар тизими, фикр ва мулоҳазалар ҳам бўлиши мумкин;

- ғоялар ҳаётдан орқада, ҳаёт билан уйғун ва ҳаётдан илгариллаб кетган бўлиши мумкин.

Бугунги фалсафий тафаккур қандай даражада? Асосан, мавжуд фалсафий қарашларни тушунтириш, шарҳлар бериш билан кифояланиб қолган. Тушунтиришлар ҳам “кечаги фалсафий ёндашувга таянилган ҳолда” амалга оширилмоқда. Бугунги кунда қарашлар, фикрлар хилма-хиллигига етарли имконият, ҳуқуқий асос мавжуд, аммо имконият, бу ҳали воқелик эмас. Воқеликка айланиш учун: а) етарли даражада илмий-назарий билимга эга бўлиш; б) муайян қараш, муносабатни шакллантириш; в) мустақил нуқтаи назар, ижодийлик билан бирга, мавжуд фалсафий қарашлардан воқиф бўлиш, ўз йўлига эга бўлиш лозим. Биздан ўз йўли, концепциясига эга файласуфлар чикдими?

Собиқ сиёсат ва мафкура “интерпретатор” файласуфларни заруратга айлантирди. Тафаккур даражасини ҳам шу даражага тушириб қўйди. Эндиликда тафаккур доираси кенг, катта интеллектуал салоҳиятга эга, янги - концепцияларга қобил файласуфларга зарурат пайдо бўлганлиги, эҳтиёжга айланганлигини англаш керак.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда янги концепцияга эга бўлган фалсафий мактаб яратилдими? Ёки фалсафани янгича қарашлар асосида таҳлил этиб бераётган илмий мактаб шаклландими? Лоақал шу талабга тўла жавоб берадиган бир дарслик ёки қўлланма-чи?

Бугун файласуфларга нисбатан кинояли муносабатларда ҳақиқат борлигини тан олган ҳолда, ким шундай мактабни яратиш йўлида фидойилик кўрсатмоқда ? Мавжуд илмий-текшириш институтлари, илмий-тадқиқот маркази, кафедраларнинг қайси бирида шундай мақсад қўйилган дейиш мумкин ? Қўйилмаганлигининг сабаби нимада?

Ўтган мустабид тузум даврларида янги концепция билан чиқишга имконият, шароит бўлмаганлиги тушунарли. Тўғри, бу мактаб бир кунда, бир йилда яратилмайди. Яратиш мумкин ҳам эмас. Аммо ташаббус, саъй-ҳаракатлар, шундай истиқболли ёндашувга ўтган 4-5 йилда нима қилинди?

Ҳамон “фалсафанинг асосий масаласи нима?”, “фалсафа фанми - фан эмасми?” деган баҳсдан нарига ўтилмади. Тўғри, баҳс, мулоқот яхши, у янги фикр, ғояларни туғдиради. Туғилган фикрларни ривожлантириб, янгича концепцияга асос сифатида қабул қилиш маълум натижа беради.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ривожланиш тўғрисида “дунё фалсафий тафаккурида” турли хил жавоблар берилган. Айни пайтда, янги давр руҳига мос ёндашувга эҳтиёж сезиш аҳамиятлидир. Ҳаёт тўхтаб турмайди. Муаммолар ҳам турли даврда турли ёндашув ва таҳлилни талаб этади. Мустақиллик туфайли сиёсат ўзгарди. Ижтимоий тизим ўзгарди. Дунёвий муносабатлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатлар ўзгармоқда.

“Назарий ва амалий фалсафа” эса орқада қолмоқда. Назарий фалсафадаги ожизлик амалиётда ҳам сақланиб турибди.

Бир хил қараш, ягона фикр ва тамойилга асосланган фалсафа, сиёсат ва мафкура янги мактабларни, концепцияларни ярата олмайди.

Фикрларнинг инсонга, жамиятга фойдаси тегсин, уларни ҳаётга тайёрлашга, тўғри йўлни топишга, фикрлай олишига ёрдам берсин.

Фалсафий тафаккурнинг орқадалигига сабаблардан бири, бу фалсафа билан табиат илми ўртасидаги узвий боғлиқликнинг сусайганлигидир. Бунинг объектив сабаби ҳам бор. Бугун инсон тафаккурининг, математика, физика, биология, химия, кибернетика ва бошқа фанлар қўлга киритаётган ютуқларни тўла эгаллаб олиш, фалсафий

мушоҳада этиш орқали, муҳим хулосалар чиқариш жараёни мураккаблашиб бормоқда. Математик ва физик табиатнинг илмий-фалсафий муаммоларига таянадиган фалсафий тафаккурга эга бўлиши зарур. Ғарб фалсафаси ёки ўрта аср Шарқ фалсафаси бунга мисол бўлади. Бугун табиий-илмий тафаккур билан фалсафий тафаккур ўртасида узилиш борга ўхшайди. Назарий фалсафада ҳам, амалий фалсафада ҳам унга алоҳида эътибор бериш керак. Жаҳон фани фалсафа илми билан уйғунликда ривожланаяпти. Ҳозирги замон фалсафаси фан муаммоларини, уларни ҳал этиш истиқболларини табиий фанларнинг ютуқларисиз тасаввур этиши қийин.

Лекин, бунга эришишнинг бирдан-бир йўли табиий-илмий, фалсафий тафаккур билимлар тизимига қанчалик эга эканлигимиз билан боғлиқдир. Бу ўта жиддий муаммо. Ўзбекистонда кейинги 500 йил ичида қандай фалсафий концепция юзага келди, қандай мактаб яратилди? Бу саволга жавоб топиш жуда мушкул, лекин Марказий Осиё ўз даврида бутун дунёга машҳур ва улуг алломаларни, файласуф ва назарийчиларни етказиб берган юрт эмасми?

XX асрнинг охириги чораги давлатларда содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билангина характерланиб қолмасдан, ижтимоий-гуманитар фанларнинг мақсади ва ижтимоий вазифаси тўғрисидаги мавжуд қарашлардаги туб инқилобий ўзгаришлар билан ҳам характерланади.

Фалсафанинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига, ривожига мавжуд сиёсат, мафкура, манфаатлар ва амал қилинган тамойиллар тизимисиз ҳолисона муносабат билдириш мумкин эмас.

Инсоннинг мавжудлиги, ҳали унинг ҳар бир фаолиятининг онгли асосга қўйилганлигини билдирмайди. Инсон ўзлигини билмасдан туриб дунёни била олмайди. Борлиқни билишга бўлган ҳаракат унинг фаолиятининг бир томони ҳолос, ўзлигини билиш орқали дунёни англашга, билишга қараб бориш ҳақиқатга яқин, моҳиятан инсон билан уйғундир. Чунки инсон муаммоси фалсафанинг асосий йўналишларидан биридир.

Фалсафанинг мафкурага муносабати ва ижтимоий вазифаси

Фалсафа миллий мафкура билан боғлиқ ва маълум ижтимоий вазифани бажаради. Унинг ўрни ва мавқеи ҳам маълум маънода шу билан белгиланади. Аммо, мафкура қандай тамойилларга асосланади ва қандай ижтимоий вазифани бажаради? Буни фарқлай олиш керак. Аввало, Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш мустақиллик туфайли сиёсий институтлар, мафкуралар, фикрлар, хилма-хиллиги асосига қўйилди; иккинчидан, ижтимоий ривожланишда сиёсат, мафкура, инсон ва умуминсоний тамойиллар устуворлигига асосланилмоқда. Фалсафада ҳам қарашлар хилма-хиллиги, инсон ва умуминсоний тамойилларга асосланган ҳолда янгича ёндашув амалга ошмоқда. Бундай фалсафа муайян ижтимоий вазифаларни бажаради, лекин собиқ сиёсатга хизмат қилган фалсафадан фарқли равишда, айрим синф манфаатларига қаратилган эмас. Аксинча, инсон ва умуминсоний тамойилларга, фикрлар ва мафкуралар хилма-хиллигига асосланган фалсафа ўз истиқболига эга, умуминсон манфаатларига, тамойилларига таянган фалсафагина истиқлол талабларига тўла жавоб беради ва доимо ривожланиб боради. Шу маънода, фалсафанинг мафкурага муносабати ижобий бўлади ва муайян ижтимоий вазифани бажариши табиий.

Олий ўқув юртларида ўқитиладиган фалсафа - жаҳон ва Марказий Осиё фалсафасига асосланиши, ёшлар дунё-қараши, мафкурасини шакллантиришда, юқорида қайд этилган фазилатларни тарбиялашда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши лозим.

“Миллий тикланиш” 19.11.96 й.

Янгиланаётган фан Ўзбекистонда фалсафий тафаккур : бугун ва келажак

Мустақиллик туфайли мамлакатимизда инсонларнинг онги ва тафаккурида туб бурилиш даври бошланди. Бу “моҳият

эътиборига” кўра, кишиларнинг онгига мажбуран сингдирилган, турмуш тарзимизга бегона бўлган шўро мафкураси ва дунёқарашидан воз кечиш, ҳамда демократик жамият қуриш жараёни талабларига жавоб берувчи дунёни янгича идрок этиш давридир. Бу ўз навбатида, бир қанча зарурат ва муаммоларни келтириб чиқаради. Хўш, булар нималарда кўринмоқда, уларнинг сабаб ҳамда ечимлари борми?

Хозир, аввало, бизда миллий мафкурага эҳтиёж пайдо бўлди. Миллий мафкура ва унинг шаклланиш босқичи қандай бўлиши керак?

Бу хусусда Президент И.А.Каримов шундай дейди: “Мафкурани шакллантириш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бугун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кент жамоатчилиқнинг илгор дунёқараш ва тафаккурита асосланиш лозим”. Бу бир томондан, миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига муҳим ҳисса қўшган фалсафий меросимизни чуқур ўрганишни тақозо этса, иккинчидан, “марксистик” фалсафанинг асосида турган бир ёқламаликка барҳам бериб, унинг ўрнида ривожланган, халқнинг миллий, фалсафий-маънавий меросига таянган ҳолда дунё фалсафий тафаккуридан баҳраманд бўлаётган янги парадигмаларда намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фалсафа фани қандай тамойиллар асосида ривожланмоқда, унинг дунё фалсафасидаги умумий ва ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат? - деган савол кўпчилликни қизиқтирмоқда. Чунки ҳар бир халқнинг фалсафаси, шу халқнинг дунёқараши, тафаккур тарзи ва қадриятларида ўз аксини топади ва унинг ривожланиш модели асосида ётади.

Хўш, мустақиллик фалсафасининг “коммунистик фалсафа” билан муроса қила олмаслиги, Ўзбекистонда янги фалсафий қарашлар ва ёндашувларга асосий сабаб нималардан иборат? Бизнингча, бунинг асосий сабаби шундаки, биринчидан, “коммунистик фалсафа” да дунё воқеа ва ҳодисалари, жамият ривожига бўлган муносабатида амал қилган “тамойиллар” ва асосий “ғоялар”нинг инсонлар хоҳиш-иродасига мос келмаганлиги; иккинчидан, бу қадриятлар ҳар бир халқнинг миллий тафаккур тарзи, хусусиятлари, маънавияти тарихи-

нинг ривожланиш фалсафасига тўғри келмаганлиги; учинчидан, мамлакатнинг тараққиёт йўли четдан “зўрлик” билан белгиланиб, унинг ўзига хос ва мосликдан узоқлашганлиги, мустақил ривожланиш, тадрижийлик, ворисийлик, монандлик қонуниятлари бузилганлиги билан боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин.

Шунинг учун ҳам, ўзлигини англаган ҳар бир киши мустақилликни қарамликдан туб фарқини ҳисобга олган ҳолда, доимо ҳақиқатни билишга, ўз ўтмиш ва тарихини англаб яшашга, уни ўз хоҳиши, истаги, тафаккур тарзи, идеалларига мувофиқ бўлишига ҳаракат қилади. Бунга эришишнинг асосий шартларидан бири - Мустақилликдир. Мустақил бўлмаган мамлакат халқи тўла эркин фикрлай олмайди, ўзи хоҳлагандек ўз тақдирини ўзи қуролмайди. Унинг эрки ва иродаси “ўзгалар қўлида” бўлади ва натижада, онгида “мафкуравий бўшлиқ” вужудга келади.

Шу нуқтаи назардан ёндашганда, бугунги кунда Ўзбекистонда фалсафа фани халқнинг хоҳиш-иродалари, дунё-қарашлари билан ўзаро уйғунлашиб бораётганлиги, мустабид тузум даври фалсафасида амал қилиб келган ягона мафкуравий қарашлар, тамойиллар, парадигмаларни мустақиллик даври фалсафий тафаккурига тўғри келмай қолганлиги, табиий равишда, мамлакатимизда эркин, демократик жамият қурилишининг бошланганлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Буни тўла англаш ҳар бир инсон, хусусан, файласуфлар тафаккурида ҳам ўзига хос ўтиш даврини ўташни тақозо этмоқда. Бу эса одамлардан узоқ йиллар давомида амал қилинган, кишиларнинг онг ва тафаккурига зўрлаб сингдирилган ғоя ҳамда кадриятларни бугунги воқеликка тўғри келмаслигини идрок этиб, ватан, миллат, мамлакат шаъни, кадр-қиммати ва ривожланиши билан боғлиқ янги ғоялар, қарашлар, тамойилларни, кадриятларни ўрнига қўйиб, унинг афзаллигини тушунишни, қабул қилишни, эътиқод ҳамда амалий фаолиятга айлантиришни тақозо қилмоқда.

Халқимиз ҳозир шу жараёни бошидан кечирмоқда. Одамларнинг онги ва тафаккурида муайян ўзгаришлар содир бўлмоқда, чунки мустақиллик туфайли мамлакатда жамиятнинг сиёсий тизими тубдан ўзгарди. Бошқарув тизимида маъмурий-буйруқбозлик услубига асосланган тоталитар,

сиёсий институтлар ўрнига халқимизнинг қадриятларига мос эркин, демократик жамият қуришга хизмат қиладиган асосий институтлар ҳилма-ҳиллигига ўтилди. Иккинчидан, мамлакат ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий негизлари ҳам ўзгарди. Бугун биз эски парадигмалардан шунчаки воз кечаётганимиз йўқ. Бунга асосий сабаб шуки, бу парадигмаларда “миллийлик, миллий” хусусиятлар билан, “умуминсонийлик” уйғунлашмаган, шунингдек, бу назарий қоидаларда ҳар бир халқ хусусиятларига ва тарихий-маданий меросга ҳурмат билан қаралмаган. Учинчидан, инсон эрки ва хоҳиш-иродасини ҳисобга олиш қонунияги қўпол равишда бузилган.

Мустақиллик шароитда Ўзбекистонда фалсафа фанида қандай ўзгаришлар бўлди? Бу соҳадаги муаммолар билан айрим ютуқларни қуйидаги йўналишларда кўриш мумкин: биринчидан, Мустақиллик Ўзбекистонда фалсафа фанида янгича қарашлар ва ёндашувларга асосланган тамойиллар орқали воқеа ва ҳодисаларни ўрганишнинг янги даврини бошлаб берди; иккинчидан, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш мақсадидан келиб чиқиб, фалсафа фани янги қоида ва тамойиллар билан бойимокда.

Маълумки, фалсафа фанининг баҳс мавзуси анча мунозарали бўлиб, бу ҳақида турли қарашлар мавжуд. Бизнингча, аввало, баҳс мавзусини анъанавий тарзда талқин этиш бугунги воқелигимизга тўғри келмайди. Қолаверса, унинг заминиди муайян мафкуравий мақсадлар яширинганлигини англаш энди қийин эмас. Иккинчидан, баҳс мавзуини шундай тарзда қўйилиши ва ундан чиқарилган фалсафий хулосалар қандай мақсадга хизмат қилганлигини ҳисобга олиш зарур; Учинчидан, дунёқарашни “материализм” ва “идеализм”га бўлишнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий соҳадаги салбий оқибатлари бугун қўпчилик файласуфларга маълум. Шу нуқтаи назардан, баҳс мавзуси ўзгарганлигини таъкидлаш лозим.

Бизнингча, фалсафанинг дунёқараш ва ҳақиқатни билиш тўғрисидаги фан эканлиги, унинг инсон онги, тафаккури ҳамда маънавий-руҳий олами билан боғлиқлигидан келиб чиқиб, инсоннинг “мени”, унинг воқеа ва ҳодисалар жараёнида тутган ўрни ва ролини ўрганиш ҳозирги замон фалсафасининг устувор вазифасидир дейишимиз мумкин.

Инсоннинг маънавий баркамоллиги воқеа-ҳодисаларнинг

содир бўлиш жараёнлари ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар илдизини топишнинг муҳим ва ҳал этувчи омилдир. Зеро, фалсафа - ҳар бир инсон онги ва тафаккури тарзи, дунёни идрок этиши, унга муносабати, ўзлигини англаш даражаси, кадр-қиммати билан боғлиқ бўлган қарашлари ҳамда амалий фаолиятининг мажмуидир.

Фалсафада халқнинг ўзига хос руҳияти, моддий ва маънавий неъматларга муносабати, ўз аксини топади. Бу эса ҳозирги замон фалсафасида инсон маънавий-руҳий оламини ўрганишнинг устуворлигида ўз ифодасини топмоқда. Чунки мамлакатимизда амалга ошаётган жараёнларни инсон тафаккури, онги ва маънавий-руҳий оламидаги ўзгаришларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бўлаётган ҳар бир воқеа ва ҳодисанинг марказида инсоннинг маънавий-руҳий олами, унинг манфаатлари мужассам бўлади. “Моддий борлиқ” фалсафаси, яъни воқеа ва ҳодисалар, онг ва тафаккурдаги ўзгаришларни фақат моддий борлиқ, муҳит билан боғлаб тушунтириш бугунги жараёнларга, мустақиллик даври фалсафий тафаккурига мос келмайди. Айни чоғда, бугунги фалсафада инсонга фаол ва ўзгартирувчи куч сифатида қаралмоқда. Инсоннинг маданий-маърифий даражаси ва салоҳияти тараққиётни белгилаб берувчи асосий мезон деб ёндашилмоқда. Бу “моддий ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқарувчи кучлар жамият тараққиётини белгилаб беради” деган “марксистик” қарашдан фарқ қилади. Чунки ҳар қандай ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти, аввало, инсон салоҳияти, онги ва тафаккурининг ҳосиласи сифатида намоён бўлади.

Бугунги фалсафа кенг фикрлилиқни инсонга хос хусусият деб билади, шунингдек, фалсафий қарашларда ягона фикр даъво қилишни инсон дунёқарashi, ҳохиш-иродасига зид ижтимоий-маънавий ҳодиса эканлигини эътироф этади ҳамда турли хил қарашларга ҳурмат билан қарайди.

Бинобарин, моддийлик ва маънавийлик уйғунлиги жамият тараққиётининг негиздаги муҳим қонуниятдир. Бу уйғунлиқни эътироф этмаслик, инсонни ўз мавжудлигидан узоқлаштиради. Маънавиятдан узоқлашган инсон, ўзлигидан бегоналашади. Инсоннинг маънавий-руҳий олами, унинг

мавжудлигининг асосий ва устувор жиҳатидир. Инсон тана (жисм) ва руҳ (маънавий руҳий олам) мажмуи сифатида моддий эҳтиёжларни - жисм (тана) талабларини қондиради ва ундан руҳий қувват олади. Инсон эса маънавий-руҳий қувват орқали фикрлайди ва фаолият кўрсатади, чунки инсоннинг воқеа ва ҳодисаларга бўлган қарашида, унинг дунёни англаши, билишида ақл, ишонч, эътиқод ўзаро муносабатда бўлади. Фалсафий қарашларни “материализм” ва “идеализм”га бўлиб қўйиш каби анъанавий фалсафий қараш, инсоннинг табиати, дунёни идрок этишдаги табиий ҳолатига мутлақо тўғри келмайди. Шунингдек, ҳозирда диалектикага баҳс юритиш ва ҳақиқатни билиш санъати деб қаралмоқда. Уни муайян ижтимоий гуруҳ манфаатига бўйсундириш ва унга хизмат қиладиган сиёсий ҳамда мафкуравий ҳулосалар чиқариш, маърифий-фалсафий тафакқурга, табиий ривожланиш жараёнига тўғри келмаслиги англаб етилмоқда. Фалсафа тарихи турли хил қарашлар, таълимотлар ривож ва ўзаро муносабати тарихи сифатида ўрганилмоқда. Жамият тараққиётининг қўп қутблилиги модели унинг “икки қутбли” моделининг асоссиз эканлигини кўрсатмоқда. Бу цивилизациялар хилма-хиллиги, ҳар бир халқнинг ўтмиши, маданияти тарихи ўзига хос цивилизациялар кўриниши эканлиги тўғрисидаги қарашга мос келади.

Шундай қилиб, фалсафа - халқнинг тафаккури ва ўзлигининг англаш даражасидир. Халқда ўзига хос фалсафа, фалсафада эса муайян халқнинг тафаккури мужассам бўлади. Бу унинг халқ сифатида ўзлигини англаб етиш даражаси, маданий-маърифий олами, умумий мақсад йўлидаги қарашлари ва фидойилиги билан белгиланади.

“Миллий тикланиш”, 9.02.99 й.

Ўзликнинг олтин бешиги

Тасаввуфнинг умуминсоний муштарак улуғ мақсадларга хизмат қилувчи таълимотлар қаторига киришининг боиси шундаки, унинг замирида диний мутаасиблик эмас, балки динлараро мулоқотни кенгай-

тириш, замин барча учун баробар яратилганлиги, олам ва унинг олий хилқати бўлмиш инсонлар якка-ю ягона Аллоҳнинг бандаси эканлиги ҳақидаги ғоя ётади.

Таникли олим, профессор Н.Комилов қаламига мансуб “Тасаввуф” (Т.1996) китобида ушбу таълимот моҳиятининг янада ёрқинроқ очиб берилган ғояси умумсайёравий моҳиятта эга десак, хато қилмаймиз.

Қарийб 13 асрлик тарихга эга бўлган бу таълимот, бошқа айрим мафкуралардан фаркли равишда, ҳаёт синовидан ўтиб, миллий қадрият даражасига кўтарилди. Тасаввуф бутун тараққиёти давомида мутаассиблар томонидан уюштирилган ҳужумларга бардош бера олди.

Агар масалага жиддий ёндашсак, тасаввуф тариқати намояндаларининг саъй-ҳаракатлари туфайли жаҳон динлари ўртасидаги муносабатларда маълум маънода мулоқот ўрнатилган, десак муболаға бўлмайди.

Профессор Н.Комиловнинг асари орқали тасаввуф тўғрисида етарли маълумот олишимиз мумкин.

Тасаввуф таълимоти узоқ йиллар давомида Машриқдан Мағрибгача, умуман, бутун ғарбий яримшарга турли йўллар билан тарқалган. Унинг намояндалари, ташвиқотчилари орасида Мовароуннаҳрдан то Андалусия (Испания)гача, Ҳиндистондан Кавказгача бўлган ҳудудда яшаган турли миллатта мансуб кишилар бўлган.

Шарқ фалсафий тафаккурининг ривож тарихида комил инсон ва унинг ахлоқи муаммоси алоҳида ўрин тутган. Тасаввуф эса инсон яратган маънавий маданиятнинг ажралмас бўлаги, кадр топиб келаётган тафаккурнинг маҳсули сифатида, муаллиф таъкидлаганларидек, гарчи ислом бағрида ниш уриб, Қуръон ва ҳадислар ҳикматидан озиқланган, кўп ҳолларда шариат аҳкомига суянган бўлса-да, лекин у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка ҳамда айшу ишратга, ғарб турмуш тарзи, талончилик ва манфаат-парастликка қарши курашиб, ҳақиқатни билиш ва унга амал қилиш, адолатни қарор топтириш, инсонга меҳр-шафқат кўрсатиш, ночор ва муҳтожларни қўллаб-қуватлаш, уларга моддий ва маънавий мадад бериш, оғирини енгил қилиш ғояларини илғари сурган.

Тасаввуф аҳли футуват (жавонмардлик) билан қўшилиб, ҳақиқат йўлида хайрли ишларни амалга оширганлар. Улар - Инсон, озодлик, эркинлик ғоясини илгари сурдилар. Шунинг учун ҳам тасаввуф, нафақат мусулмон Шарқи мамлакатлари маънавий ҳаётига кириб борди, айна пайтда, у ўзининг ғоялари билан умумбашариятга дахлдор инсон руҳиятини, Инсоннинг ўзлигини англаш йўлини кўрсатди.

Тасаввуф Шарқ халқлари тафаккури даражасига кўтаришган фалсафадир. Уни билмасдан Шарқ фалсафасини англаш ҳамда инсонга руҳий қувват берадиган кучидан баҳраманд бўлиш, дунёни яхлит ҳолда идрок этиш мумкин эмас.

Тасаввуфда халқимизнинг ўтмиш фалсафаси, дунёқарashi, тафаккур тарзи, ҳаётий тамойиллари, халқ қалбидан жой олган инсонпарварлик ғоялари ўз ифодасини топган. Унинг ички маънавий дунёсида умуминсоний қадриятлар билан уйғунлиги намоён бўлган.

Тасаввуф ғоялари хилма-хил бўлса-да, инсон учун қайғуриш асосий масала бўлиб келган. Комил инсон - барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақ руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, суврату сийрати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот сифатида тасаввуфнинг идеали ҳисобланган. У эзгулик, яхшиликнинг тимсоли бўлиб изоҳланган.

Тасаввуф намояндаларидаги хислатларда ҳамон бугунги илм-фан учун сирли бўлиб қолаётган жиҳатлари мавжуд. Шунга қарамай, унга таълимот сифатида, дунёвий ва илоҳий илмлар нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда муносабатда бўлмок керак.

Тасаввуф - бу фақат “таркидунёчилик”дан ёки мазкур ғояни тарғиб-ташвиқ этишдан иборат эмас. Уни бугунги кун, истиқбол талаблари нуқтаи назаридан ўрганиш кўпроқ маънавий озиқа беради. Доимо ҳақиқатни билишга, ҳаётнинг мазмунини, инсоний моҳиятни англашга асос берадиган ғоялари муҳимдир. Унда фалсафа, руҳшунослик, мантиқ, ахлоқшунослик, инсонпарварлик, муҳаббат каби юксак инсоний ғоялар уйғунлиги сезилади. Бу ёшлар тарбиясида ҳам катта аҳамиятга эга. Тасаввуфни ўқиган ҳар бир мутахассис ёки ўқитувчи унда илгари сурилган ғояларни бугунги тараққиётнинг турли жабҳаларида қўллаши мумкин.

Инсон муаммоси ҳар бир ҷамиятда бош мавзу бўлиб, унинг фозиллиги кўп жиҳатдан комиллик даражасига боғлиқдир. Тасаввуфда поклик, муҳаббат, маърифат тарғиб қилинади, инсоннинг энг олижаноб хислатларини сақлаб қолиш, тубанликка тортувчи нафс қутқуларидан қутулиш йўллари кўрсатилади.

Ушбу таълимот намояндалари ва фидойилар нодонлик, зулм ва зўравонликни қаттиқ қоралаганлар. Инсони шарифни ҳамма нарсадан юксак деб билганлар. Инсонни камол топтириш билан эса маънавий баркамол ҷамиятни вужудга келтириш мумкин. Ана шу ғоя улуғ алломалар Форобий, Ибн Сино, А.Насафий, руҳоний шайхларимиз А.Яссавий, Б.Нақшбанд, буюк шоирларимиз Навоий, Жомий, Машраб, Огаҳий асарларида ифодаланган. Тасаввуфни чуқур тушунмасдан уларнинг меросини англаш қийин.

Ушбу китобни ўқиган ҳар бир китобхон Шарқ фалсафий меросидан баҳраманд бўлади. У ўқувчи қалбига эзгулик, поклик каби олижаноб инсоний туйғуларни янада чуқурроқ сингдиради. Комиллик сари етаклайди. Шунинг учун ҳам тасаввуф ғоялари башарият учун мислсиз аҳамиятга эга.

“Халқ сўзи”, 22.04.97 й.

Истиқлол, ислоҳот ва мафкура

Маълумки, ислоҳотларни чуқурлаштириш муайян ғояларга, маданий-маърифий негизларга асосланади. Яъни ҷамият истиқболи ва тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилаб олишда муҳим омил сифатида хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ҷамиятлар муайян мафкурага таяниши билан бир-бирига ўхшаса-да, лекин қандай тамойилларга асосланганлиги билан бир-биридан фарқ қилади. Демакки, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш фуқаролар онги ва тафаккурининг ўзгаришини тақозо этади. Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Жиззах, Сирдарё, Наманган ва Бухоро вилоятлари кенгашларида сўзлаган нутқида ислоҳотларни амалга оширишда эришилаётган ютуқларни таъкидлаш билан бирга, янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби эканига, ислоҳотларнинг натижаси инсонлар онги ва тафаккуридаги

ўзгаришлар билан боғлиқ бўлаётганига эътиборни жалб этди.

Жамиятда ислохотларни амалга ошириш маданий-маърифий жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлади. Бу жараёнларнинг давлат ва жамият олдида турган вазифаларни амалга оширишда, фуқаролар фаолиятини таъминлашда, улар тафаккурида ўзгаришлар содир этишда, юксак ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ва камол топишида демократик ислохотларни амалга оширишга хизмат қилиши муқаррар. Бугун миллий истиқлол мафкураси олдида ҳам шундай улут ва эзгу мақсадлар турганини, халқимизнинг бой маданий-маърифий мероси, қадриятлари билан уйғунлашиб, тараққиётга хизмат қилишини таъкидлаш лозим.

Табиийки, Ўзбекистон мустақил бўлгач, миллий мафкурага эҳтиёж сезилди. Янги мафкуранинг зарурлиги, аввало, истиқлолни инсонлар тафаккурига сингдириш билан бевосита боғлиқдир! Мустақиллик туфайли, нафақат жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, балки унинг мафкуравий асослари ҳам ўзгарди.

Илгари жамиятнинг ҳаёти ва сиёсий тизими давлат мафкураси даражасида асосланар ва ҳаётга тадбиқ этилар эди. Маълум гуруҳ манфаатига қаратилган, уларнинг мақсад ва қарашларини ҳимоя қилиб келган ягона мафкура ижтимоий ҳаётда жуда катта зиддиятларни келтириб чиқарди. Чунки айрим гуруҳ манфаати инсон манфаатидан устун қўйилди, табиийки, бу нарса умуминсоний тамойилларга мутлақо мос келмайди. Жамиятнинг мувозанати бузилади, натижада, жамиятни ҳам гуруҳларга ажратиб, унинг ичкарасида ижтимоий-сиёсий низолар, келишмовчиликлар учун замин яратиб беради. Бундай мафкура таъсирида “инсон-инсонга”, “давлат-давлатга”, “жамиятлар-жамиятларга” қарама-қарши қўйилиб, ижтимоий-сиёсий беқарорлик кучаяди. Бундай ҳолатга собиқ иттифоқ даврида тирик гувоҳ бўлдик ва бунинг асосратидан баъзилар ҳалиҳануз қутилганича йўқ.

Собиқ коммунистик мафкура инсонлар онгини бир томонлама, яширин, ғаразли манфаатлар ва тамойиллар сари йўналтиргани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Яқин тарихдан, бундан сабоқ чиқазилди ва “...ҳеч қайси мафкурани давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас” деган фикр бугунги кунда ҳукуқий асосга эгадир.

Жамият мафкурасиз бўлмайди, чунки ҳар бир давлат мустақил тараққиёт ва ривожланиш йўлини танлаб олар экан, ўз тараққиёт дастурига эга бўлиши шарт. Бугун Республикамизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ривожланишнинг мафкуравий асослари қандай бўлиши аниқ белгилаб олинган. Яъни эндиликда, иқтисод мафкурадан, унинг тазйиқидан ҳоли ҳамда бирон-бир мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилмайдиган бўлди, чунки давлат ва жамият қурилиши борасидаги вазифаларни амалга оширишда умуминсоний тамойиллар муҳим роль ўйнайди. “Жамиятни тамойиллар бошқаради”, деган фикрда жон бор, аммо қандай тамойиллар асосида бошқарилиши катта аҳамиятга эга. Давлатнинг куч-қудрати унинг маънавий пойдевори, инсонлар ақл-заковати ва салоҳияти билан белгиланади.

Давлат ва жамият қурилиши шундай муракаб ва ранг-барангки, унда турли халқлар, миллатлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар мавжуд бўлиб, уларнинг қараш, манфаатлари айнан бир хил бўлиши мумкин эмас. Шу жиҳатдан, улар турли сиёсий партиялар, ҳаракатларга бирлашадилар, улар орқали ўз қарашларини, манфаатларини ифодалайдилар. Онг ва тафаккур доираси кенгайган сари ҳар бир табақа умумманфаат доирасида яқинлаша бошлайди ва бирлашади. Бирлашишда маънавият ва мафкура энг бирламчи омилдир. Чунки, инсонлар фаолиятини эзгу мақсадлар йўлида сафарбар этишда мафкуравий омилдан фойдалана олиш, айниқса, жойлардаги масъул раҳбарлар фаолиятида ўз ечимини топан, шунга йўналтирилган бўлиши керак. Зеро, маънавияти юксак инсонгина фозиллик хислатларини, фаолликни ўзида мужассам эта олади, мамлакат олдида турган вазифаларни юракдан ҳис этади ва ўз фаолиятини унга йўналтирилади. Дунё миқёсида тан олинган, бугун инсоният олдида доимо муаммо, орзу бўлиб келган мақсаднинг моҳияти ҳам шунда. Бу Эркинлик, Демократия, Мустақиллик билан боғлиқ бўлган қадриятлар ва манфаатлардир. Бу айрим шахслар манфаати билан боғлиқ бўлган тамойил ёки манфаатлар тизими эмас. Бу бугун инсониятни умуммақсад сари йўналтириб турадиган энг олий, умуминсоний қадриятлардир. Ана шундай қадриятларга содиқ бўлган Ўзбекистон ҳам, мафкурага янгича ёндашган ҳолда, уни энг олий қадриятлар

даражасига олиб чиқди ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Эндиги вазифа янги мафкурани янгича талқин ва татбиқ этиш учун, юқорида айтилганидек, инсон маънавий жиҳатдан ўзгариши зарур.

Инсон маънавияти юксак бўлсагина, ягона мафкуравий таъйиқдан холи бўлади. Назаримизда, ҳозиргача айрим шахслар ҳамон уни эскича тушуниш ва ёндашиш, ҳатто ҳадиксираш ҳолатларидан тўла қутулганича йўқ. Шунингдек мафкуралар моҳиятини чуқур англаб, уни ўз амалий фаолиятининг мезонига айлантира билишмаяпти. Сабаби, уларда муайян билим, баҳс маданияти, фикр айтиш ва шу баробарида, эшитиш ҳамда турли фикрларни умуминсоний тамойилга бўйсундирган ҳолда, уйғунлаштира олишда маълум даражада тафовутлар мавжуд. Дастлаб, “Миллий истиқлол мафкураси” дейилганда, унинг номидаги “миллий”лик тушунчаси ҳам айрим кишиларда ўзгача тасаввур уйғоттанди. Аввалло, бу мафкура айрим миллат манфаатларини ҳимоя қиладиган, унинг қарашларини ифодалайдиган мафкура эмаслигини алоҳида қайд этиш зарур. Ундаги “миллийлик” шу давлат номи билан ҳамоҳангликда уйғун бўлиб, умуминсоний тамойиллар, миллий хусусиятлар ҳамда кадриятларга асосланишини таъкидлаш лозим.

Давлат сиёсатида мафкура тор доирадаги манфаатлар тизимидан чиқиб, умуминсоният олдида турган муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган экан, бу давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда “ишончсизлик” кайфиятининг бартараф этилишига ҳам олиб келади. Жамиятнинг ривожини ўзаро манфаатли ҳамкорлик, умуминсонийлик тамойиллари асосида қурилса, “зўравонлик”, “ўз кучига таяниш”, бошқа халқлар тақдирига, хоҳиш-иродасига “писандсизлик билан қараш” каби иллатларга мутлақо ўрин қолмайди. Бу эса, жамият маданий-маърифий асосларининг ривожланиши билан ҳам мос келади.

Мафкуралар хилма-хиллиги ижтимоий, маданий-маърифий вазифалар умуминсоний тамойиллар асосида амалга оширилган тақдирдагина ҳолисона бўлади ва жамиятнинг ҳамма жабҳалари ривожига мувофиқ келади. Зеро, инсон маърифатлашиб, унинг табиати ҳар қандай иллатлардан фориғ

бўлиб боради. Миллий истиқлол мафкураси умуминсоний тамойилларга асосланар экан, уни қай йўналишда амалга ошириш керак ?

Бу мафкуранинг асл мақсади ҳам янги жамият қуриш йўлида жонбозлик кўрсатаётган инсонларга мустақил юртимизнинг давлат ва жамият қурилиши, маънавий ҳаёти, таълим-тарбия жараёнида амалга оширилаётган ишларнинг моҳиятини етказишдан иборатдир. Бунда Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида манфаатларини тўла ҳисобга олган ҳолда ҳар бир фуқарода комиллик фазилатларини шакллантириш, қарашларини миллий қадриятларга йўналтириш баробарида, инсонларда, айниқса, ёшларда маъсулият туйғуларини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда. Мафкурада умуминсоний тамойилларни амалда таъминлашнинг қонуний асослари яратилиши ҳуқуқий, демократик давлатнинг муҳим шарти бўлиши билан бирга, давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари, ижтимоий-иқтисодий, маънавий тизимлари, таълим-тарбия муассасалари, оила ҳам шу асосда амалий фаолиятда бўлиши зарур.

Мустақиллик мафкураси кишилар онгига ва тафаккурига у ёки бу қарашни зўрлаб киритиш асосида эмас, аксинча, турли хил фикрлар ва қарашларнинг шаклланишига шароит яратиб, унинг қарор топишига имконият яратди. Бу имкониятдан тўлалигича фойдаланиш, Республикада давлат ва жамият қурилиши олдида турган вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутишини англаш ва ҳаётта татбиқ этиш ҳар бир кишининг мамлакат олдидаги фуқаролик бурчидир.

“Туркистон”, 21.12.96 й.

Истиқлол мафкураси - тараққиёт омили

Жамиятлар муайян бир мафкурага таяниши билан бир-бирига ўхшаса, айти пайтда, уларнинг қандай тамойилларга асосланганлиги ва тамойилларни ҳаётта қандай жорий этиши билан бир-биридан фарқ қилади. Мустақил республикамизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш инсонлар онги ва тафаккурининг ўзгаришини тақозо этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон

Каримов Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқида ислохотларни амалга оширишда эришилаётган ютуқларни таъкидлаш билан бирга, янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби эканлиги, ислохотларнинг натижаси инсонлар онги ва тафаккуридаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб қолаётганлигига эътиборни жалб этди.

Мустақиллик туфайли нафақат жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий асослари, балки унинг мафкуравий асослари ҳам ўзгарди. Илпори, жамиятнинг ҳаёти ва сиёсий тизими давлат мафкураси даражасида асосланар ва ҳаётга тадбиқ этилар эди. У моҳият жиҳатдан ягона фикр, қарашни ўтказишга ҳамда унинг ҳокимлигини таъминлашга қаратилган эди.

Собиқ мафкуранинг инсонларнинг онгини бир томонлама яширин, ғаразли манфаатлар ва тамойилларга йўналтирилганлиги мустақиллик туфайли фош бўлди ва Ўзбекистонда “ҳеч қайси мафкурани давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас” эканлиги ҳуқуқий асосга қўйилди. Бу ҳар жиҳатдан тўғри эканлигини таъкидлаш ва қайд этиш зарур.

Аммо уни ҳамма ҳам шундай тушунадими? Мафкура тўғрисида узоқ йиллар давомида шаклланган қараш ва “мафкура”ни собиқ “мафкура” билан айнан, деб тушуниш ҳоллари ҳам содир бўлди.

Бундан ташқари, ягона мафкуранинг тазйиқи туфайли ҳар жиҳатдан азият чеккан инсонлар унга эҳтиёткорлик билан ёндашиш, айрим ҳолларда “инкор этиш” каби бир томонлама муносабат билдирдилар. Ҳозирги кунгача ҳамма энг тўғри, адолатли йўлни тўла топиб олди деб айта олмаймиз. Жойларда ислохотларни ҳаётга тадбиқ этиш ва бошқаришда бу омилдан оқилона, уйғун ҳолда фойдаланишга етарлича эътибор бериш керак. Асосий мақсад ягона мафкуравий тазйиқдан қутулишдан иборат.

Жамият мафкурасиз бўлмайди. Чунки ҳар бир давлат мустақил тараққиёт ва ривожланиш йўлини танлаб олар экан, ўз тараққиёт дастури, қараш, амалга ошириш тамойиллари, концепциясига эга бўлмасдан ўз истиқболини аниқ кўра олмайди.

Умуман, давлат ва жамият қурилиши ишларини амалга ошириш ва бошқаришда тамойиллар муҳим роль ўйнайди. “Жамиятни тамойиллар бошқаради” деган фикрда катта маъно бор. Аммо, жамиятнинг қандай тамойиллар асосида бошқарилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Давлат куч-қудратининг маънавий пойдевори инсонлар ақл-заковати ва салоҳияти билан белгиланади.

Давлат ва жамият қурилиши шундай мураккаб ва ранг-барангки, унда турли халқлар, қатламлар мавжуд бўлиб, уларнинг қараш, манфаатлари айнан бир хил бўлиши мумкин эмас. Шу жиҳатдан, улар турли партия ва ҳаракатларга бирлашадилар, улар орқали ўз қарашларини ифодалайдилар. Ёки мавжуд сиёсий институтлар уларни шу асосда бирлаштиради ва уларнинг манфаатини ифодалайди. Аммо манфаатларни англаш, онг ва тафаккур доираси кенгайган сари улар умумманфаат доирасида яқинлаша бошлайди ва бирлашади.

Инсонлар фаолиятини эзгу мақсадлар йўлида сафарбар этишда мафкуравий омилдан фойдаланиш, айниқса, жойлардаги масъул, раҳбар кадрлар фаолиятида бу масала ўз ечимини топган, йўналтирилган бўлиши муҳимдир. Маънавияти юксак инсонгина фозиллик хислатларини, фаолликни ўзида мужассам эта олади. Мамлакат олдида турган вазифаларни юракдан ҳис этади ва ўз фаолиятини унга йўналтиради. Дунё миқёсида тан олинган, бутун инсоният олдида доимо муаммо, орзу бўлиб келган мақсаднинг моҳияти ҳам шунда. Бу Эркинлик, Демократия, Мустақиллик билан боғлиқ бўлган қадриятлар ва манфаатлардир. Бу айрим шахслар манфаати билан боғлиқ бўлган тамойил ёки манфаатлар тизими эмас. Бу бутун имкониятни умуммақсадга йўналтириб турадиган энг олий, умуминсоний қадриятлардир.

Ана шундай қадриятларга содиқ бўлган Ўзбекистон ҳам, мафкурага янгича ёндашган ҳолда, уни энг олий қадриятлар даражасига олиб чиқди ва “мустақиллик мафкурасини”, “миллий истиклол мафкурасини” шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу мафкуранинг янгича талқин этилиши ва уни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ўзига хос қийинчиликлар ҳамон учраб турибди.

Инсон маънавий жиҳатдан ўзгариши зарур. Инсон маънавияти юксак бўлган ҳолдагина, ягона мафкуравий таъйиқдан холи бўла бошлайди, онг ва тафаккурда янги имкониятлар вужудга келади. Дастлаб, “Миллий истиқлол мафкуриси” деганда, унинг номидаги “миллийлик” тушунчаси ҳам айрим кишиларда ўзгача бир тасаввурни уйғотди. Аммо бу мафкура айрим миллат манфаатларини ҳимоя қиладиган, фақат унинг қарашларини ифодаладиган мафкура эмаслигини алоҳида қайд этиш зарур. Ундаги “миллийлик” шу давлат номи билан ҳамоҳанг, уйғун бўлиб, умуминсоний тамойилларга, миллий хусусиятлар ва қадриятларга асосланишини таъкидлаш лозим. Ҳар қандай мафкура умуминсоний тамойилларга асосланиши билан бирга, шу жойнинг ўзига хос хусусиятларини, халқларнинг руҳиятини ҳисобга олган ҳолда, уни амалга оширган тақдирдагина, у умуминсоний тамойиллар руҳи билан мувофиқ тушади. Миллий хусусиятлар ҳам, шу давлатнинг ягона, у ёки бу миллатнинг хусусиятлари эмас, балки шу давлатнинг фуқароси бўлган, барча миллат ва халқларга хос бўлган хусусиятлар эканлигини назарда тутиш ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга.

Буни ҳисобга олмаслик, ҳаётнинг ривожланиш оқимида қарши бориш билан баробардир. Миллий истиқлол мафкуриси очиқ, демократик асосда эканлигини ҳам алоҳида айтиб ўтиш керак. У тафаккур эркинлигига, фикрлар хилма-хиллигига асосланади. Шу жиҳатдан, республикада “кўп партиявийлик”, “муқобил сайлов тизим”ларига ўтилиши ҳам шунга мувофиқ келади.

Миллий истиқлол мафкуриси умуминсоний тамойилларга асосланар экан, унинг қандай амалга оширилиши ва унга эришиш муҳим жиҳатларидандир.

Бу мафкуранинг асл мақсади ҳам янги жамият қуриш йўлида фаолият кўрсатаётган инсонларга, мустақил Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилиши, маънавий ҳаёти, таълим-тарбия жараёнида амалга оширилаётган мақсад ва вазифаларнинг моҳиятини етказишдир. Шунингдек, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида манфаатларини тўла ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир фуқарода комиллик фазилатларини шакллантириш, улар фаолиятини, онги ва қараш-

ларини умуминсоний тамойиллар, қадриятларга йўналтиришдан иборат бўлиб, инсонни дунёнинг бир бўлаги сифатида ўзини ҳис этишида масъулият туйғуларини шакллантиришдир.

Мустақиллик мафкурасини кишилар онгига ва тафаккурига у ёки бу қарашни зўрлаб киритиш, қабул қилдириш асосида эмас, аксинча, турли хил фикрлар ва қарашларнинг шаклланишига шароит яратиб, уни қарор топишига имконият яратди. Бу имкониятдан тўлалигича фойдаланиш республикада давлат ва жамият қурилиши олдида турган вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутишини англаш ва ҳаётга тадбиқ этиш ҳар бир кишининг мамлакат олдидаги фуқаролик бурчидир.

“Туркистон”, 16. 09.98.

Тараққиётда ворислик

Цивилизация - ҳар бир халқнинг ўзига хос тарихий-маданий ривожланиши, шаклланган қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар, тафаккур тарзида намоён бўлади. Цивилизациялар хилма-хиллиги (Ж.Тойнби), яхлит цивилизациянинг йўқлиги тўғрисидаги (О.Шпенглер) қарашлар бу борада турли ёндашувлар борлигини кўрсатади.

Дунёнинг яхлитлиги унинг хилма-хиллигини инкор этмайди. Аксинча, ана шу турли хил маданият, дин, илм-фан ва адабиёт, санъат уни бойитади.

Ҳар бир халқнинг маданий ривож, тарихи такрорланмас хусусиятларга эга. “Ғарб” ёки “Шарқ” цивилизацияси, ҳинд, конфуцийчилик, буддавийлик, католик, протестант ва православ, мусулмон, негроафрика каби цивилизациялар ўзига хослиги билан бир-биридан ажралиб туради.

Дунё халқлари цивилизациясига фақат биргина омил билан тўғри ёндошиб бўлмайди. Бунда унинг моҳияти тўлалигича англаб олиниши қолади. Бундан ташқари, цивилизациялар тадрижийлигига қандайдир маданиятлар алмашинувининг натижаси сифатида ёндашиш, у ёки бу цивилизациянинг кўриниши, унинг бошланиши ва охири бор, (О.Шпенглер) деб қараш ҳам дунё ривожланишининг

узлуксизлик, тадрижий ривожланиш, ворисийлик қонуни мангигиға тўғри келмайди.

Цивилизациялар ўзгаришининг табиий сабаблари мавжуд. Лекин цивилизациялар ўртасида яхлитлик, ҳамжиҳатлик тўлалигиға қарор тошани йўқ. Дунёда манфаатларни турлича англаш даражаси, унинг муайян даражада сиёсийлашганлиги, мафкуравий омиллар турли халқлар, маданиятларнинг ўзаро алоқасига, ўзига хослигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Цивилизациялар кўп ҳолларда ички ва ташқи ўзаро низолар, курашлар, бўлинишлар, тахт талашишлар, манфаатлар тўқнашувининг таъсириға учраган. Бу эса оқибатда, халқлар ҳаётиға, тарихий-маданий ривожига ворисийликнинг бузилишиға, шаклланган айрим маданиятларни аста-секин таназзулга юз тутиб, унинг ўрниға бошқача маданиятнинг кириб келишиға ва шаклланишиға сабаб бўлган.

Масалан, Осиёча ишлаб чиқариш усулининг ўзгариши, жамиятлар ривожини тарихини номаърифий асосда, формация талқин этиш ҳамда моддий ишлаб чиқариш усулининг жамият ривожини асосига қўйилиши - цивилизацияларнинг тарихий-маданий босқичларни оддий бир ҳолатта тушишти сабабдир. Натижада, дунё цивилизацияси бешта ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичидан иборат қилиб қўйилди. Формациялар алмашуви, социал революциялар тўғрисидаги номаърифий концепциялар яратилди. Айрим шахслар ақлзаковати туфайли ишлаб чиқилган ғоялар орқали, дунёни бир хил идрок этиш шаклланди, ривожланишдаги хилма-хиллик қонуни бузилди.

Тараққиётда айрим халқларнинг илгарилаб кетганлиги, айримларининг эса ҳозирча орқада қолганлиги, баъзи давлатларнинг тақдири тўғрисида ўйлар эканмиз, унинг сабабларини моддийликдан ахтариш анъанаси асосида, андоза ёхуд парадигма доирасида бу муаммоға тўлиқ жавоб топа олмаслигимиз аён бўлиб қолди.

Мисол учун, Бобил, Шумер, Эллин, Ғарбий Румо, Византия, Мўғул, Усмонли Турк, Португалия, Испания, Зулусия, Наполеон, Франция, Буюк Британия, Россия, Гитлер Германияси ва ниҳоят собиқ Совет Итифоқи каби улкан империяларнинг навбатма-навбат, бири узоқроқ ва бири эса қисқа вақт яшаб, барбод бўлганлигини яхши биламиз. Лекин,

бунинг туб сабаби тўғрисида сўз юритилса, одатдагидек, унга моддий ва табиий мойиллик сезамиз. Аммо, муаммога кенгрок, ёки холисона ёндашилса, бундай феноменнинг сабаблари социум мавжудлигининг бошқа тўқималарида ҳам “яшириниб” ётганлигини англаш унчалик қийин эмас.

Юқорида номлари келтирилган, бугун тарихга айланган империялар ёхуд протоимперияларнинг барчаси - қўп элат-лилик, тарихий, маданий тафаккур тарзи ва оламни англаш формулалари бир-биридан баъзан кескин фарқ қилувчи халқларнинг зўравонликка асосланган тизими, марказ ва чекка ўлкалар ўртасидаги муносабатларда тенгсизлик ва камситиш, эрксизлик ва тобелikka асосланганлик, мажбурий ҳудудий-маъмурий умумийлик, муносабатларнинг бешафқат “хукмрон - тобелик” тамойилига асосланганлиги, ирқий-миллий камситиш, айрим этноснинг улугликка даъвогарлик қилиши, маънавий парокандалик ва ниҳоят, сохта ташқи синдром каби хусусиятларга эга бўлган. Худди ана шу салбий анъаналар ва жараёнлар тизими уларни таназулга учратган. Бундан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, умрбоқийлик устувор даражада муайян социумга хос тарихий, маданий, маънавий ва психологик уйғунлик билан боғлиқдир. Демак, давлатни, унинг умрбоқийлигини битмас-тутанмас бойлик, бепоён ҳудуд, сон-саноксиз асқар ва курул ёки миллионлаб аҳоли эмас, балки ҳокимият ва фуқаролар ҳамда шу ҳудудда яшовчи халқларнинг ўзаро муносабатларини белгилаб турувчи тарихий, маданий, маънавий, ва психологик ҳамжиҳатлик таъминлаб туради.

Бугунги дунёда янгича муносабатлар вужудга келмоқда. Цивилизацияларни янгича таҳлил этишга зарурат ошди: а) дунё турли хил цивилизациялар занжиридан иборат; б) занжир халқлари бир-бирига чамбарчас боғлиқ; в) бунда ҳар бир халқнинг ўз ўрни бор ва ҳар бир халқ цивилизациялар ривожига ўз маданияти билан у ёки бу даражада хисса қўшади.

Бугун турли цивилизациялар ривожининг асосида ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик қонуниятлари янгича мазмун касб эта бошлади. Қандайдир “инқилобий тўнтаришлар” маърифий ривожланиш қонунига зиддир. Цивилизацияларнинг бир-бирини ўзаро бойитиши муҳим. Дунёдаги ҳар бир халқ ўзига

хос ноёб ақл-заковатга эга тенгсиз ҳодисадир. Ундан дунё тараққиёти мақсадларида фойдаланишнинг даражаси ҳар хил бўлиб қолмоқда. Ўзаро фикрлар, ўзига хос хусусиятларни инкор этмаган ҳолда, уларни устун қўйиш фалсафаси бир томонламандир. Улар бир-бирини бойитиши, ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик орқали бир-бирига, дунё цивилизациясининг ривожига хизмат қилиши муҳим. Бу билан, масалан, Шарқ ва Ғарб ўзига хослигини йўқотмайди, аксинча, уни сақлаб қолган ҳолда дунё маданиятини бойитади. Бугунги дунё маънавий омилларга кўпроқ эҳтиёж сезаётган бир даврда, Шарқдаги умуминсоний ахлоқнинг маърифий-маданий анъаналарини ўрганиш Ғарбни янада бойитади ёки Ғарбдаги илғор техника ва технологияда ўзаро ҳамкорлик қилиш цивилизациялар ривожига ҳолисона хизмат қилиши табиий.

Янги аср бўсағасида дунё тараққиёти ва барқарорлигига ҳамда турли халқлар маданий ривожини, ўзига хослигини сақлаб қолишга таҳдидлар мавжуд. Уни ўзаро низолар йўли билан эмас, маърифий, маданий омиллар билан ҳал этиш, уларни сақлаб қолиш ва тараққиётини таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Цивилизацияларнинг турли босқичида турган халқларнинг маданий ҳаёт тарзига ҳурмат билан қараш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, шерикчилик муносабатларини ўрнатиш орқали ривожланишига мадад бериш дунё ривожланишининг маърифий асосга қўйилганлигидан далолат беради.

Дунё халқларининг маърифий ривожланиши ва ҳамкорлик йўли “зўравонлик”, “таъсир кўрсатиш”, “ўз таъсир доирасига тушириш”, халқлар ва миллатлар ривожига “писандсизлик” билан муносабатда бўлишларини инкор этади. Маърифий ривожланиш ва ўзаро ҳамкорлики халқлар ҳаётидаги эркинлик, демократия, мустақил тараққиёт каби умуминсоний тамойиллар ва қадриятлар билан мос тушади. Цивилизацияларнинг маърифий ривожланиши, ҳар бир халқнинг эркин ривожланишига, цивилизацияларнинг барқарорлигига хизмат қилади.

Халқлар, миллатларнинг ўзлигини англаш даражаси билан цивилизация ривожини ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Миллат ўзини қанча юқори даражада англаса, цивили-

лизиациянинг ривожига, уни ҳар хил ноҳуш ички ва ташқи сабаблардан сақлашга, ўзлигини асрашга муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўзligидан узоқ, уни англамаган халқлар, миллатлар ўзлигини йўқолишига сабаб бўладиган турли хил таъсирларга ҳам бeфapқ бўлиши, лоқайдлик билан қарашлари мумкин. Бу эса, ўз навбатида цивилизация ривожига салбий таъсир кўрсатади. Цивилизациялар бир-биридан мутлақо ажралган ҳолда яшай олмайди. Айниқса, ҳозирги замон фан-техника имкониятлари, ривожланган ахборот тизими ва замонавий инфраструктура халқларни бир-бирлари билан кўпроқ мулоқот қилишлари учун, ўзаро ҳамкорликларини кенгайтиради. Фақат ундан ақлга мувофиқ, оқилона фойдаланишгина цивилизациялар ривожига самарали таъсир кўрсатади.

Агар “цивилизация”нинг луғавий маъносини олсак, у инсонларга хос маърифий яшаш ва ўзаро муносабатлар тизимини яратиш деган маънони ҳам беради. Жумладан, инсоннинг ижтимоийлашув жараёнига киришни ҳам ушбу ўзгариш билан боғлаш тўғри бўлади. Ҳар бир алоҳида социумга хос (у минтақавий даражада бўлиши ҳам мумкин) цивилизациянинг тараққиёт босқичларини, иккинчи бир цивилизация айнан такрорламайди. Ўз цивилизацияси доирасида маълум ютуқларни қўлга киритган халққа хос бўлган тарихий-маданий тизимга таяниб, иккинчи бир халққа муносабат билдириш самарасиздир. Зеро, муайян цивилизация доирасида турли халқларнинг босиб ўтган йўли ва унинг босқичлари ўзига хос ва мос бўлиб, бошқа халқлар учун ягона модель бўла олмайди.

XXI аср бўсағасида дунёга формацион қараш ҳамда “социалистик”, “капиталистик” ва учинчи дунё мамлакатларига ажратиш ўз кучини йўқотди. Дунёни асосан сиёсий ва мафкуравий доминантлар асосида бир-бирига қарама-қарши қилиб, турли “изм”ларга, тизимларга бўлиб ташлаш дунё яхлитлигига, ўзаро манфаатлар нуқтаи назаридан ҳам бесамар амалиёт эканлиги исботланди.

Бугунги кунда, дунё тараққиёти бундай андозалар доирасида кеча олмаслиги ҳаммага аён бўлиб қолдики, эндиликда дунёнинг барқарорлиги, манфаатлари ҳамда айрим

давлатларнинг ўзига мос йўлдан ривожланиши, истиқболни маърифий таъминлашга қодир бўлган усул ва йўллари ҳақида кўпроқ ўйлашга тўғри келмоқда. Фикримизни мухтасар қилиб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлашни лозим топдик.

Биринчидан, олам мавжудлиги ва ранг-баранглиги, айрим социумларда барқарорлик ҳамда ривожланишнинг мувозанати, унинг ички мотив ва омиллари тизими, ҳаракат механизми билан боғлиқ. Муаммоларга аниқлик киритиш нуқтаи назаридан келиб чиқсак, яқин кунларгача жаҳон фалсафасига ҳукмронлик даъво қилган тарихга материалистик ёндашув, унинг замирида шаклланган формацион қарашнинг методологик асос сифатида эскириб қолганлиги ва ўз даврини тугатганлиги аниқ бўлиб қолди;

Иккинчидан, эндиликда дунёнинг яхлитлиги, хавф - хатарсиз ривожланиш ва истиқболлини эътиборга олсак, катта-кичик ижтимоий жараёнларнинг цивилизацион асосда ёндашувга келиши замон талабларига айланмоқда. Зеро, цивилизацион ёндашув туфайли бутунги кунга келиб, реал таҳдидга айланган, лекин ҳанузгача ечимини тополмасдан тўқланиб қолган зиддиятлар ва можароларнинг туб илдиз ва сабабларини англаш учун инсонлар олдида катта имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Учинчидан, назарий ва амалий фаолиятларда устувор даражада цивилизациялар хилма-хиллиги ва ҳамжиҳатлиги ҳисобга олинганда: инсонни ташвишга солган ва солаётган муаммолар аллақачон ечимини топган ёки умуман вужудга келмаган, сайёрамизнинг айрим минтақаларини ларзага солиб турган ижтимоий-сиёсий можаролар ва таҳдидларга балки ўрин қолмаган, давлатлар, халқлар ва этник гуруҳлар ўртасида мулоқот ва ўзаро ишонч туғуси мақбул даражада қарор топган бўлар эди;

Тўртинчидан, ҳали олди олиниб, ечимини топмаган турли миқёсдаги норасо жараёнлар, турли халқлар ҳаётига хавф солаётган таҳдидлар, умуман инсонлар ва ҳар бир халқ барҳаётлигининг цивилизацион асосларига дунёнинг барча мамлакатларида нописандлик асосида муносабатда бўлиш билан чамбарчас боғлиқлигини эътироф этиб, уларга доир зарур чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилмоқда. Ҳолбуки,

тараққиётнинг истиқболи унинг ранг-баранглиги ифодаси бўлган цивилизацияларнинг маърифий мулоқоти орқали таъминланиши мумкин.

“Миллий тикланиш”, 28.04.98 й.

Фуқаролик жамияти ва ёшлар

Ўзбекистонимиз фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган тараққиёт йўлини белгилаб олди. Мустақилликнинг ўтган йиллари давомида бу жараёнларда муҳим ўзгаришлар бўлди. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар жамиятнинг сиёсий тизимини, унинг иқтисодий асосларини тубдан ўзгартирди.

Давлат ва жамият муносабатлари, уларга бўлган қараш ўзгарди, фуқаролик жамияти қурилишининг муҳим жиҳатини ташкил этувчи - жамиятда давлатнинг ўрни ва мавқеи тўғрисидаги масала ўзгарди. Жамиятни бошқаришда давлат монополиясига барҳам берилиши, сиёсий тизимни янги демократик ҳуқуқий асосларга қўчиши, қонун устуворлигининг жорий этилиши, кўппартиявийлик, сиёсий ва бошқа турли-хил носийсиёсий ташкилотларнинг фаолият кўрсата бошлаганлиги жамиятда барча ижтимоий гуруҳлар қатори ёшларнинг онги ва тафаккурига, дунёқараши, мавжуд тасаввурларини ўзгаришига ҳамда уни янгича тамойиллар, меъёрий нормаларга айланишига шарт-шароит яратиб бермоқда.

Бугунги ёшлар ягона мафкуравий ақидалардан холи бўлиб, уларнинг дунёқарашлари жамият тўғрисидаги янгича қарашлар асосида қарор топмоқда, чунки улар дунёни жамият ижтимоий ривожланишининг турли сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий макон ва замон орқали янгича идрок эта бошладилар. Бу ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи тўғрисидаги қарашларининг ўзгариши билан бирга, улардан давлат ва жамият қурилиши жараёнларига янгича онг ва тафаккур, тамойиллар ва қарашлар асосида ёндашишлари талаб этилаётганлигини чуқурроқ ҳис этишлари бугун ижтимоий-маънавий эҳтиёжга айланди.

Бугунги ёшлар бундан беш-олти йил олдинги ёшлардан ўз қарашлари, тасаввурлари, ҳаётга муносабатлари билан анча фарқ қиладилар. Ўтиш даври ёшлар тафаккурига чуқур ўзгаришларни олиб кирди ва кўпгина ёшларимиз унга аниқ тасаввур, қарашлар, мақсад ва меъёрий нормалар билан муносабатда бўла бошладилар. Ўтиш даврига хос бўлган айрим тартибсизлик ҳолатлари, тасаввурлардаги қоронғулик ўрнида, аниқлик пайдо бўлмоқда. Ёшлар олдида, мустақилликнинг янги талаблари кўпаётганлигини, янги жамият қуриш, илм-фанни эгаллаш билан боғлиқ катта имкониятлар пайдо бўлганлигини тўлиқ англаб етмоқдалар. Бу - ёшларга нисбатан олиб борилган давлат сиёсатининг муҳим ютуғидир. Бу, асосан, қуйидаги йўналишларда яққол кўзга ташланмоқда; **Биринчидан**, илм-фан мамлакатларнинг илм-фан соҳасида эришган ютуқларини эгаллаш; **Иккинчидан**, бунинг учун энг зарур бўлган хорижий тилларни ўрганишга бўлган интилиш; **Учинчидан**, давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ янги йўналишларда пайдо бўлган, тезкорлик билан ижтимоий ҳаётимизга сингиб бораётган турли фан соҳаларини эгаллашга бўлган интилишдир;

Мустақилликнинг ҳар бир йилида ёшларга алоҳида эътибор берилди. Дастлаб уларни ижтимоий ҳимоялаш устуворроқ аҳамият касб этган бўлса, эндиликда ёш олимлар, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш билан ўзаро уйғунлашиб, миллий кадрлар тайёрлашнинг давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Ўзбекистонда турли соҳалар бўйича иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида муҳим тadbирлар амалга оширилмоқда, жамғармалар тузилмоқда. “Камолот” ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш учун “Умид” жамғармаси ташкил этилди. Натижада, Ўзбекистон Президентининг грантларини олган ёшлар бозор муносабатлари шароитида устувор соҳалар ҳисобланган иқтисод, халқаро ҳуқуқ, информатика ва компьютерлаштириш, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги, экологик ва сув тизимларини бошқариш ҳамда журналистика бўйича АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Япониянинг турли университетларида ўқиш имкониятига эга бўлдилар.

Бу фуқаролик жамияти қурилиши қонуниятларига тўла мосдир. Чунки жамият қурилишини кадрларсиз, уларнинг ақл-заковати ва салоҳиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши асосида илм-маърифат ётади. Жамият илм-фан ривожига кўпроқ ютуққа эришиб борса ва у ёшлар онги, тафаккурида ўз ифодасини топиб, ислохотлар жараёни билан узвий боғланса, ўзининг самарали натижасини беради. Демак, ислохотлар жараёни ўзига хос ақл-идрок, онг ва тафаккурни, илм-фан ривожини ҳам тақозо этади. Бу фуқаролик жамияти қурилиши жараёнида яққол кўринади. Фуқаролик жамияти фуқароларнинг ўз-ўзини бошқаришга ўтиб бориш жараёни сифатида “фуқаролар жамиятидан” фарқ қилади. Фуқаролар жамиятида давлатнинг ҳокимлиги, бошқаришда монополияси ва аралашуви таъсири ёшларнинг онги ва тафаккурида, жамиятдаги сиёсий-ижтимоий, иқтисодий жараёнларда шунчаки иштирок этиши, қонунсизлик, сохта эркинлик, итоаткорлик руҳияти, фаолсизлик, оддий ижрочилик кайфиятлари, уларни сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг объекти сифатидаги ўрни билан характерланади. Бу жамиятнинг ўзига хос ҳолатини кўрсатади. Фуқаролик жамияти эса тамомила бошқача янги тамойилларга, сифат ўзгаришига асосланган жамиятнинг ҳолатидир. Бунда, ҳар бир инсон жамиятдаги сиёсий-ижтимоий жараёнларда субъект сифатида иштирок этиб, қонун устуворлиги, демократия, эркинлик бош тамойилга айланади. Ёшлардан шижоат, ижодкорлик, бунёдкорлик, фаоллик каби муҳим фазилатлар талаб этилади.

Ҳар бир фуқаро жамиятнинг мустақил, маъсул шахси даражасига етиши шарт бўлиб қолади. Бунинг конституцион, ҳуқуқий асослари яратилади ва кафолатланади. Бу жараёнларни тўла амалга ошириш, ҳар бир ёшдан юксак сиёсий онг, маданиятни талаб этади. Қонунларни билиш ва унга амал қилиш фуқаролик жамиятининг мезони бўлади. Қонун олдида ҳамманинг тенглиги, унга амал қилиш ва кафолатланишига эришиш унинг муҳим жиҳатидир.

Ислохотлар ёшлар онги ва тафаккурида, фаолиятида муҳим ўзгаришлар бўлишига шарт-шароит тайёрлайди. Аммо, бу имкониятдан фойдаланишда, ёшлардаги Ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларининг даражаси муҳим, ҳатто

устувор аҳамият касб этади. Шахслар фаолияти, унинг миллий ўзлиги Ватан ва миллат туйғулари билан ҳамоҳанг бўлса, уларда ёшларга хос шижоаткорлик янада ошади, аммо ёшларнинг миллий онги, руҳи ана шундай юксак инсоний туйғулар билан тўла ва баркамол бўлишига эришиш осонликча бўлмайди. Ватан меҳри она сути билан инсоннинг гўдаклик пайтидан унга сингади, онги, тафаккури, қалбидан жой олиб боради. Унинг ҳаёт фаолияти жараёнида янада баркамоллашиб ўз халқи, миллатининг ўтмиши, бугуни ва истиқболи билан белгиланади, ватанпарварлик туйғусига айланади. Ёшлардаги фидойилик ҳам шунда янада юксакроқ намоён бўлади.

“Туркистон”, 14.05.97 й.

Вакт қадри

Ҳозирги тараққиётнинг ўзига хос фазилатларидан бири вақт омилига бўлган муносабатнинг ўзгариб, янгича маъно ва аҳамият касб этаётганлигидир. Ҳаётда маънавий-руҳий эҳтиёжлар билан яшашга одатланган инсонларда, ўзлитини англаш даражасида вақтни уйғун ҳис этиб, унинг қадрига етиш, мамлакат олдида турган улуг мақсадларга сафарбар этишга мойиллик ҳисси юқори бўлади. Инсон ўз онги, тасаввурлари даражасида вақтни англайди. Унинг вақтни идрок этиш даражаси, жамият иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражаси билан бирга, аввало, ўзига, маданий-маънавий савиясига боғлиқ бўлади. Бу инсоннинг вақтга бўлган муносабати билан боғлиқ омиллар йиғиндисидан кўпроқ ўз ифодасини топади.

Демак, инсонда моҳиятига кўра, мавжудлик, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт негизларига кўра, инсон “мени” белгиловчи аҳамият касб этади. Инсонлар, ўзларига хос, онг ва тафаккурнинг тарихий-маданий негизларига мос ҳаёт тарзларини вужудга келтирадилар. Жамият ҳаёти тарзидаги кўринишлар аввало, турли тасаввурлар, ғоялар, қарашларнинг амалий ифодасидир. Турли халқлар ҳаётидаги ранг-барангликни, аввало, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдан эмас, балки шу халқларга хос тафаккур тарзи ва маданий-маърифий қадриятлар тизимидан излаш керак.

Инсоннинг ҳаёти ва фаолияти, вақтнинг “инсоний моҳиятга” уйғунлашиб бориши, ёки аксинча, ундан узоқ бўлган ҳолатда ҳам бўлиши мумкин. Бу инсоннинг ўз олдига қўйган мақсадлари, ўзлигини қандай англаганлиги ва уни қандай тамойил асосида қўйилганлиги, хулқи, хатти-ҳаракатлари унинг онгида шаклланган ва амал қиладиган, муайян “қадрга”, “маънога” эга бўлган ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлари мажмуи инсонларнинг маънавий-руҳий дунёсига бевосита боғлиқ бўлади.

Инсоннинг мавжудлиги, ўзини англаш даражаси, ундаги онг ва тафаккур маҳсули бўлган илгор ғоялар, тасаввурлар ривожига унга сарфланадиган вақт миқдори билан ҳам ўлчанади. Инсон фаолиятида вақт шунчаки “иш” ва “ишдан ташқари вақтдан” иборат эмас. Вақт миқдори - таракқиётга боғлиқ бўлган ҳодиса эмас. Бундан ташқари, “бўш вақт” деган тушунчани ҳам ўйлаб кўриш керак. Бўш вақт бўлиши мумкинми? Бу нисбий кечадиган ҳолатдир.

Инсоннинг ўзи билан ўзи ижодий тафаккур этадиган, ўйлайдиган, қийслайдиган лаҳзалари, янги ғоялар, фикрлар, қарашлар, тасаввурлар ана шу вақт орқали содир бўлади. Шунда инсон мавжудлиги намоён бўлиб боради. Унда янги ғоялар, қарашлар, янги кашфиётлар, мақсад ва интилишлар вужудга келмас экан, ёки тўғрироғи, инсон у тўғрида ўйлаб, унга муайян вақт сарфламас экан, унинг фаолиятида эртанги вақт маълум даражада “зое” кетади. Чунки, инсон мунтазам равишда вақтдаги ўзгаришни ҳис этиб, янгиликлар билан бирга бормаса, ўз устида ишламаса, бундан нафақат ўзи, айти пайтда, жамият ҳам зарар кўради.

Бунёдкорлик, изланувчанлик, янги-янги ғояларни кашф этиш каби фазилатларни ўзида мужассам этмаган киши мавжудликдан маҳрум инсондир. Бундайлар кўпроқ моҳият билан яшайди. Тайёридан фойдаланишни, истеъмол этишни билади, холос. Жамиятдан кўпроқ олади, лекин жамиятга беришни эса ўйламайди, ёки кам ўйлайди.

Биз “мавжудлик” деганда, инсонга хос муҳим жиҳатни, унинг фаолиятида олдин аниқ ғоя, тасаввур ва қарашларга эга бўлишини, кейин унинг моҳиятга айланишини назарда тутмоқдамиз.

Бугунги ислохотлар жараёни, асосан, бунёдкор, фаол

инсонларга таянмоқда. Ўз фаолиятини мамлакат тақдири, унинг келажагисиз тасаввур этолмайдиган, ўзлигини бугунги демократик жараёнлар, мақсадлар ва вазифалар билан уйғун идрок этаётган инсонлар, тараққиётнинг истиқболларидир. Келажак - шундай инсонларнинг тафаккурига, ақл-заковатига, тадбиркорлиги ва ишбилармонлигига, маданий-маънавий даражасига, меҳнат фаолиятининг натижаларига боғлиқ.

Бундай инсонлар ўзига ишонади. Эртанги кунни, истиқболини ўйлаб иш тутади. Уни вақт ва давр руҳи билан монанд равишда ҳис этиб, ундан ўзиб кетиш заруратини англайди. Инсоннинг вақтга бўлган муносабати орқали, унинг билвосита жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ривожига қўшаётган ҳиссаси яққол намоён бўлади. Вақтнинг қадрига етиш ва ундан тўғри фойдалана олиш маданиятини шакллантириш орқали улутвор натижаларга эришиш мумкин. Вақт - такрорланмас хусусиятга, ўлчамга эга бўлса-да, ўтган вақт, унда содир бўлган, амалга оширилган ишлар орқали бугун эртанги вақт билан боғланади. Авлодлардан авлодларга ўтиб, улар ўтмишидан, уларнинг кимлигидан, умуммаънавий дунёсидан огоҳ этади.

Вақтдан ютиш - уни бой бермасликда. Ҳар бир инсоннинг олдига турли даврларда, ёши билан боғлиқ равишда, аниқ мақсадлар қўйилади ва амалга оширилади.

Бугунги кунимиз янги тарихий мазмунга эга. Бугун мустақиллик туфайли инсон эрки, озодлиги билан унинг хоҳиш иродаси ва вақт ўртасидаги мақсадларнинг тугашган, уйғунлашган давридир. Бу даврда ҳар бир дақиқа инсон фаолиятининг, бунёдкорликдан иборат бўлишини тақозо этади. Вақтни янги изланишлар, ихтиролар, ижодкорлик омили сифатида англаб етмаган ва уни ўз фаолияти билан уйғунлаштирмаган инсон уни ўз измига бўйсундира олмайди. Вақт инсонга “хизмат” қилиши керак, буни ҳар бир киши ёшлиқдан англаши муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир.

Вақт ҳар бир инсонга берилган жуда катта имконият. Доно халқимиз шу маънода, “Вақтинг кетди - нақдинг кетди” деб бежизга айтмайди.

Ҳар бир инсон муайян вақт оралиғида яшайди. Фаолият кўрсатади. Унинг қандай яшаши, кейинги авлодларга нимани

мерос қилиб қолдириши, тараққиётга ҳисса қўшиши, ана шу вақтдан қандай фойдаланганлиги билан ўлчанади. Вақтни зое кетказиш, инсоннинг ўзлигини англамаслиги билан баробардир.

Вақтни англаб, кадрига етишга нималар таъсир кўрса-тади? Бозор муносабатлари вақтни ҳис этиш, у билан уйғун фаолият бўлишига таркибий ўзгаришлар ясамоқда. Вақтнинг қиммати ўтган вақт миқдори билан эмас, балки унинг натижаси, самарадорлиги орқали белгиланади. Шунда вақтга нисбатан: а) инсоннинг ўзига; б) инсондан ташқари омил-ларга боғлиқ жиҳатлари ҳам намоён бўлади. Айниқса, вақтни шунчаки бекор ўтказаетган, ёшлик шижоатини, кучини, салоҳиятини ҳозирги замон илм-фан йўналишларини техника, технология сирларини, лаёқатларига мос касб-хунарларни эгаллаш орқали мамлакат равнақига хизмат қилишни эмас, уни шунчаки кундалик эҳтиёжларни қондириш йўлида сарфлаб юрган ёшларга алоҳида эътиборни қаратмоқчимиз.

Мустақиллик вақтга нисбатан мутлақо бошқача та-мойиллар ва фаоллик асосида қурилади. У ҳар бир кишидан вақтнинг кадрига етишни тақозо этади. Бу эса мамлакатда амалга ошириляётган демократик ўзгаришлар, фуқаролик жамияти қурилишининг қонуниятлари билан мос тушадиган жараён бўлиб, тараққиётнинг истикболини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

“Туркистон”, 16.09.98.

Давлат сиёсати ва маънавият

Мустақиллик ҳар бир инсонга ўзлигини ва миллий маънавиятини англаши учун янги уфқлар очди. Ўзбекистон, Президентимиз таъкидлаганларидек, ўз миллий маънавияти негизларига, қадриятларига таянган ҳолда дунёвий давлат қуриш вазифаларини амалга оширмоқда. Бу тараққиётга эришишда муҳим омил ҳисобланади.

Маънавиятда инсонларнинг турли даврларида шаклланган дунё ва инсоний муносабатлар тўғрисидаги қарашлари, тасаввурлари ўз ифодасини топади. Улар хилма-хил бўлиб, турли халқлар ва миллатларнинг эътироф этиши билан боғлиқ

равишда маънавий ҳаётдан ўрин эгаллайди ҳамда турмуш билан уйғунликка муайян одатлар, тамойиллар, анъаналар тарзида шаклланиб, турли халқлар ва миллатлар маънавиятига айланиб боради. Унинг шаклланиш жараёни ҳар бир миллат маданиятида ўзига хос хусусиятларга эга. Унга ҳар бир киши ҳисса қўшади.

Зеро, маънавиятни англашда ҳар бир инсоннинг ўз фалсафаси бор. Дунёни у ўзига хос идрок этади. Ҳар бир киши яратган моддий ёки маънавий бойликлари, ўз қарашлари, дунё тўғрисида тасаввурлари билан миллат маданий меросини, анъаналарини баҳоли қудрат бойитади ва ривожлантиради.

Халқлар онги ва тафаккурининг дунёга муносабати, дунё ва жамият тўғрисидаги қарашлари, уни идрок этиши орқали умуминсоний қараш, кадр-қиммат билан ўзаро уйғунлашади. Шунингдек, турли халқлар ва миллатлар томонидан қабул қилинади ва улар фаолиятининг мезон-тамомйилига, бугуни ва истиқболини боғлаб турувчи маънавий омилга айланади.

Инсон онги, тафаккури ва қарашлари ўз моҳиятига кўра миллий маънавиятга хизмат қилади. Ижтимоий онг шакли сифатида адабиёт, санъат, фан, дин ҳам маданиятда ўз ўрнига эга бўлади. Лекин ҳамма адабиёт ва санъат асарларини ҳам миллатнинг маънавий мулки деб бўлмайди. Бу ўринда, доимо эл назарида бўлган буюк алломалар, муҳаддислар, саркардалар, даҳолар, шахслар кўз олдимиздан ўтади. Улар умуммиллий ва инсоний қадриятни ўзаро уйғун ҳолда идрок эта олишган. Уни ўзида акс эттирган асарлар ёзишган. Миллатнинг кўзгуси сифатида ўз фикрлари, амал қилган тамойиллари билан бир вақтда, макон ва замон талабларига ҳам жавоб беришган. Шу маънода, уларнинг онги, дунёни идрок этиши дунёвий, айни чоғда, миллий маънавият-мизнинг асосида туради. Негаки, инсон фаолияти юксак миллий инсоний ғояларга, миллий маънавиятга асосланган тақдирдагина самарали бўлиб, тараққиётга хизмат қилади.

Ҳар бир халқ яхлит дунёнинг бир бўлагидир. Аммо инсон-инсонга, халқлар халқларга айнан ўхшамайди, бир-бирини айнан такрорламайди. Ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари мавжуд бўлади. У шу халқнинг миллий-маънавий қадриятлари, анъаналари, урф-одатлари, фаолият

мезонларида ўз ифодасини топади. Шу маънода, маънавийт маданиятнинг ҳосиласидир. Маънавийт - турли халқлар ва миллатлар маънавий дунёси, уларни бир-бири билан боғлаб, ривожланишининг ворисийлиги, узлуксизлигини таъминлаб турувчи миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимидир.

Жамият халқларнинг миллий ва умуминсоний маънавий негизларига таянса, юксаклик сари юз тутади. Маданият ва маънавийт ўзаро уйғунликда фозиллашади.

Миллий маънавийтимиз қадр топаётган ҳозирги даврда уни бойитишимиз, янги авлодларга етказиб, маънавий мерос сифатида қолдиришимиз миллат олдидаги бурчимиздир. Шундагина миллий ўзлгимизни янада тўлароқ англаган бўламиз.

Ҳар бир миллат маънавийти бой тарихга эга. Бошқа халқларнинг миллий маънавийтидаги яхши анъаналар, урф-одатлар, қадриятларни қадрлаш ва уларни ўрганиш миллий маънавийтимизни янада бойитади. Чунки инсон ўз онги ва тафаккурини бойитиб бормаса, ўз “қобиғидан” чиқишга эҳтиёж сезмаса, нуқсонларини, нима яхши-ю нима ёмонлигини англай олмайди. Бинобарин, миллий маънавийт ҳам жараён.

Миллий маънавийтимиздан ўрин олмаган айрим асарларни маданий мерос сифатида қолиши табиий. Чунки миллат онгли равишда уни шундайлигича қабул қилмасликлари мумкин. Миллий маънавийт дунёвий билимларга таянади. Барча халқларнинг ҳаёт, инсон, кадр-қиммат тўғрисидаги қарашлари билан боғлиқ бўлган яхши анъаналари халқлар миллий маънавийтини бойитувчи импульс бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Миллий маънавийт тамойиллари инсоний моҳиятда ўз ифодасини топади. Инсон кадр-қиммати, эркинлиги, демократия, мустақиллик унинг умумдунёвий жиҳатларидир. Аммо, ҳар бир халқнинг ўзига хос муайян анъаналари, урф-одатлари, расм-русмлари, кўникмалари билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Бир халққа бошқа халқ амал қилган ва қилаётган урф-одат, анъаналарни “кўчириб”, айнан ўз ҳолида тадбиқ этиб бўлмайди. Халқнинг миллий анъаналарига, хусусиятларига таянмай, ўзга мафкурани жорий этиш, давлат ва жамият қурилишини амалга оширишга уриниш жамиятда

ҳар бир халқнинг ўзига хос ва мос ривожланиши қонунига эришилади.

Турли миллатлар ва халқларнинг маънавий дунёсида миллий маънавият тарзида қадрланаётган тамойиллар, қоидалар ва меъёрлар ўз аксини топади. Аммо у миллий маънавият даражасига эга бўлиши учун шу халқ ёки миллат тафаккури билан уйғунлашиши керак. Амир Темур ҳазратлари, “Бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсангиз, биз қурдирган биноларга қаранг”, деганида ўзи барпо этган обидаларнинг шаклига эмас, балки шу халқнинг фан ва маданияти, салоҳиятининг куч-қудратига, маънавиятининг юксаклигига эътиборни қаратмаганими? Тарихий обидалар маданий мерос бўлиши билан бирга, маънавият эканлигини бугунги авлодлар тўла англаб етиши, ундан тегишли хулосалар чиқариши керак. Ёки бошқа бир мисол. Халқларимиз маънавий ҳаётида Ислом нима учун дин ва илм сифатида қадр топди, миллий қадриятимиз билан уйғунлашди? Ундаги ғояларнинг инсон ва умуминсоний моҳият билан уйғунлашиб кетганлиги боис эмасми? Исломнинг илдиз отиб, ривож топгани ҳамда уни дунёга танитган қўллаб аллома ва муҳаддисларнинг етишиб чиққанлиги, аввало, унинг моҳиятини англаган ва тушуниб етган халқнинг онг-тафаккур даражаси, қарашлари, дунё тўғрисидаги тасаввурлари юксаклиги билан мос келганлигида эмасми?

Миллий анъаналар, урф-одатлар ёки қарашлар ҳамма жойда ҳам бир хилда қабул қилинмайди ва ривожланмайди. Бунинг учун, аввало, унинг моҳияти инсон манфаатлари билан уйғун бўлиши ҳамда уни тушунадиган, сингдирадиган, қабул қиладиган онг ва тафаккур керак. Ана шунда у миллатнинг маънавий ҳаётига, тараққиётнинг муҳим омилига айланади.

“Маданият” билан “маънавият” тушунчалари ўзаро яқин. Аммо маънавият, маданиятнинг натижаси, унинг ҳосиласи сифатида, моҳият ва маъно жиҳатдан устуворликка эга. Маданиятнинг ҳар бир кўриниши у ёки бу тарзда маънавиятга дахлдор бўлса-да, у миллий маънавият даражасига кўтарила олмаслиги мумкин. Инсонлар учун хизмат қилган ва қиляётган тафаккур нурларигина миллий маънавиятга айланади ва уни бойитади. Акс ҳолда, маданий мерос сифатидагина қолиши

мумкин. Миллатнинг маънавиятига айланган қадриятлар ўзига хос бўлади. Айтайлик, “демократия”, “эркинлик” - ҳар бир миллатнинг орзуси, инсоний эрк кадр-қиммат сифатида доимо қадрланиб келинган ва келинмоқда. У миллий маънавиятимизда ҳам ўз ўрнига эга.

Демократик жараёнларга ҳар бир халқ руҳияти, миллий анъаналари, қадриятларига мос келадиган, сингитан ва қабул қилинган ёки мос келмайдиган томонларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш керак.

Бу давлатлараро ишонч ва умуминсоний маънавият даражасидаги уйғунликни таъминлайди. Айрим бир томонлама талқин ва ёндашувларга барҳам беради. Давлат сиёсатининг моҳиятини тўлароқ англашга ёрдам беради.

Халқнинг миллий маънавиятига айланган анъаналар айрим кишиларнинг қараши, тасаввури, ички ҳиссий кечинмалари эмас. У моҳиятига кўра, миллат томонидан тан олинган, уларнинг ҳаётидан ўрин эгаллаган, миллат ёки халқнинг ўзлигини кўрсатиб турадиган, амал қилинаётган тамойиллар, анъаналардир. Миллий маънавиятда шу миллатнинг маънавий дунёси ўз ифодасини топади ва унинг маънавий мулки ҳисобланади.

Миллий маънавият халқларнинг ўтмиши, келажаги билан боғлиқ бўлган шундай бир муҳрки, ундаги ворисликнинг бузилиши миллий ривожланишнинг ўзаро мувофиқлик қонунига зиддир. Миллий маънавиятнинг инсоний моҳияти қанча юқори бўлса, маънавий жиҳатдан шунча юксак бўлади. Давлат ва жамият қурилиши ишида фаол қатнашишга эришиш инсонлар онги ва дунёқарашининг ўзгариши орқали, жамиятнинг маънавий мулки сифатида эъозланиши мумкин. Бугунги ислохотлар жараёнида четда турган, лоқайд шахсларни маънавиятли деб бўлмайди. Миллий маънавияти юқори инсонгина ғурурли, шижоатли, фидойи ва фаол бўлиши мумкин. Миллий маънавиятда муайян миллатнинг фалсафаси, ҳаёт тўғрисидаги қарашлари, тасаввурлари, шахсий, миллий ва умуминсоний қадриятлар, маданиятнинг маънавий негизлари ифодаланади. Ҳар бир инсоннинг маънавий-рухий дунёси миллий маънавиятда мужассам бўлгани сингари, миллий маънавий хусусиятлар ҳам инсонларнинг фаолиятида ўз ифодасини топади.

Жамият инсонлардан ташкил топганлиги учун, ҳар бир жамиятда шахслар ўзларига хос алоҳида ақл-заковати, онг ва тафаккури, маънавий дунёси билан миллат маънавиятини умуминсоний қадриятлар билан бойитади. Шунинг учун ҳам шахслар жамият ривожига, миллий маънавиятга сезиларли таъсир кўрсатиши, унинг тараққиётини тезлатиши, ўзлари ҳис этган ёки ҳис этмаган ҳолда дунё халқлари ривожига ҳам ҳисса қўшишлари мумкин. Бунга инсон ақл-заковатининг маҳсули сифатида фан ва техника соҳасида қўлга киритилган ютуқларни мисол тарзида келтириш мумкин. Улар айрим миллатларнинг маънавий мулкидан дунё халқлари маънавий мулкига айланади ва муносиб ўрин эгаллайди, умуминсоний қадрга - аҳамиятга молик тафаккур маҳсули сифатида, дунё ривожига хизмат қилади.

Демак, инсон ақл-заковати умуминсоний ахлоқ нормаларига таяниши ва унинг манфаатлари билан уйғун бўлиши зарур. Инсон онги, тафаккури миллат, халқ онги ва тафаккури, қарашлари билан уйғун бўлсагина унинг умуммиллий аҳамияти намоён бўлади. Миллий маънавиятда инсонларнинг турли даврлардаги қалб туйғулари, интилишлари, орзу-умидлари яхлит ҳолда ўз ифодасини топади. У тарихий хотиралар тарзида авлодлардан авлодларга етиб боради. Миллий маънавият халқнинг ўтмиши ва бугунги куни билан боғлиқ руҳият, маданият самарасидир. Унда шахсий, миллий ва умуминсоний қадриятлар мужассамлашади ҳамда турли шаклларда - халқ онги ва қарашларида, оғзаки ижодида, ёзма ва тарихий манбаларда, фан, адабиёт ва санъатда ўз ифодасини топади. Давр, вақт ва макон таъсирида сараланиб боради.

Халқнинг миллий маънавияти ўзга сиёсат ва мафкура таъсирида бўлиши мумкин. Аммо қандай сиёсат ва мафкура таъсирида бўлмасин, инсоннинг дунёси, ҳаёт тўғрисидаги қарашлари ўзининг ҳаётийлигини сақлаб қолади, давомийлик хусусиятига эга бўлади. У миллатнинг, халқларнинг ижтимоий, маънавий ўзига хослигининг ифодаси сифатида ҳаёт билан ҳамнафасдир.

Бугун ўзини маънавиятли деб билган ҳар бир инсон ислохотларга миллий маънавият талаби билан ёндашади. Чунки “Ҳар бир давлат қурилиши маълум халқнинг миллий-

маънавий маҳсули, ўзлигини намоён этиш ва маънавий-онглилик тараққиётининг пилияпоясидир. Бу тараққиёт зинани қадам-бақадам босиб, бир меъёрдаги ҳаракатни, вақтдан ўзиб кетмаслигини тақозо этади. Вақт ҳамма нарсага қодир. Унда тафаккур, фалсафа, ҳамма нарса мужассам” (Гегель). Айтиш мумкинки, давлатда шу халқ, миллат, ҳар бир инсон ақл-заковати, маънавияти мужассамлашади. Бугун Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишида мавжуд тарихий, миллий маънавиятга таяниб иш кўрилаётганлиги ҳам ана шу ҳаётий фалсафанинг ифодасидир. Давлат сиёсатида миллий маънавиятнинг қадр топаётганлигини миллатнинг ўтмиши ва бугуни, қадр-қиммати, унинг ақл-заковати билан ҳамоханг бўлиб, ўзининг ривожланиш истиқболита эгадир.

“Миллий тикланиш”, 21.05.97 й.

Шахс ва давр

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқи ҳаётида янги тарихий давр бошланди. Бу халқимизнинг ўз озодлиги ва эркини қўлга киритиши, ўз хоҳиш-иродасига мос, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаш ва уни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиш давридир. Бу мустабид тузум асоратларидан холи бўлиш, очиқ, эркин, демократик, адолатли, фуқаролик жамияти қуриш вазифаларини амалга ошириш давридир. Бу иқтисодий жиҳатдан бозор муносабатларига ўтиш, маданий жиҳатдан, маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашни тиклаш давридир.

Мустақиллик даврининг моҳияти ва мазмунига мос, унда фаол ишгирок этишни амалда таъминлашга эришиш, кўп жиҳатдан уни мамлакат фуқаролари томонидан қандай идрок этилаётганлигига, ўз ўрнини кўра билишига, ўз салоҳиятини шу йўлда сафарбар этишига, миллий ифтихор ва ғурур, ватанпарварлик туйғусига бевосита боғлиқ. Бу мустақиллик шароитида кун сайин ойдинлашиб, ҳар бир фуқародан ўзига хос фидойилик талаб этмоқда.

Маълумки, фуқароларнинг даврни идрок этиши, мустақилликни инсон эрки, хоҳиш ва иродасини ифодалашади олий неъмат эканлигини англаб етиш даражалари турли

хилдир. Аммо, бугун мустақилликни- қарамликдан, эркин-эрксизликдан тубдан фарқ қиладиган даражада ўзлигини англаши, ҳар бир фуқаронинг мамлакат олдидаги бурчидир. Бу ҳар бир инсон қадри ва унинг моҳиятини ифодаловчи муҳим жиҳатдир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб кўрсатганларидек: “Биз яшаётган давр қандай хусусиятларга эга? Сўнгги вақтларда жаҳонда юз берган, дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилишини ва харитасини тубдан янгилаган ўзгаришлар ҳозирги замон ва келажак учун қандай тарихий аҳамиятга молик?. Булар ҳақида мулоҳаза юритиш ва уларга тўғри баҳо бериш жуда муҳим”.¹

Шахс ва давр муносабати ана шундай муаммолар жумласига киради. Инсоният тарихида турли хил даврлар бўлган ва унга ёндашиш ҳамда баҳо беришлар ҳам бир хил бўлмаган. Маълумки, якка мафкура ҳукумрон бўлган даврда узоқ йиллар давомида бир томонлама талқин этилган “давр” ва “шахс” тушунчалари, бугун мустақиллик мафкураси туфайли янгича талқин ва таҳлил этилишга эҳтиёж сезмоқда деб ўйлаймиз.

Бугун даврга қараш ўзининг мазмуни ва моҳиятига кўра, анъанавий якка мафкуравий қарашдан тубдан фарқ қилади. Мустабид тузумнинг емирилиши билан даврни сиёсийлашган, мафкуралашган мазмунига ва характериға барҳам берилди. Даврнинг мазмунига “икки кутбли қараш” ва “мафкуравий”, “синфий” талқин этиш амалиёти янгича тафаккур ва ёндашувлар мезонига тўғри келмайди. Шу нуқтаи назардан ёндашганда мустақиллик мамлакатимиздаги ҳозирги даврнинг мазмуни ҳамда моҳиятини белгилаб беради.

Даврни ва у тақозо этган вазифаларни эса турли шахслар турлича идрок этадилар ва уларга ўзига хос муносабатда бўладилар. Инсонларнинг ҳаётнинг турли жабҳаларида ўзликларини намоён этишлари, ҳозирги давр кўяётган вазифаларни ҳал этишда қандай иштирок этаётганликлари уни англаш ва идрок этишларига бевосита боғлиқ. Даврнинг

¹ И.А.Каримов Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.

Т., Ўзбекистон 1997 й. 3-бет.

руҳини англаш ва унга муносабатда, муаммоларни ҳал этишда инсонлар турлича ёндашадилар. Бу уларнинг кўпроқ шахсий сифатлари билан боғлиқ бўлади. Шахс даврнинг мазмунини ўзгаришига фаол таъсир кўрсатади. Турли тарихий даврларда турли мамлакат халқларининг орасидан етишиб чиққан тарихий шахслар, мутафаккир ва алломалар ҳам даврнинг олдида турган вазифаларни ўзларича идрок этган ҳолда у билан турли даражада мужассам бўлганлар. Улар даврни ижтимоий маънавият ва илм-фан равнақи, давлат ва жамият-ни бошқаришда адолат, бунёдкорлик орқали ўзига хос мазмун ва маъно билан бойитганлар. Мамлакат тараққиётида шахслар туб силжишларни, ислоҳотларни асослайди. Даврнинг ўзига хос вазифалари, мазмун ва хусусиятлари, зиддиятлари ва ихтилофларини аниқ идрок этиш орқали уни бартараф этиш, барқарорликни таъминлаш чораларини кўради, тараққиёт кафолатларини белгилаб беради. Бу - унинг етакчи ва шахс сифатида фаолият кўрсатишининг муҳим жиҳати. Унинг фаолиятининг мазмуни ҳам шулар билан белгиланади ва “мавҳум” эмас.

Шахснинг умуммаданий даражаси унинг ҳозирги даврга бўлган муносабатини белгилаб беради, уларнинг ҳаётни турли жабҳаларида ўзликларини намоён этишлари, давр кўяётган вазифаларни ҳал этишда қандай иштирок этаётганликларига бевосита боғлиқдир. Шунда даврнинг руҳини англаш, унга таъсир кўрсатиш ва муаммоларни ҳал этишда, улар турли хил ўринга ва ижтимоий мавқега эга бўладилар. Бу уларнинг шахсий, ижтимоий - психологик сифатларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Шахслар даврнинг мазмунига ва уни ўзгаришига, унинг олдида турган вазифаларни ҳал этишга бевосита таъсир кўрсатадилар.

Жамият тараққиётида шахснинг ўзига хос ўрни бор. Бу дунёдаги жамиятшунослар томонидан умумэътироф этилган. Аммо шахсларнинг ҳаётий қарашлари, тасаввурлари, позицияси, инсоният ривожига қўшган ҳиссаси турли-даврларда турли хил бўлган ва баҳоланган. Шахснинг жамиятдаги ўрни-ни халқлардан айри тасаввур этиш мумкин эмас. Шахснинг ўрни ва ролини у билан уйғун ҳолда кўрмаслик нотўғри ҳулоса чиқаришга сабаб бўлиши мумкин.

Халқда шахс, муайян шахсда эса шу халқнинг фалсафаси у ёки бу даражада мужассам бўлиши табиий. Бу шундай жараёнки, охир оқибатда, шахс ёки ўз халқи билан уйғунлашиб боради ёки аксинча, ундан узоқлашиб, бегоналашиши ҳам мумкин.

Хўш у қандай содир бўлади? Унинг сабаблари нимадан иборат бўлиши мумкин? Бу жуда кўпгина омиллар билан бевосита боғлиқ бўлади. Аввало, бу шахснинг ички маънавий, ахлоқий, сиёсий дунёси, ҳаётий позицияси, тасаввурлари ҳамда унинг амалий фаолиятига айланган дунёқараши, ҳуқ-атвор нормалари, хатти-ҳаракати, мақсадлари билан боғлиқ. Иккинчидан, шахснинг дунё тўғрисидаги тасаввур ва қарашларининг асосида турган тамойиллар ва меъёрлар, унинг жамиятдаги ўрнини оқибатда нима билан туташини, ҳамда баҳоланишини маълум даражада олдиндан белгилаб беради.

Шахс фалсафасининг моҳиятини белгилаб берадиган тамойиллар занжирида, шахснинг жамиятдаги инсоний муносабатлар ва манфаатлар тизимининг қайси бугинида ўзини ифода этиши ҳамда унга амал қилиши кейинчалик шахснинг ўрнига баҳо беришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Шахс ўз фаолиятида жамиятдаги муайян ижтимоий кучлар, гуруҳ билан муносабатда бўлади. Шу маънода, шахснинг ижтимоийлашганлик даражаси ва унинг социал маъноси ҳамда моҳияти, кўп жиҳатдан шахс фаолиятининг қайси гуруҳ ёки қатлам доирасида амалга ошаётганлиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, шахс ўзлигининг англаш ва намоён этиши нуқтаи назаридан ҳам, ёки ижтимоий мавқеи нуқтаи назаридан ҳам жамиятдан ажраган ҳолда, унга тўла эга бўла олмайди. Шу маънода, албатта, у жамиятдаги муайян кучларга, жамоа ёки гуруҳларга таянади. Шулар шахснинг жамиятдаги ўзига хос ижтимоий мавқеини юзага чиқишига шароит яратади. Бу кучлар қанчалик соғлом ва холис бўлса, шахсни ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва мавқеи ҳам шу даражада жамият олдида турган вазифалар, мақсадлар ва манфаатлар тизими билан уйғун тарзда намоён бўлиши мумкин ёки аксинча.

Жамият тарихида турли даврларда фаолият кўрсатган

шахсларнинг халқлар ва миллатлар, ёки башарият олдидagi хизматларига баҳо берилганда, уларга “тарихий шахс”лар сифатида қаралади. Чунки шахсларга нисбатан муносабатда унинг ижобий ёки салбий жиҳатлари тўғрисида фикр, мулоҳазалар билдирилади. Шу маънода, шахслар ўз даврига бўлган муносабати ва қарашларига мос турли-хил баҳо олади. У тўғридаги фикрлар ўзгариши, янгича баҳоланиши ҳам мумкин.

Шахслар кўпроқ улар яшаган вақт ва давр нуктаи назаридан ёндашилган ҳолда баҳо бериш анъанаси мавжуд бўлган. Бундай қараш узоқ йиллар давомида сақланиб келди. Бугунги жараёнлар бундай ёндашишнинг бир томонлама эканлигини кўрсатмоқда.

Шунда “шахс ва давр” ёки “давр ва шахс” муносабати муаммоси пайдо бўлади. Бу муносабат таҳлилида қуйидаги уч ҳолатта дуч келамиз.

Биринчидан, шундай шахслар борки давр билан ҳамнафас, ўзи яшаган даврнинг ёрқин ифодачиси сифатида намоён бўлади; Иккинчидан, яна шундай шахслар борки, улар ўз даври, унинг руҳи, мақсад ва вазифаларини ҳам унчалик англай олмайди. Унинг қарашлари, фаолияти ўз даври ва замонасидан ҳам орқада туради. Учинчидан, шундай тоифа шахслар, етакчилар бўладики, даврдан ўзиб кетиши кузатилади, айни пайтда, ўз даврнинг руҳини чуқур ҳис этади ва англайди. Бундай шахснинг ҳаёт тўғрисидаги қарашлари, ишор ғоялари, тутган йўли, мақсадлари, фаолият йўналишлари ва истиқболни олдиндан кўра олади. Шунга мос ўрни ва мавқега эга. Бундай шахслар дунёни идрок этиш ва унга муносабатда умумназарий онг ва тафаккур даражасининг юқорилиги, ўз мамлакати ва халқининг мақсадлари, орзу-умидларини, хоҳиш ва истакларини аниқ идрок этишда бошқалардан фарқ қилади.

Шахсга хос сифатларда унинг умумий назарий онг ва тафаккур даражаси алоҳида аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан; шахс жамият ҳаётида амалиётчи ва назарийчи сифатида намоён бўлади. Яъни, шахс фаолиятида назарий ва амалий жиҳатлар уйғунлашади. Шахснинг назарий онг ва тафаккури юқори бўлса, табиий равишда, бу унинг амалий фаолиятида ҳам ўз ифодасини топади. Бундай шахслар ўз ғоясини амалиётта

тадбиқ этиш фикри билан фаолият кўрсатади. Бунга маълум даражада эришади ҳам. Шахснинг “мени” даврга, унинг мазмунига таъсир кўрсатади ҳамда шахс ғояларининг жамиятда ўз ифодасини топиш жараёни содир бўлади.

Бунга эришишда, аввало, шу ғоялар кимгадир таяниши, жамиятдаги муайян гуруҳ ёки кучларнинг манфаат ва қарашларини ифода этиши зарур. Унинг муайян ижтимоий кучга эга бўлиши муҳим: иккинчидан, жамиятдаги ана шу кучлар, гуруҳлар ҳам ғояни амалиётга тадбиқ этишда, уни шахс сифатида жамиятдаги ижтимоий мавқеини шаклланишига олиб келади. Ана шунда, “шахс”, “гуруҳ” ва “жамият” муносабатлари яққол намоён бўлади. Тарихий воқеалар шуни кўрсатадики, айрим гуруҳ манфаатини ифодалаган айрим шахсларнинг қарашлари назарияга ва таълимотга айланган пайтлар ҳам бўлган, аммо жамиятда умумхалқ ёки инсон мақсадлари, манфаатлари, хоҳиш-иродасини ўзида ифода эта олмаганлиги туфайли, шахс сифатида ҳам ғоя ёки таълимот сифатида узоқ ва абадий яшаб қола олмади.

Дунёда ягоналикка, яхлитликка, тўғри ва тугалликка даъво қилган шахсларнинг “Мени”, турли мамлакат халқлари “Мени”, тафаккур тарзи, хоҳиш истаклари билан ўзаро мувофиқ тушмади. Натижада, бундай шахс тўғрисидаги тасаввурлар, қарашлар ўзгарди. Давр ўтиши билан бундай шахсларнинг фаолияти, уларнинг “Мени” ойдинлашиб борди. Шахс сифатида амал қилган тамойиллари ва метёрий нормалари ўзининг ҳолисона, тарихий баҳосини ола бошлади. Шунда фақат даврга қараб шахсга баҳо бериш фалсафаси бир томонлама эканлиги аниқ кўриниб қолади. Шахсга яшаган даврига қараб баҳо бериш, шахснинг жамият олдидаги маъсулиятини тушишига ва ноҳолисона ёндашишга олиб келиши мумкин. Тўғри, даврнинг, макон ва замоннинг шахс ҳаётидаги ўрнини инкор этиш мумкин эмас. Аммо шахсларга баҳо берганда, фақат даврдан келиб чиққан ҳолда баҳо бериш унинг бир томони ҳолос. Бу шахснинг моҳиятини ўрганишга бутун тугал методологик асос бўла олмайди.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқда, шахслар ўз даврларини турлича идрок этганлар ҳамда турли хил муносабатда бўлганлар ва бўладилар. Нима учун бир даврда яшаган шахсларнинг

ҳаммасининг фаолияти, қарашлари бир хил эмас. Ёки бир даврда яшаб ўтган шахсларнинг айримлари ҳамон эл, халқ назарида бўлиб, у вақт ва давр синовидан ўтиб келмоқда-ю, айрим шахсларни эса давр қайта баҳолашни тақозо этаётир.

Муаммонинг фалсафий таҳлили шуни кўрсатадики, шахс ўз даврининг маҳсули бўлиши мумкин, аммо бу билан у ўз даври ва халқининг дардини ўзида ифодалаш даражасида унга мувофиқ бўла олмаслиги, ёки аксинча, шахс фақат ўз даврининг маҳсули бўлмасдан, уни ҳис этган ҳолда ундан ўзиб кетиши, вақт ва замон ўтиши билан у ўз халқининг, башариятнинг қалбидан тобора чуқурроқ жой олиши ва қолиши мумкин. Бу - шахс сифатида ўз манфаатларидан жамият манфаатларини устувор қўйганлигидан, ўз фаолияти ва ички дунёси билан башариятга даҳлдор бўлиб, унинг дарди билан яшаганлиги, уни ҳис эта олганлиги, мустақиллик, демократия ва эркинлик йўлида унинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги билан боғлиқдир.

Хатто, бундай шахслар муайян сабабларга кўра, ўз даврида ҳолисона баҳосини ололмаслиги, кадр топмаслиги, шахс сифатида идрок этган улут мақсадлари, ғоялари англаб етилмаслиги, яна ўша давр таъсирида “англаб етишдан узоқ” бўлиши ҳам мумкин. Халқнинг ўз эркига эга бўлмаслиги оқибатида шундай ҳолат содир бўлади. Халқ бундай инсонларни кўпроқ ўз қалбида сақлайди. Бунга ўтмишдан, хусусан, мустабид тузум давридан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Мустақиллик даврга қараш ва муносабатни ўзгартириш билан бирга, ҳамма нарсани ва ҳаммани жой-жойига қўймоқда. Эркинлик туфайли, шахслар ҳам ўз дунёси ва фаолиятига мос баҳосини олишида, вақт ўз тарихий ҳакамлик вазифасини бажармоқда.

Шундай вақтда шахснинг қайси сифатлари ҳаёт синовларидан ўта олишини ҳисобга олиш муҳим? Бизнингча, қўйидаги жиҳатлар шахсни - шахс сифатида даврлар ўзгарса-да, доимо яшаб қолишига олиб келади : 1) шахс фаолияти ва дунёсининг инсон эрки, хоҳиш-иродаси, кадр-қиммати билан ўзаро мос тушиши; 2) шахс ўз фаолиятида айрим гуруҳ манфаатларидан келиб чиқиб эмас, аксинча инсон, умумхалқ, жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда

фаолият кўрсатиши, ўзлигини халқидан, унинг тарихи, кадриятлари, орзу-умидларидан ажралмаган ҳолда идрок этиши ва унга ўзини бахш этиши; 3) шахс фаолиятида мустақиллик, эркинлик, демократик кадриятларга инсоний кадрият сифатида қаралиши, унга амал қилиши чуқур маъно касб этади. Даврга шунчаки мосланишда эса шахс сифатлари эмас, аксинча, фаолсизлик ҳолатлари кўпроқ мужассам бўлади.

Мана шу энг муҳим сифатларни ўз ҳаётида устувор деб билган, ўзлигини у билан мужассам этган шахслар замон ўзгарса-да, уларга нисбатан муносабат ўзгармасдан қолмоқда. Шундай инсонлар “шахс” сифатида алоҳида тақдирланишга, эъзозга сабаб бўлмоқда.

Шундай экан, шахс ва давр муносабатида, давр унинг туб моҳиятини белгилаб берадиган бирдан-бир мезон бўла олмайди. Ҳамма нарсани даврдан излаш фалсафаси мукамал эмас, аксинча, шахс фалсафасининг номукамаллигидан далолатдир. Фалсафанинг номукамаллиги ҳам шахс дунёсининг умуминсоний даражада эмаслигидан, уни муайян давр ёки “гуруҳ”, “синф” нинг ҳимоячиси, тарғибот ва таъвиқотчиси бўлиб қолганлигидан далолат беради.

Ҳаёт фалсафаси жуда содда, шунчаки жўн бир ҳодиса эмас. Инсон фалсафасида, унинг бутун борлиги яхлит ҳолатда, унинг қарашлари, ҳаётий тамойиллари, эрки ва манфаатларни англаш даражасида уйғунлашган ва ўзаро мужассам бўлади.

Шахсларга баҳо берганда, нафақат у яшаган даврдан келиб чиққан ҳолда, кўпроқ унинг ана шу даврга муносабати, унинг ички дунёсидан келиб чиққан ҳолда баҳо берилса ва ҳисобга олинса, баҳо ҳақиқий ҳамда ҳолисона бўлиши мумкин. Чунки ўзининг борлигини, мақсад ва манфаатларини ўз халқининг орзу-умидлари, хоҳиш-иродаси, унинг эрки-озодлиги билан уйғунлаштириб яшаган ва яшайётган инсонлар шахс сифатида улуғликка даҳлдордир.

Шахс ва даврнинг ўзаро монанд бўлиш жараёни жуда мураккаб ҳамда нисбийдир. Шахснинг давр руҳини англаши ҳамда унга муносабатда бўлишида унинг дунёқараши, ижтимоий қиёфаси ва ички дунёси намоён бўлади. Шахс ва давр ўртасидаги муносабатда шу маънода ўзига ҳос қонуният мавжуд. Бу ҳар бир шахс фаолиятида кузатилади. Давр руҳини

англаш, унга монанд фаолиятда бўлиш шахсга баҳо беришда ягона мезон бўла олмайди. Даврнинг мазмуни, хусусиятлари, мақсад ва тамойилларини мамлакат тараққиёти, йўли, ҳамда халқлар хохиш-иродаси, манфаатларига мослигига қараб ёндашиш шахсга баҳо беришда катта аҳамиятга эга. Шахс ва даврнинг монандлиги шу маънода турли даражада бўлиши мумкин.

Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий мавқеи, мустақил ёки мустақил эмаслиги, сиёсий ҳокимият ўрнатган режим, тартиб-ботлар инсонлар, халқлар ва миллатлар келажаги нуктаи назардан англаш ҳолда, у билан муносабатда бўлишни тақозо этиши мумкин. Аммо ўзининг фаолиятини халқининг келажаги билан боғлаган, усиз ўзини тасаввур эта олмаган шахс, юқорида қайд этилган, энг олий; инсоний қадриятлар унга эришишнинг оқилона, маърифий йўллари орқали ўз фаолиятини олиб боради. Бу - мамлакатнинг келажагига, халқининг озодлиги, эрки, хохиш-иродасига мос мустақил давлат қурилишига асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, шахс ва давр муносабати нисбий бўлиб, унинг турли хил даражада эканлигини англаб етиш, шахснинг жамиятдаги ўрнини белгилашда ва ҳис этишда муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз И.А.Каримов А.Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференциядаги маърузада таъкидлаганидек, “Тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилят-хусусиятларини намоён қилишга замин яратади”. Ўзида эркинлик ва жамият тараққиётига хизмат қиладиган инсоний манфаатларни мужассам этган шахсларгина, етакчи сифатида бу эҳтиёжни англаб етади, ўзларига хос ноёб ақл-заковатлари, фазилятлари билан даврга янги мазмун ва маъно бахш этадилар.

“Тафаккур” журнали, 1999 й.

Янгича тафаккур - баркамоллик омили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” мавзуидаги нутқида “Фақатгина чинакам маърифатли одам - инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин”, деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, мустақиллик инсоннинг жамият ва унинг тараққиёти тўғрисидаги қарашларини тубдан ўзгартирмоқда. Бугунги инсон тафаккури янгича асосда шаклланыпти. Ўтмишда ягона назарий қолипга солинган жамият тўғрисидаги бир томонлама қарашларни янгича фикрлар сиқиб чиқармоқда. Инсон тафаккурининг ўзгариши дунёни буткул ўзгача, ҳолисона идрок этишга ундайпти. Жамиятда янгича тафаккурга мос муносабатлар, бошқарув жараёнлари ва тамойиллари, меъёрлари қарор топмоқда. Бугун мамлакат олдида турган улугвор мақсадларга эришиш, баркамол авлодни вояга етказиш ва шу асосда ҳар бир ёшда янгича тафаккур шаклланиши, унинг дунёга муносабати асосида - инсоннинг комилликка элгувчи соғлом фикр, юксак онг ва маданият қарор топиши зарур. Бу йўлда унга ҳалақит бериши мумкин бўлган турли салбий хатти-ҳаракатлар, ҳуқ-атвор мезонлари ва нафс билан боғлиқ иллатлардан инсоннинг сақланмоғи давр талабидир.

Бугун инсон тафаккури ўтиш даврини бошидан кечирмоқда. Ундаги эскича дунёқарашлар янгича идрок талаблари билан мос келмай қолаётганлиги табиий, чунки жамият тараққиёти тамойиллари янгича сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий негизга асосланмоқда. Ўзбекистон ўз халқининг эрки, хоҳиш ва иродасига мос тараққиёт йўлига тобора далил кириб бораёпти. Уни амалга оширишда эса инсон ўзига хос қонуниятлар, талаб ва тамойиллар ҳамда тартиботларга мос

тафаккур тарзига эга бўлмаса, унинг фаолиятида ўзгариш бўлиши қийин. Янгича тафаккур - кишиларни баркамолликка етаклайди. Айрим фуқаролар, масъул кишилар ва кадрлар тафаккурида жойлашиб олган эскича тасаввур, ёндашувлар, иш услубида манфаатни тор доирада англаш ва унга зимдан амал қилиш ўзларининг фаолият даражаларигагина эмас, балки, жамият тараққиётининг муҳим пойдевори бўлган шахснинг баркамоллик даражасига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Комилликни ҳар бир инсон ўзича тушунади ва турли йўллар билан унга эришишга интилади.

Шунинг учун ҳам, инсоннинг комилликка етакловчи муҳим омилларни фалсафий идрок этиши ва англаши ниҳоятда муҳимдир.

Янгича тафаккур - жамият тараққиётида инсонга энг олий неъмат сифатида қарайди. Инсон манфаатлари учун хизмат қилиш унинг устувор йўналиши ҳисобланади. Жамият бошқаруви билан боғлиқ ҳар бир кишининг фаолияти ана шунга йўналтирилиши, ҳар қандай шахснинг манфаати умуминсоний манфаатга хизмат қилишга қаратилган бўлиши лозим.

Шунинг учун ҳам комилликка эришувда, инсоннинг дунёга муносабати, ўзлигини англай билиши зарур бўлади. У муайян даражада инсоннинг ҳаётий мавқеи, қарашлари, қизиқиш доираси, фаолиятини англаш даражасини ҳам белгилайди.

Шу маънода, табиийки, инсонлар дунёни турлича идрок этадилар. Уларда ақл, ишонч ва эътиқодга асосланиш даражалари ҳам турли хил бўлади, аммо инсон фаолиятида қайси бир ҳислатнинг кўпчилиги-ю озлигига қараб, унинг таъсир доираси ҳам турлича бўлади.

Ҳаёт фалсафаси, кузатишлар шуни кўрсатадики, мутлақ даражада “эътиқодга” ёки “ишончга”, ёхуд “ақлга” таянган мукамал одамни учратиш қийин. Инсонлар дунёқарашида у ёки бунисини муайян даражада асос қилиб олишган. Аммо ҳамма одамларни ҳам барча меъёрларга амал қилиб, уни уйғун тарзда ифодалайдилар деб бўлмайди. Инсон онтида муҳим омил бўлган ақл, ишонч ва эътиқод муносабатларининг муайян уйғунлиги ва жамиятдаги қонун-қоидалар, тамойиллар билан мувофиқлашуви, инсонлар ва турли ижтимоий гуруҳлар

томонидан умуминсоний манфаат даражасига эришиш, нафақат жамиятнинг фозилитигидан, айти пайтда, халқнинг комиллитигидан далолат беради. Бунга эришиш осонликча бўлмайди, аммо, уни ҳал этишнинг бош бўғини - инсоннинг ҳаётдаги ўрни, эришган ҳамда эришаётган ютуқлари муносабати билан боғлиқ.

Ҳар бир жамият танлаган йўли, тамойилларга мос келадиган инсонни шакллантириш, тарбиялаш мақсадини биринчи галдаги вазифа қилиб қўяди. Ўзбекистон сиёсий мустақилликни қўлга киритиши билан инсонга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Эскича ижтимоий-сиёсий тизим янги жамият қуриш талабларига мос келмай қолди. Янги жамият тоталитар, маъмурий - буйруқбозлик тартиб-ботлари, уни амалга ошириш механизмларини рад этиб, янги демократик тамойиллар асосида иш қўришга ўтди.

Маълумки, жамият - турли-туман ижтимоий гуруҳлар ва қатламлардан иборат. Жамиятнинг қандай бўлиши ундаги кишиларга бевосита боғлиқдир. Ҳаёт фалсафаси шундан иборатки, ҳеч бир инсон комил бўлиб туғилмайди ёки ўз-ўзидан баркамол инсон бўлиб қолмайди. Шунинг учун унга атрофлича қараш ва ёндашиш билан бирга, унинг барча жиҳатларини ҳисобга олиш жамиятнинг ривожини таъминлашда муҳим сиёсий, ижтимоий аҳамиятга эга.

Кундалик ҳаётда ҳар бир киши турли-туман феъл-атворли инсонларга дуч келади, мулоқотда бўлади. Дунёда инсон - моҳият жиҳатдан ягона бўлса ҳам, лекин хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари билан бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун, одамларга баҳо берганда, уларни кўпроқ комиллик даражаларига эмас, балки бир-биридан характер жиҳатдан фарқланишига эътибор берилади. Турли сифатий жиҳатларни ифодаловчи “комил”, “баркамол”, “доно”, “донишманд”, “маънавий бой”, “маданиятли”, “маърифатли инсон” тушунчалари муомалада одамларга нисбатан қиёсий ишлатилади.

Ҳаёт фалсафасининг ўзига хос мураккаб жиҳати шундаки, инсон онгли мавжудот бўлса-да, лекин унинг барча хатти-ҳаракатларини онгли деб бўлмайди. Одамлар онгли бўлишса-да, уларнинг барини комил ёки баркамол деб бўлмайди. Ёки нима учун комилликни ҳаммага хос бўлган умумий жиҳат сифатида ишлатиш қийин? Унинг сабаби нималардан иборат

бўлиши мумкин ? Албатта, фикрлар хилма-хил бўлиши табиий. Бундан ташқари, ҳеч ким ўзини “номукамал”, “жоҳил” ёки “нобаркамол” деб ҳисобламайди. Айни пайтда, шунга ўхшаш кишилар билан ҳаётда доимо дуч келасиз, тўқнашасиз, ихтилоф, зиддиятларга борасиз, шунингдек, номаърифий муносабат, хатти-ҳаракат, хулқ-атворга эга бўлган инсонлар билан мулоқотда бўлишга тўғри келади. У ҳақида ўйлайсиз, сабаби хусусида бош қотирасиз, ўзингизча ечимини топасиз, аммо инсон кўз ўнгингизда ўзига хос “англаб бўлмас” тилсим бўлиб қолаётганидек туюлади.

Бугун муаммонинг фалсафий жиҳатлари тўғрисида айрим мулоҳазаларни билдиришни, унинг айрим қирраларини очишга ҳаракат қиламиз. Зеро, бу унинг моҳиятини тушунига ёрдам беради. Инсон, аввало, тана ва руҳнинг уйғун ҳолидаги, олий даражадаги кўринишидир. Бу уйғунликни алоҳида тасаввур этиш мумкин эмас. Одам ҳаётининг илк босқичидан бошлаб руҳий маънавий озуқа олади, унга доимо эҳтиёж сезилади. Аммо бу эҳтиёж дастлаб, айниқса, ҳаётнинг дастлабки босқичларида “иккиламчи” характерда намоён бўлади.

Инсон ҳаёти такомил босқичига кўтарилиб, ижтимоийлашиб борган сари руҳий, маънавий эҳтиёжлар кўпроқ ва ҳал қилувчи аҳамият касб этиб боради. Инсоннинг ўз моҳиятига яқинлашиши, яъни тана эҳтиёжларидан онгли равишда, кундалик эҳтиёж даражасидан руҳий - маънавий эҳтиёжларга ўтиши, унга амал қилиши - комилликка етаклайдиган асосий йўлдир. Инсоннинг моҳиятни англаши, руҳ талабларига амал қилган ҳолда яшаши ҳам шунчаки содир бўлмайди, ўз-ўзидан амалга ошмайди, ҳамма ҳам ўз-ўзича бу талаблар билан яшавермайди. Балки улар шаклланади ва шакллантирилади. Бунда атроф (оила, жамоатчилик, таълим-тарбия тизими, давлат сиёсати, унинг маданий-мафкуравий тизими ва ҳ.) бевосита таъсир кўрсатади. Инсоннинг тана эҳтиёжлари билан яшашга мойиллиги ошиб борса, унда моддийликка бўлган интилиш кучаяди. Мол-дунё, унинг ҳаётини, инсоний муносабатларини, меҳр-оқибатни белгилайдиган бирдан-бир омилга айланиб боради. Шунда инсонда тана ва руҳ ўртасидаги муносабат бузилади, меъёр ўзгаради. Бу меъёрни ўзгариши билан унинг инсоний моҳиятига,

ўзлигини англашга бўлган эҳтиёж маънавий моҳиятига, ўзлигини англашга бўлган эҳтиёж маънавий-маърифийлик касб этмасдан, моддийлик орқали бир томонлама номаърифий тус олади. Комил инсоннинг шаклланишида унинг тафаккурида тана ва руҳ эҳтиёжлари уйғун таъминлаши зарурдир.

2. Ўзликни англаш

Вужуд ва руҳ уйғун бўлмаса, у салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Натижада, ўзида маънавий-рухий эҳтиёжларни устувор деб билган инсонлардан кўпроқ мусбат қувват, тана эҳтиёжлари билан яшашни устувор деб билганларда эса инсоний моҳиятдан узоқ манфий қувват кўпроқ тўплана боради. Ҳар икки ҳолат ҳар хил оқибатни келтириб чиқаради. Бу уларнинг жамиятга бўлган муносабатларида яққол кўринади. Бирларида “фозиллик”, иккинчиларида эса “жоҳиллик” аломатлари кўпроқ бўлади.

Инсоннинг ўз моҳиятига яқинлашиши ёки ундан узоқлашиши, жамиятда ўз манфаатларини қандай даражада англаши билан ҳам бевосита боғлиқдир. Инсон турли хил манфаатлар тизими билан бирга муайян гуруҳда фаолият кўрсатади. Умуман олганда, жамиятда одамларни турли хил даражадаги: шахсий, оилавий, миллий, давлат ва жамият манфаатлари тизимисиз тасаввур этиш қийин. Аммо инсоннинг у ёки бу манфаат доирасида фаолият кўрсатиши жамиятда ўз ўрни ва мавқеини, масъулиятини, бурчини қай йўсинда ҳис этиш билан боғлиқ. Ҳаётда қандай тамойилларга асосланишида кўпроқ унинг маънавий даражаси асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Жамиятда инсон ўз фаолиятини Ватан даражасидаги манфаат тизими билан боғламаса, улар умуминсоний мақсадларга йўналтирилмаса, оқибатда инсон ўз манфаатини тор доирада англайди. Унинг бир томонлама, умумманфаат тизимига тўла мос бўла олмаслигини англаб етмайди. Ёки англаб етишга аста-секин ожизлик қилиб, унинг фаолиятида бир томонламалик, номукамал кўринишлар, хатти-ҳаракатлар, хулқ-атвор нормалари қарор топадики, бу унинг нокомиллигидан далolat беради. Юксак маърифий негизларга ва қадриятларга таянмаган манфаатлар тизими ҳаётда номукамал инсонларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Инсон

тафаккури ҳам шунга мос бўлади. Бундай инсонлар кўпроқ шу шароит ёки муҳитнинг таъсирида бўлади. Ўзининг мустақил мавқеига эга бўла олмайди.

Мамлакатимиз бой давлатчилик, маданий, маърифий ривожланиш тарихига, анъаналарига эга. Қадимдан мамлакатнинг ободлиги, фаровонлиги унинг раҳбари билан қиёсланган. Юртнинг келажagini у билан, унинг раҳбарлик фаолияти, салтанатнинг тартиб ва тартиботлари билан боғлаб, унга халқнинг ҳурмати, эътибори жалб этилган. Бу анъана бутунгача давом этиб келмоқда. Шарқда бу ўзига хос тарзда баҳоланади ва тақдирланади, аммо тарих тақозоси шундайки, подшоҳлар кўп ўтган, лекин уларнинг ҳаммалари ҳам “одил”, “фозил” деган номни қолдирмаганлар. Уларнинг мамлакатнинг заифлашиб, ўз мавқеидан ажралиб қолишига, бошқа давлатлар ёки халқлар таъсири доирасигача тушиб қолишига олиб келганлиги ҳам, афсуски, тарихдан маълум.

Жамият ривожининг истиқболини таъминлаш - мамлакатда ҳамжиҳатлик, барқарорлик, халқнинг ўзлигини чуқур англаши, авлодлар ўртасидаги ўзаро ворисийлик ҳамда тадрижийлик қонунларига узлуксиз, мунтазам амал қилиш билан узвий боғланган.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўз тарихий анъаналарни қайта тикламоқда. Давлатчилик тажрибаларини дунё тажрибаси билан боғлаб сиёсат юритмоқда. Бугун дунёвий тамойилларга таянган ҳолда адолатли, ҳуқуқий-демократик фуқаролик жамияти барпо этилаяпти. Унинг асосий устувор йўналиши “Фуқаро-жамият-давлат” муносабатида ўз аксини топган.

Ватанга, инсонга хизмат қилиш ҳар бир раҳбарнинг жамият олдидаги бурчидир. Боиси, бу - умуминсоний манфаатларга хизмат қилади. Шунда жамият янада покланади ва инсонийлашади. Жамиятда ҳар бир шахс фаолияти унинг баркамоллигига, равнақига қаратилади. Адолатсизлик, қонунсизлик ҳолатлари барҳам топади. Қонун устуворлиги амалга ошади ва тўла таъминланади. Шундагина айрим инсонлар тафаккури ва ички дунёсида яширин ҳолдаги ноҳолисона, салбий иллатлар йўқотилади. Маънавият устуворлиги жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ривожига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Чунки у, инсон фаолияти,

ақл-заковати, маданий даражаси билан боғлиқдир. Инсон маънан бойиб борган сари комилликка эришиб боради. Бу унинг энг тўғри, маданий-маърифий асосидир.

Хар бир инсон тафаккури ўз миллий негизлари орқали дунё маънавиятидан баҳраманд бўлса, ўзлигидан бегона-лашмайди.

Жамият ривожда ҳам бу ўзига хос қонуният сифатида намоён бўлади. Маънавият устувор бўлган ва унга амалда эришган мамлакатнинг истиқболи порлоқдир. Илм-фан юксалиб, жамиятта ўз самарасини янада кўпроқ беради. Одамлар янгича фикрлаб, фаолияти қанчалик жипслашган бўлса ва истиқлол ғоясига хизмат қилса, у шунча катта моддий кучга айланади. Ақсинча, фаолият тарқоқ бўлса, манфаатни англаш турли хил бўлиб, ягона мақсад ва ғояга қаратилмаса самара сезилмайди. Шу маънода, янгича тафаккур манфаатларни Ватан даражасида англаб етиш, мустақиллик йўлида халқда ягона руҳни шакллантириш уларни истиқлол ғояларига тўла хизмат қилишига олиб келади.

Инсонларни комиллашиб, ўзлигини англаши, бунёд-корлик ишларини амалга ошириши, эзгу мақсадлар йўлида фидойилик кўрсатиши жамият тараққиётини таъминлашнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Жамият ривожини унга мос равишда ривожланмаса, халқларни ўз негизидан йироқ-лаштишига, тарихий-миллий қадриятларга нисбатан лоқайд-лик, бефарқлик, ўзликдан узоқлашишни келтириб чиқаради. Айниқса, бу ҳолат маънавий қашшоқ, ҳаётнинг мазмуни фақат моддий фаровонлик, роҳат-фароғатдан иборат деб билган одамларда кўпроқ сезилади. Иймон сустлашган жамият-да инсонлар ўртасида ана шундай нооқилона муносабат, ҳаётга бир томонлама ёндашиш кайфияти ҳукмрон бўлади. Бунга узоққа бормасдан, собиқ иттифок даври сиёсати ва мафкураси оқибатларини, мақсад ва манфаатларини фикран таҳлил этиб ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Мустақиллик шароитида унга атрофлича баҳо берилди. Янги жамият қуриш учун комил инсонлар кераклиги, уларни тарбиялашнинг ва тайёрлашнинг жамият билан боғлиқ бўлган таълим-тарбия тизимини яратиб давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Республикада кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий Дастурнинг қабул қилиниши бу йўлдаги энг улуғ ишлардан

биридир. Бугун мамлакатимизда баркамол авлодга - тараққиётнинг таянчи сифатида қаралмоқда. Шу мақсадда, давлатнинг кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури амалга оширилмоқдаки, бу истиқболда янгича тафаккурга асосланган баркамол авлодларни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

“Туркистон”, 28.03.98 й.

Эътиқод эркинлиги кафолати

Маълумки, жамият тараққиётининг турли даврларида дин ҳар бир халқнинг тафаккур тарзи, дунё тўғрисидаги тасаввури, маънавияти ва маърифати билан узвий боғлиқ ҳолда унинг юксалишига муҳим ҳисса қўшиб келган. Аммо бу жараён осонликча кечмаган. Сабаби, дин жамият ҳаётида инсон хоҳиш ва эркинлигининг ифодаси, айни пайтда, миллий ва умуминсоний кадрият сифатида ўз ўрнига эга бўлса-да, унга муносабат, талқин этишда ёндашувлар, фикрлар хилма-хилдир. Шу маънода, жамият ҳаётида дунёвий илм билан илоҳий илм муносабати ҳамма вақт ҳам оқилона ечимини топа олмаган. Бунга жамият сиёсий тизими, мақсад ва тамойиллари, турли хил ижтимоий-сиёсий кучлар ҳамда гуруҳларнинг манфаатларини англаш даражалари ва унга ёндашувлари ҳам сабаб бўлган ва бўлмоқда.

Дунё халқлари, шу жумладан, Шарқ халқлари ҳаётий тажрибаси шуни кўрсатадики, динга маънавий кадрият сифатида, унинг инсон ҳаётида, жамиятдаги ўрнига атроф-лича ёндашиб, уни дунёвий ишлар билан боғлаб олиб борилган жойда тараққиёт юксалик сари юз тутиб, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан ажралиб қолмаган. Аксинча, динга бир томонлама устуворлик берилган даврда, айниқса, у ақидага айлантирилиб, ақидапарастлик илдиз отган жойда жаҳолат, маънавий тубанлик сари кетилган. Ёки, инсон ҳаётида дин мутлақо инкор этилиб, очиқдан-очиқ даҳрийликка даъво қилинган жамиятда ҳам ҳудди шунга ўхшаш ҳолатни кузатамиз. Бунга собиқ мустабид жамият аниқ мисолдир.

Бундан хулоса шуки, инсон ҳаёти ва дунёқарашида муайян

кадрга эга бўлган ҳар бир омил жамиятда ўз эътиборини топиши зарур. Бунда ўзига хос меъёр мавжуд ва у ҳисобга олиниши, жамият олдида турган вазифалар билан уйғунлашиб, унга хизмат қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу меъёр бутунги кунда Конституциявий асосга қўйилган. Бу диннинг жамият ҳаётидаги ўрнига, янгича тафаккур орқали ёндашишнинг ўзига хос ифодасидир.

Мамлакатимизда, узоқ йиллар “моддий борлиқ фалсафаси” чуқур ўргатилиб, даҳрийлик сиёсат ва мафкура даражасига кўтарилган бир пайтда, инсон ўз моҳиятини англашдан узоқлашганлиги, тўғрироғи, бегоналаштирилганлиги маълум.

Мустақиллик туфайли турфа фикрлилик шаклланаётган бир пайтда, айрим инсонлар тафаккури, “қафасдан бўшатиш” узоққа уча олмаганидек, ўз атрофидан нарига ўта олмайди, дунёвий илм билан дин муносабатларини атрофлича таҳлил этишга бироз ожизлик қилмоқда. Аслида, дунёвий илм ва дин ягона мақсадга эришишда икки ҳил қараш, ёндашув эканлигини ҳисобга олиш керак. Уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш орқали ёки бирини ҳаддан ташқари бўрттириб, иккинчисининг мавқеини ҳисобга олмаслик ҳам мумкин эмас.

Дунёвий илм билан диний илмнинг фаолият йўналишлари, давлат ва жамиятда тутган мавқеига “Конституция” асосида қараш лозим. Ислом дини - , Президентимиз таъкидлаганларидек, бу - ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар, меҳр оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга интиладилар. Ёшлар исломий қадрият билан бир қаторда, коинот сиру асроригача бўлган дунёвий илмларни ҳам теран ўрганишлари лозим. Адолатли, демократик давлат қуришда диннинг илдизлари муштарак эканлигини таъкидлаган ҳолда, Ўзбекистон дунёвий давлат қуриш тамойилларига таяниб, янги жамият қуриш вазифаларини амалга оширмоқда. Бунга мустақил, кўп миллатли, кўп динли мамлакатимизда, яъни ислом дини билан баробар православие, иудаизм, баптизм, адвентизм, католизм сингари ўндан ортиқ бошқа конфессиялар, давлат ишларидан

ажратилган ҳолда эркин фаолият кўрсатмоқда.

Виждон эркинлиги - ҳар бир кишининг мустақил, эркин эътиқод ишидир.

У инсон онгли фаолиятининг натижаси сифатида намоён бўладиган жараён. Эътиқод эркинлиги кимнингдир таъсирида эмас, ҳатто ота-она, оила даражасида ҳам, ўзаро муносабатда эркин асосда амалга ошиши зарур.

Мустақиллик туфайли динга бўлган муносабат ўзгарди. Бунинг моҳияти шундан иборатки - унга қадрият, маънавийятнинг ажралмас бутуни сифатида қараш, уни жамият ҳаётидаги ўрнини, тарбиядаги ролини тан олишдир. Айрим оилаларда динга қандай асосда мурожаат этилишини оиланинг “хусусий” иши деб тушунмаслик лозим.

Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, динга, хусусан, исломга қадрият, тарбиянинг муҳим омили сифатида ёндашиб, унга эътиқод қилиш ёки қилмасликни эркин қўйиб бераётган, болаларга ёшликдан бошлаб, ўзларини англамасдан диний эътиқодга ўтишларига, уни ёшликдан шакллантиришга, “динний тарбия олган бола ёмон бўлмайди” қабилида иш юритаётган, ёки муносабатда бўлаётган, ҳатто унисига ҳам, бунисига ҳам тўла амал қилмайдиган тоифадаги оилалар ҳам учрайди. Айрим оилаларда ота-оналарнинг бу йўлда ортиқча раҳнамоликлар қилиб, динни жуда тор тарзда, онгли эътиқодга эмас, кўр-кўрона эътиқод даражасига кўтариб, ундан муайян мақсадлар, манфаатлар кутиб, бу йўлда “виждон эркинлиги” доирасидан чиқаётганларини англамасдан қолмоқдалар. Ҳали ўзлигини тўла англамаган, ўз эътиқодини онгли равишда танламаган ва кўпроқ ўзгалар таъсирида эътиқод йўлига кириб қолганлар эса “виждон эркинлиги”ни рўкач қилиб турли хил эътиқодсиз хатти-ҳаракатларга қўл урадилар.

Ҳақиқий эътиқод билан сохта эътиқод ўртасида фарқ бор. Ҳақиқий эътиқод қилаётганлар, ўз эътиқодларини бировга кўз-кўз қилмайдилар. Намойишкороналик билан ундан манфаат кутмайдилар. Бундай инсонлар бу дунёни ва охиратни ўйлаб, айни пайтда, дунёвий ишларни, жамият олдидаги ўз вазифасини, бурчини чуқур англайдилар. Унга онгли эътиқод ва фаол муносабатда бўладилар. Ақл, ишонч ва эътиқод муносабати турли кишиларда турлича намоён

бўлади. Жамиятда яшаётган ҳар бир инсонда ана шу ҳолат ўзаро муносабатда уйғун бўлиши муҳимдир.

Мустақилликни айрим гуруҳлар томонидан динга нисбатан муносабатда, динни жонлангириш, тарғиб-ташвиқ этишнинг янги имконияти деб тушуниш хатодир. Жамиятда дин ҳам, фан ҳам ўз ишини бажариши, ҳуқуқий меъёрлар доирасида фаолият кўрсатиши зарур. Ўзбекистон дунёвий давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг маъносини ҳар бир киши, ота-оналар, жойлардаги маҳалла фаоллари аниқ тасаввур этишлари зарур. Унга муносабатда тил ва дил бирлиги сўз ва амалий ҳаётда уйғун бўлиши зарур. Тилда дунёвий тамойиллар, дилда бошқа фикр бўлса, бундан нафақат жамият, айни пайтда, диннинг ўзи ҳам зарар кўради.

Улуғ муҳаддис олимлар, алломалар, ҳеч қачон дунёвий ишларни диний эътиқод билан қарама-қарши қўймаганлар. Доимо уларни бир-бирига кераклигини, бунга амал қилинмаса, аввало, дин зарар кўришини таъкидлайдилар. Ҳадисда билдирилган, “Бешиқдан қабргача илм изла” дейилган фикрлар ҳам бунга асос беради. Нега, буни билган ҳолда, бугун айрим ёшлар, ота-оналар ва гуруҳлар динни, жамият, миллат, давлат манфаатлари билан боғлаш ўрнига, бир томонга оғиб кетиш, экстремистик, жангарилик кайфиятларини шакллантириб, ўз юрти, халқ манфаатларига тўғри келмаган йўлни танламоқдалар? Мамлакатда чуқур ислохотлар амалга ошириляётган, жамиятни демократиялашуви жараёнларидан, бундай кучларнинг носоғлом мақсадда фойдаланишга уринаётганлиги янада ачинарлидир. Улар жамият барқарорлигига эмас, аксинча, у ёки бу мазҳабни қўлаган ҳолда, мамлакат ичида беқарорлик келиб чиқишига сабабчи бўлиб, халқимиз осойишталигига раҳна солмоқдалар.

Диннинг сиёсатга аралашуви, айрим инсонларни диний эътиқод негизида муайян гуруҳларга бирлашиши, оқибатда, ҳокимиятга даъво қилишга олиб келади. Диний маросимлардаги дабдабалар, таъмагирлик йўлини тутиш, нафс балосидан холи бўлолмаслик, ёвузликка қўл уриш ислом асосларига, тараққиётга, тинчликка зиддир.

Эътиқод эркинлигининг моҳиятини тўғри тушунмаслик, ёки сохта эътиқод орқали ислом ниқоби остида айрим экстремистларнинг мамлакат ичкарисида ва хориждаги кирдикорона

ишлари ҳалқимиз манфаатига, танланган тараққиёт йўлимизга асло тўғри келмайди.

Бугун дин мамлакатда барқарорликни, ҳамжиҳатликни, соғлом ахлоқий қадриятларни, инсоний меҳр оқибатни тарбиялашга янада фаолроқ хизмат қилиши керак.

“Халқ сўзи”, 24.04.98. й.

Маҳалла - миллий қадрият бешиги

Инсон манфаатларини ҳисобга олиш жуда кўпгина омишларга боғлиқ. Мавжуд сиёсий ва сиёсий бўлмаган институтлар инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ҳимоя қилишни амалда таъминлаш билан боғлиқ бўлган вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутати.

Бунда давлат ва жамият қурилишида дунёвий андозалар талабини ҳисобга олиш ва унга мувофиқ ишларни амалга оширадиган тизимни жорий этиш жамият ривож қонунлари билан тўла мос келади. Айни пайтда, жамиятда фуқаролар манфаатини, уларнинг кундалик турмуш тарзи, фаолияти, анъана ҳамда урф-одатларини амалга оширишда ҳар бир давлатнинг ўзига хос бошқариш институтлари, шакллари борки, у шу мамлакатга хос бўлган миллий хусусият тарзида намоён бўлади ва инсонлар ҳаётида муҳим ўрин тутати. Маҳалла ана шундай институтлардан бири ҳисобланади. Ҳўш, маҳалланинг инсон ҳаётида, унинг манфаатларини ифодалашдаги ўрни ва аҳамияти нимадан иборат?

Жамиятнинг бошқаришда, маҳалла - унинг ўзига хос негизларидан бири бўлиб, ҳудудий нуқтаи назардан қараганда муҳим ўрин тутати. Инсоннинг яшаш шароити, унинг жамоа билан бўлган муносабати, ўз фаолиятини жамоадаги тартиб-қоидалар билан мувофиқ ҳолда ташкил этиши муҳим ўрин тутати. Инсон ўзи билан бирга ва ёнма-ён яшаётган инсонларга, оиаларга нисбатан бефарқ бўлмаслиги жамоатчилик фикрини, руҳиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Маҳалла ўз-ўзини бошқаришнинг ташкилий шакли сифатида

шарқона хусусият касб этади. Унинг ҳаётий фалсафаси ва моҳияти инсоннинг кундалик ҳаёти, ютуқ ва муаммолари билан бевосита боғлиқ бўлиб, инсон манфаати даражасида уйғунлашади. Инсон мустақил, эркин фаолиятда бўлиши мумкин бўлган мавжудот, лекин у ҳеч қачон инсондан ажралган ҳолда ўзининг ҳаётий орзу-умидлари, ўй-ташвишлари, талаб ва эҳтиёжларини қондира олмайди. У ижтимоий турмуш орқали боғлиқ инсонлар билан, муайян жамоа ёки коллектив билан доимо боғлиқ бўлади. Демак, алоҳида ҳар бир киши ўзини жамоа билан бирга тасаввур этиши, ўз ҳаётини, бугунги ва эртанги кунини ўзи яшаётган жамоа-махалла билан уйғун ҳолда идрок этиши муҳимдир.

Шу маънода, маҳалла оила билан жуда яқин. Ҳар бир оиланинг ютуғи ҳам, камчиллиги ҳам маҳаллага яхши таниш бўлади. Албатта, бунда оила аъзосининг маҳалла билан ҳамкорлиги, жамоа ишларида, яхши ёки ёмон кунларида бевосита иштироки, бош-қош бўлиши билан белгиланади. Иккинчидан, маҳалла оқсоқолининг маҳалладаги ҳар бир оила юмуши, хурсандчилиги ва ташвишларига бўлган муносабати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маҳалланинг иши ундаги хонадонлар сони, миқдори билан эмас, аксинча, улардаги жамоавий тартиб-қоидаларга, қўни-қўшничилик анъаналарига, миллий қадриятлар, урф-одатлар ва маросимлар пайтида кўрсатилаётган инсоний меҳр-шафқат, ўзаро ёрдам, таълим-тарбия, маданий-маърифий жараёнлар орқали намоён бўлади.

Бунда маҳалладаги ҳар бир инсонга инсоний муносабатда бўлмоқлик, бир хил кўз билан қарашлик, турли соҳа эгалари, оила, уларнинг фарзандларига нисбатан меҳрибонлик қилиш, уларнинг ҳаётига бефарқ қарамаслик маҳаллага хос муҳим хусусиятлардир.

Аммо бу хусусиятлар шунчаки намоён бўлмаслиги, маҳаллаларнинг ҳам турли хил эканлиги, ишни ташкил этишдаги айрим қийинчиликларни ҳисобга олиш муҳимдир. Масалан: а) асосан маҳаллий миллатта мансуб бўлган халқлар яшайдиган ҳовли-жойларда, кўп қаватли биноларда маҳалланинг ўрни, ундаги ишлар даражаси; б) турли миллатта мансуб бўлган аҳоли яшайдиган кўп қаватли бинолар, унда маҳалланинг тутган ўрни ва иш услубини бир хил даражада деб бўлмайди. Мустақиллик туфайли, миллий қадрият-

ларимиз қайта тикланиб, инсонга эътибор бериш, оила-жамият-давлат муносабатлари тамомила янгича тамойиллар асосига қўйилди.

Маҳалланинг жамиятдаги ижтимоий, маданий-маърифий мавқеи оширилди ва унга алоҳида эътибор билан қарала бошланди. Давлат сиёсатини амалда татбиқ этишда маҳаллаларга таянилган ҳолда, катта ҳуқуқлар берилаётганлиги тасодифий эмас.

Маҳалла бугунги кунда шунчаки, оилалар ҳамжихатлиги, ҳамкорлигини уларнинг талаб ва эҳтиёжлари, манфаатларини ифодаловчи институт сифатидагина эмас, аксинча, Давлат сиёсатини амалда татбиқ этувчи, уларни ҳар бир оилага етказишда муҳим сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий тадбирларини амалда оширувчи, ўз-ўзини бошқаришни амалда жорий этувчи, оилаларни жамиятдаги сиёсий ва сиёсий бўлмаган институтлар билан боғлаб турувчи бўгин ҳамдир.

Маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеига кенгроқ қараш муҳим аҳамият касб этади. Республикада маҳалла институтини фуқаролик жамияти қурилиши жараёнларининг мақсад ва вазифаларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Маҳаллаларнинг жамият қурилиши вазифаларининг қандай даражада тушуниши ва ўз фаолиятини у билан уйғун ҳолда ташкил этиши ҳамда маҳалла аҳлиларини шу мақсад йўлида сафарбар этишдаги фаолиятлари, мустақил, ижодий тадбиркорлик даражаларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Маҳаллалар, бугунги бозор муносабатлари руҳи, қонуниятлари билан тўла мувофиқ ҳолда иш юритишлари зарур.

Маҳалла базасида кўпгина ижтимоий муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари қўрилиши: аҳолини иш билан банд этиш, қўшимча ўринларни очиш мақсадида кичик хунармандчилик цехлари, корхоналар ташкил этиш, ёшлар орасида маҳалла имконияти даражасида ҳомийлар топиш, маҳалла аҳлини қўллаб - қувватлайдиган шахсларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Кейинги йилларда маҳаллалар ташаббуси билан кўпгина социал-маданий тадбирлар амалга оширилмоқда. Жойлар ободонлаштирилмоқда, маҳаллалар учун бинолар, мачитлар қурилмоқда. Аҳоли талаб эҳтиёжларига хизмат қиладиган турли хил дўконлар, маҳсулот ишлаб чиқарадиган хусусий, замонавий корхоналар яратилмоқдаки,

бу хатти-ҳаракатлар айрим кишилар манфаати билан бирга, маҳалла, жамоа манфаатларига тўла мос келади.

Маҳалла жамият олдидаги турган вазифаларни турли хил маданий-маърифий тадбирлар орқали амалга оширади. Маҳаллаларда жамиятда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар тўғрисида, оиланинг жамиятдаги, таълим-тарбиядаги ўрни билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ўрганиш, жамиятда учраб турган айрим салбий урф-одатларни жамоатчилик асосида ҳал этиш йўлларини кўрсатиш, халқнинг миллий анъаналари, тўйлар, ҳамда айрим маросимлардаги ортикча сарф-харажатларни қисқартиришнинг зарурлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориш, маҳалланинг ташаббуси, ёрдамга таянган ҳолда уларни мақсадга мувофиқ тарзда замон билан мослаб бориш амалий аҳамият касб этади. Ёшлар ўртасида учраб турадиган айрим салбий, ҳуқуқни бузиш ҳоллари, спиртли ичимликлар истеъмол қилишни олдини олиш, ёшларни бугунги бозор муносабатларига тўлиқ тайёр ҳолда кириб боришини амалда таъминлашда маҳалла ўзининг ташкилотчилик ва тарбиявий ишларини амалга ошириши муҳим.

Бизнинг назаримизча, инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳуқ-атвори, оилага муносабатидаги айрим учраб турган салбий фактлар, оилавий ажралишлар билан боғлиқ муаммоларда маҳалланинг таъсири ва мавқеидан самарали фойдаланиш ниҳоятда муҳим. Маҳалла ўз фаолиятида кўпроқ умуминсоний ахлоқ-одоб нормаларига таянади. Уни тушунтириш, тарғиб-ташвиқ этиш асосида таълим-тарбия ишларини олиб бориш оилаларда, ёшлар ўртасида соғлом маънавий муҳитни шакллантиришга ёрдам беради.

Шарқда, жамоавий бошқариш усули - маҳаллада ўз ифодасини топади. Жамоанинг ҳар бир инсон ҳаётига дахлдор бўлган хатти-ҳаракатларига бефарқ бўлмаслиги ижобий ҳодиса сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Давлат сиёсатида кўп болали ҳамда ёрдамга муҳтож бўлган оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни амалга оширишда маҳаллаларга таянаётганлигида катта сиёсий маъно бор. Маҳалла ўз фаолияти доирасида бу муаммоларни ҳал этишда уни атрофлича ўрганиб, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳамкорлик асосида жуда оқилона ҳал этиш имкониятлари

мавжуд. Маҳаллалар бу имкониятлардан тўла фойдаланишлари зарур. Оилаларга кўрсатилаётган моддий ёрдамларда адолат асосий мезон бўлиши давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Маҳалла, кўпгина ижтимоий масалаларни ҳал этиши мумкин бўлган ҳозирги кунда, адолат тамойилини юзага чиқишида, аҳоли ўртасида инсон ҳуқуқларини ва эркинлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу маҳалла фаолларига катта масъулият юклайди. Ҳар бир муаммо ҳал этилаётганда унга инсон манфаати, Давлат сиёсати, мустақиллик ва унинг истиқболи нуқтаи назаридан қараш ва ҳал этиш катта тарбиявий, айти пайтда, сиёсий аҳамиятга эга.

Миллий анъаналар, урф-одатларни ҳаётга жорий этишда, миллий маънавиятимизга даҳдор бўлган, кадрга, маънога эга бўлган анъаналар асосида ёшларни тарбиялаш, ундаги ворисийликни таъминлаш жамият ривожига билан бевосита боғлиқ. Маҳаллалар фаолиятини халқимиз тарихи, миллий анъаналари билан уйғун ҳолда ташкил этиш, умуминсоний қадриятларга асосланиш, турли миллатлар, халқлар ўртасида ўзаро қардошлик ва ҳамкорликни таъминлаш, инсонларга ғамхўрлик қилиш билан бирга ҳал этиш - маҳаллада амалга ошираётган ишларнинг хайрли эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам маҳаллада яшаб, ундан четда туриш, унга бефарқлик билан қараш инсоннинг ўзлигини англаш, ҳаёт фалсафасини ҳали чуқур тушунишидан далолат бермайди. Инсон ҳаётида оиласи қандай ўрин тутса, маҳалла ҳам унинг оиласидек кадрга ва аҳамиятга эга эканлигини инсон қанчалик тезроқ англаса, шунчалик у ҳаёт билан ҳамнафас бўлади. У эл-юрт назаридан четда қолмайди. Маҳалла орқали шарқ халқларининг, хусусан ўзбек халқининг ҳаётга қараши, миллий онг ва тафаккур тарзи, маънавияти инсоний моҳиятга бўйсундирилганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам маҳалла - бошқариш шакли сифатида кадр топган, шу билан бирга миллий маънавиятимиздан жой олган, шаклланган ва ўзининг ривожланиш истиқболига эга бўлиб, инсон ҳаётида муҳим ўрин тутди.

Кўрпа бўйига мос бўлсин

*Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши
буларнинг барчаси янгидан янги авлодларни тарбия-
лайдиган қадриятларга айланиб қолмоғи лозим.*

И.А.Каримов

Анъаналар халқимизнинг маънавий қадриятларини тиклашда муҳим ўрин тутади. Айни пайтда, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли, жамият ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар ҳар бир шахс, ота-она, маҳаллаларнинг турмушимиздаги урф-одатлар ва анъаналарга нисбатан ҳам янгича ёндашувни тақозо этади. Бу бир томондан унутилган айрим урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни тиклаш; иккинчи томондан, амалдаги айрим урф-одат ва анъаналарга нисбатан оқилона муносабатнинг бўлиши зарурлигини кўрсатади. Инсоният турли даврларда шаклланган ҳаёт тарзи, тафаккур, орзу-истаклари мужассамлашган ҳамда маънавий қадриятимизга айланган тўй-томоша, расум-расумларни шунчаки қабул қилмасдан, унга ўз муносабатини билдириб, уларни доимо янгिलाб, ўзгартириб, замонавийлаштиришга ҳаракат қилиб келган. Инсонларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари, ҳаётий қарашлари ўзгариши билан ҳар бир урф-одат ва анъаналарда ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлган. Анъаналарда - ҳар бир даврнинг руҳи, халқнинг маънавияти, ҳаётга ва қадриятларга бўлган муносабати, тасаввурлари, унинг фалсафаси ўз аксини топган. Халқнинг ўзига хос тафаккур тарзи, тарихи, умуммаданий даражасининг акси сифатида намоён бўладиган, миллатлар турлича тарзда идрок этадиган анъаналар ўзига хос ижтимоий, сиёсий, маънавий аҳамият касб этади. Анъаналарда, шунингдек, ҳар бир халқнинг ҳаётий позицияси, идеаллари, орзу-умидлари, қадриятлари ўз ифодасини топади.

Бугун анъаналарга мустақиллик мафкураси ва инсон эрки талаби нуқтаи назаридан ёндашганда, унинг амал қилиб келган назарий асослари ўзгараётганини кузатамиз. Мустақиллик шароитида ҳар бир халқнинг ўзига хос маънавият

негизларига таянган ҳолда анъаналарга янгича қараш ва муносабат шакллана бошлади. Мустабид тузумнинг аччиқ тажрибаси шуни кўрсатадики, ягона мафкура тазйиқидан ва асоратларидан холи бўлмасдан анъаналарга янгича муносабатда бўлиш мумкин эмас. Шунинг учун анъаналарни ягона мафкуравий мақсадларга бўйсундириш фикр ва тафаккур эркинлигига, инсон хоҳиш-иродасига зид бўлган носоғлом ҳолатдир. Узоқ вақт давом этган ягона мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга мувофиқ бўлди.

Ҳаёт фалсафаси шундайки, инсонларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари, қарашлари ва идеаллари ўзгариши билан урф-одатлар, анъаналар ҳам ўзгариб боради. Анъаналар, айти пайтда, турли даврда авлоддан авлодга ўтиб келаётган, уларни бир-бири билан боғлаб турган ўзига хос ворислик қонунига асосланади. Унга амал қилиш ҳар бир мамлакат ва халқлари ҳаётида ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий маъно ва аҳамият касб этади.

Жамиятнинг сиёсий ҳаёти, ижтимоий-маданий тараққиётга мувофиқ анъаналар ҳам муайян ўзгаришга зарурат сезади. Чунки анъаналарни вақт ва макондан холи ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас, лекин ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, анъаналар биров секин ўзгаради. Чунки, бу кўп жиҳатдан инсоннинг ҳаёт тўғрисидаги тасаввури, онг ва тафаккурининг ўзгариш жараёни билан боғлиқ. Узоқ йиллар давомида шаклланган ва қадрга айланган айрим одатлардан бирдан воз кечиб, ёки ўзгариб, янгича муносабат билдириш жараёни қийин кечмоқда.

“Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шухратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини-ўзи кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатта олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда”, - дейилади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг (1998 йил 28 октябрдаги) Фармонида. Бу анъаналарга нисбатан энг хунук одатлар бўлиб, уни

жойлардаги айрим шахслар, хусусан давлат хизматидаги мансабдор шахслар томонидан содир этилаётганлиги маҳаллаларда, истиқомат жойларида соғлом муҳитнинг бузилишига сабаб бўлаётганлиги, оддий одамларнинг нафсониятига тегаётганлиги, уларнинг адолатта, умуман давлат ҳокимиятига бўлган ишончига зиён етказганлиги ҳар бир соғлом фикрлайдиган кишини ўйлатмасдан қолмайди.

Бундай нохушликнинг сабабларидан бири, аввало, янгиликнинг моҳиятини тўла англаб етиш жараёни билан боғлиқ. Одатлар узоқ йиллар давомида инсонлар онги ва амалий ҳаётида амал қилиб келган, кўникилган, қадр ва маъно тошган. Шу сабабли, улар нисбатан “турғун” ёки “консерватив” роқдир. Буни ҳисобга олиш зарур. Аммо бугун мустақиллик шароитида амал қилаётган анъана ва урф-одатларга бўлган муносабатда янгича ёндашув муҳим ижтимоий-сиёсий, маданий-тарбиявий аҳамиятга эга. Бу жараёни маълум бир йўналишларда: анъаналардаги ўзгаришлар нимани англатади? Анъаналар инсон онги ва тафаккури фаолиятидан ташқаридаги жараёнми? Анъаналар ўзгарса инсон ўзгарадими? Ёки инсон онги ва тафаккури ўзгарса анъаналарга ёндашув ўзгарадими? - деган таҳлилда кўрадиган бўлсак, бунда бир томондан анъаналарни инсонга боғлиқ ҳолда эмас, ундан “холи” ҳолда қараш кузатилади. Бу ҳаётимизга ва онгимизга бир вақтда сингдирилган ўзгаришларни инсоннинг фаолиятидан эмас, аксинча, турмушидан излаш, “турмуш онгни белгилайди”, “ҳамма нарса муҳитга боғлиқ” “муҳит ҳамма нарсани ҳал этади”, жамият ривожини ҳам фақат ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан ахтариш, у билан боғлаб бир томонлама тушуниш фалсафаси мужассам. Демак, бундай ёндашиш асосида “анъанавий фалсафий” тафаккурдан нарига ўта олмаслик, эскидан қолган асоратлар оқибатида уни шунчаки талқин этиш, “авлоддан-авлодга” шунчаки ўтиши билан бирга, инсон ўз қадриятлари ва анъаналаридан ажралиб, ёки анъананинг шунчаки “ижрочисига” айланиб қолишини кўрамиз. Бунинг негизида мустабид тузум даврида узоқ давом этган ҳукмрон ягона мафкура ва сиёсатнинг таъсири, ҳамда онг ва тафаккурнинг давр руҳидан орқадалиги яққол кўринади. Бу миллий расм-русумларимизга путур етказди, муқаддас анъаналаримизни обрўсизланишига таъсир кўрсатди.

Маълумки, жамият ривожланиб, тафаккур, онг ошган сари, унинг фаол таъсири кучайиб, онгни муҳитга боғлиқлиги камайиб боради. Мустақиллик шароитида анъаналаримизга янгича қараш, янгича ёндашув ҳар жиҳатдан зарур. Анъаналар халқларимиз маънавиятига, миллий қадриятларимизга, онг ва тафаккур ҳамда имкониятларимизга мосми? Бунинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, тарбиявий жиҳатлари мавжуд. Бугунги кунда “анъаналар - инсон” муносабатидан, “инсон - анъаналар” тизимига ўтишмоқда. Халқларимиз тарихий - маданий ҳаётида, бугуни ва истиқболида урф-одатлар, анъаналар чуқур маъно ва аҳамиятга эга. Унда ҳаёт фалсафаси, инсон дунёси, хурсандчилиги ва ташвишлари мужассам ҳолда уйғундир. Республика халқлари маънавий ҳаёти, урф-одат ва анъаналарига эътибор бериладиган бўлса, уларнинг ҳар бири ўзига хос шакл ва маъно, мазмун, моҳиятга эга эканлигини кўрамыз.

Бугун Республикамызда мустақиллик туфайли, жамият ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёт негизлари тубдан ислоҳ этилди, янгича иқтисодий, ижтимоий-маданий муносабатлар қарор топмоқда. Назаримизда, “замонавий анъаналар” ёки анъаналарни замонавийлашуви ёхуд замонавийлаштириш борасида бугунги жараёнларда, бозор муносабатларининг талабларига жавоб бермайдиган жиҳатлари мавжудлиги кўриниб қолмоқда.

Аммо анъаналар замонга, миллий руҳиятимизга, қадриятларимизга мосми? Уни ким мослаштиради? Кимлар бунга маъсул, ёки унга амал қилиш, уни қандай бўлса шундайлигича амалга оширавериш керакми? Анъаналар шунчаки ўз ҳолича амалга ошадиган жараён эмас. Бугунги кунда инсонлар кўнглига кулоқ солиб, дардини эшитишга, тушунишга ҳаракат қилсангиз, бир қарашда уни ҳамма қўллаб-қувватлаётганидек туюлади. Бу тўтри, чунки инсон ҳаётида муайян таомилларсиз яшай олмайди. Ҳаётга қарасангиз, у муайян тартиб, одатлар, расм-русумлар, анъаналарга амал қилинган ҳолда ўтказилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Анъаналаримизда маънавийлик, унинг мазмуни, имкониятлари, халқимизнинг руҳияти, орзу-истаклари ҳамда истиқболи тўла акс этади. Бозор муносабатлари юксак маънавийликни, аниқликни, ҳисоб-китобни ҳуш кўради,

шунингдек вақтни қадрлайди, ортиқча сарфлар, харажатларни қисқартиришга истакни оширади. Аммо ҳар қандай яхши истак ҳам, амал қилинмаса шунчаки орзу бўлиб қолаверади.

Мавжуд анъаналарга янгича ёндашиш ҳам осон кечмайди. Сабаби, эл-юрт, маҳалла бор. Таомиллар мавжуд. Элни оғзига элак тутиб бўлмайди. Кеча эл дастурхонида, тўй-ҳашамида бўлган инсон, бугун ўзи тўй-ҳашам ўтказаятган пайтда, таомилга амал қилмаса, у нима деган киши бўлади? “Маҳалла нима дейди? Одамларчи?” - деган мулоҳаза кўп ҳолларда қўндаланг туради.

“Одамлар нима деса деяверсин, ўз билганингдан қолма” қабилида иш тутса, бу унинг имкониятига ва замонга мос келиши аниқ. Аммо бундай қараш амал қилаётган таомилларга тўла мос тушмайди ҳамда муайян макон уни “четта” чиқариб қўйиши, “саховатсиз” қилиб кўрсатиши ҳам ҳеч гап эмас. Хуллас, инсон руҳияти ана шундай мулоҳазалар асосида, яна ўша таомилга “бўйсунушга” мажбур бўлади. Шундай бўлаяпти ҳам, аммо, ҳар бир нарсада бўлгани сингари меъёрга муносабатчи? Маълумки, таомиллар, анъаналар турли-жойларда турли хил. Айтайлик, айрим вилоятларда ўғил (суннат) тўйларига алоҳида эътибор берилиб, жуда катта сарф-харажатлар билан ўтказилса, бошқа бир жойларда эса аксинча, у қадар даҳмазасиз енгилгина ўтади. Қиз узатиш ёки “келин-куёв” тўйлари эса, айрим ҳолларда ҳаддан ташқари “дабдабали” катта сарф-харажатлар билан қилинади. Айниқса, маҳалла жамоаси ва фаолларининг иши унчалик юқори бўлмаган жойларда меъёрга кўпроқ риоя этилмайди. Ҳар ким ўзи қандай хоҳласа, имкониятларини эла намоёниш-корона кўрсатишга мойилликлари аниқ сезилиб туради. Қизиқ, орадан бироз вақт ўтгач эса, тўй соҳибини кайфияти ўзгарган, сарф-харажатларни қоплаш, қарзлардан қутулиш ташвишида кўриб ачинасиз. Раҳмингиз ҳам келади. Аммо, нега шундай бўлаяпти ва қачонгача шундай бўлади? Замон кўтарадимиз бундай исрофгарчиликларни? Шунда, мантикий равишда, аввало, инсонларнинг ўзи, уларнинг анъаналарга қарашига муносабати ўзгариши керак деган хулоса келиб чиқади. Гап анъаналарда эмас, у билан боғлиқ ҳар хил таомилларни ўйлаб топиб, ён атрофига қарамасдан, жамият ва оила олдидаги ўз маъсуллигини тўла ҳисобга олмаятган

айрим инсонларнинг қарашлари ва ёндашувларидадир. Бу янги таомилларга ўтишни, ҳар бир жойни хусусиятини ҳисобга олиб, унга алоҳида ёндашган ҳолда ҳар бир оила, маҳалла фаоллари ўзаро маслаҳат билан, маҳалла мавқеини ошириш орқали ўзгаришлар қилишнинг зарурлигини давр тақозо этмоқдаки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Бунга ёшлар нима дейди ? Бугунги ёш авлод анъаналарни ўзича таҳлил этиши ва ёндашиши, унга ўзининг оқилона муносабатини билдириши керак. Ҳар бир нарсанинг ўзига хос меъёри бор. Меъёр бузилса, энг яхши таомил, анъана ва урф-одатлар ҳам муайян даражада салбий маъно касб этиши мумкин.

Бугун анъаналардаги айрим ортиқча жиҳатларни: ўз аҳволини ҳисобга олмай, катта тўй ўтказиш орзу-ҳавасида турли дабдабозликларга тақлид қилишлар, айрим ёшларнинг ота-она олдида ортиқча талаблар қўйиб, оёқ тираб туришлари, давлатманд мансабдор шахсларнинг ўз хоҳиш-майллирида эл-юрт таомилидан чиқиб кетишлари, хизмат лавозимини суиистеъмол қилишлар, манманликлар, ким ўзарлар - булар бари, умуман ҳаёт тарзига, ота-онанинг оила, маҳалладаги ўрни ва эътиборига ҳам билиб-билмасдан салбий таъсир этаётир. Айниқса, кишига унинг “мол-мулкига” қараб баҳо бериш, ҳатто, ўзаро муносабатларни шунга кўра қуриш ва танлаш ҳоллари охир оқибатда, оилавий ҳамда инсоний ҳуқ-атвор нормаларига зид айрим нохуш ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

Инсоний меҳр-оқибатни моддиятдан устун қўйишларга эришишимиз - оила барқарорлигини таъминлашда, жамият маънавий-маърифий негизларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши табиий.

“Миллий тикланиш”, 24.11.98 й.

Ёшлар ва анъаналар

Халқнинг маънавий қадриятлари, мероси, ёшларнинг ҳаётида, маънавий ва ахлоқий қадриятларни ўзлаштириб, баркамол авлод бўлиб етишишида муҳим ўрин тутати. Ёшларнинг анъаналарга бўлган муносабати уларнинг қарашлари, тафаккур тарзи, ҳаётий тамойилларида ўзининг

ифодасини топади. Уларнинг маънавий қадриятларга муносабати қандай? Ёшларимиз қарашлари анъаналарга мосми? Умуман, анъаналар ёшларнинг туйғуларига таъсир кўрсатишда, улар онгида янгича дунёқарашни шакллантириб, маънавий заифлик, фикр қарамлиги иллатларидан озод қилишда муҳим омилдир. Бироқ бу жабҳада талайгина муаммолар мавжудлиги ҳам сир эмас.

Таъкидлаш керакки, халқимизнинг маънавий қадриятига айланган кўпгина анъаналар оилада фарзанд дунёга келиши, ўтил ва келин-куёв тўйлари билан боғлиқ. Бу удумларнинг қай тарзда ўтказилиши, бир томондан, ота-оналарга боғлиқ бўлса, иккинчи тарафдан, анъаналарни ўтказишда қарор топган таомиллар, одатларга ёшларнинг бўлган муносабатига ҳам боғлиқ.

Инсон ақл-идрок соҳиби сифатида, узлуксиз равишда, анъаналарни замон, шароит, имкониятлар, мамлакат ва халқ олдида турган мақсад ва вазифалар билан уйғунлаштириб бормоғи лозим. Бу уйғунлик бузилганда эса, инсонларнинг имконият даражалари билан жамиятдаги урф-одатлар, анъаналар ўртасида муайян номувофиқлик вужудга келади. Бу ҳолат: а) инсон онгида ва тафаккурида амал қилаётган таомилларга лоқайдлик; б) анъаналарни юзаки қабул қилиш; в) мавжуд анъана ва урф-одатлар таъсирига тушиб қолиш; г) анъаналарнинг маъно ва мазмунини сарф-харажатлар билан ўлчашга мойиллик намоён бўлади.

Таомилларни белгилашда ота-она, маҳалла ва унинг фаоллари, жамоатчиликнинг ҳамкорлиги, ўрни муҳим. Уларнинг умумий маданий-маърифий даражаси, фаоллиги, маҳалладаги мавқеи, ибрати, одамларнинг орасидаги обрў-этиборлари, мамлакат олдида турган мақсад ва вазифаларини тушуниш даражалари - анъаналарнинг турмушимизга мос бўлишида етакчи омиллардир. Ёшлар улардан ибрат олади. Уларнинг кўз ўнгида ўтказилаётган тадбирлар, тўй-томоша маросимларнинг ёшлар онги ва хатти-ҳаракатларига таъсири бўлади. Ёшларни ана шу анъаналардан ажралган ҳолда кўриш мумкин эмас. Чунки ҳар бир оила, маҳаллада ўтказилаётган тўй-ҳашамни ёшларнинг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, улар ота-онанинг орзу-ҳаваси сифатида болалари, ёшлар учун ўтказилади. Вақти келиб ёшлар ҳам

ана шундай тўй-томоша берадилар. Шунда, уларнинг ҳаётни қандай идрок этишлари, анъаналарга қандай муносабатда бўлишлари аён кўринади. Дарҳақиқат, ота-она бола учун яшайди ва болалари олдида ўзларини бир умр қарздор, деб ҳисоблайдилар. Айни пайтда, “Вояга етган, меҳнатта лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар; Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етганларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”, дейилади Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида. Шунинг учун муаммонинг ҳар икки томонини ҳисобга олиш, яъни вояга етмаган ва вояга етган, меҳнатта лаёқатли ва меҳнатта лаёқатсиз ёшларни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг анъаналарга муносабатларини баҳолаш муҳимдир.

Хўш, меҳнатта қобилиятли, балоғат ёшига етган ёшлар уйланиш ёки турмушга чиқиш билан боғлиқ муаммоларни мустақил ҳаёт йўлларини ўзлари танлаб, оила масъулиятини, мажбуриятларини тўла ҳис этган ҳолда қадам ташсиялтиларми? Тўғри, кўпгина ёшларимизда бунга хоҳиш билан бирга ҳаракат ҳам бор. Улар ўз ҳаётларини, асосан, ўзлари қурмоқдалар. Ўз бахтларини топиб, тинч-тотув, аҳил яшамоқдалар. Инсоний меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат-иззат улар фаолиятида, ота-она, қариндош-уруғларига, маҳалла, эл-юртга муносабатларида мужассам. Аммо айрим ёшлар фаолиятида бунинг тескарисини, яъни ота-она олдидаги масъулиятини англамаслик, фақат ота-онадан эҳсон кутиш, турмуш ташвишларини уларга юклаш, фақат уларнинг имкониятларига таяниб тўй-томошалар ўтказишга мойилликни кузатиш мумкин.

Тўғри, айрим ота-оналар томонидан болаларни балоғат ёшига етишлари билан тўй қилишлари, оила қуришга тайёр ёки тайёр эмаслигини ҳисобга олмаслик ҳолатлари ёшлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётгани аниқ. Ёшларни ҳаётга тайёрлаш, мустақил оила қуриш ва уни тебратишга ўргатишчи? Шошма-шошарлик оқибатида, ёшларнинг тўй-ҳашамларида дабдабазлик пайдо бўлмоқдаки, натижада, кўрпага қараб оёқ узатиш, ота-она имкониятлари билан ҳисоблашмаслик, айни пайтда, ота-она олдида ортиқча талаблар қўйиш ҳолатлари, айниқса, шаҳар жойларида кучайиб бораётганини кўриш мумкин. Шунинг учун, миллий қадриятларимизга тўла мос тушмайдиган оилавий тантаналардаги

салбий ҳолатлар, хусусан, ортиқча сарф-ҳаражатлар, дабдабали, тўй тантанани машиналар, кўшиқчилар сонига қараб баҳолаш, бошқаларга ўзларини кўрсатиш, даста-даста пул сочишлар, ёш келин-куёвлар учун ҳамма нарсани тайёрлаб бериш таомиллари, уларнинг келажак ҳаётлари учун нечоғли асқотаётганини ўйлаб кўриш керак. Президентимизнинг тўй-томошаларни тартибга солиш ҳақидаги Фармонида қайд этилганидек, “Энг ачинарли томони шундаки, бундай сохта хўжакўрсинлик одатлари ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда, кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда”. Хўш, ёшларнинг қандай тоифалари бугун кўпроқ ота-оналарига таяниб қолмоқдалар? Бундай ҳолатлар кўпроқ илм-фан сирларини ва касб-хунар ўрганишдан узоқ юрган ёшларнинг хатти-ҳаракатида кўпроқ сезилмоқда. Мактабни тугатиб-тугатмай бозор оралаб пул топиш йўлига ўтиб кетаётган айрим ёшлар ҳам шу тоифадан. Енгил-елпи йўл билан мўмайгина пул топаётган айрим ёшлар дунёни, тўй-томошаларни ҳам пул билан ўлчашга кўникиб, ҳатто “илм-фан, касб-хунар эгаллаш йўлидан борганда бундай имкониятга эга бўлмас эдим”, деган бир томонлама, нотўғри фикрга ҳам бормоқдалар.

Бугунги бозор муносабатлари, унинг ривож иқтидорли, илм-фанни чуқур эгаллаган, касб-хунарга эга ёшларга таянади. Бундай ёшлар мамлакатимизнинг бугуни, эртанги куни ва истикболларидир. Мамлакатимизда узоқ келажакни ўйлаб, аниқ мақсадларни қўйиб, катта ишлар бошлаб юборилди. Бу мақсадларни амалга ошириш эса, асосан, илм-фаннинг ривожига, ёшларимизнинг салоҳиятига қўп жиҳатдан боғлиқдир. XXI аср бўсағасида турган ёшлар анъаналаримизга мамлакатимиз ривожининг асосида турган, маънавиятнинг қудратли манбаи, муқаддас қадрияти сифатида қараб, масъулият билан ёндашадиган тафаккурига эга бўлиб боришлари зарур.

Бугунги маънавий тикланиш жараёни ёшларимиздан фикрлаш тарзини мустақиллик руҳи белгилайдиган янги авлодга мансуб бўлишни талаб этади. Фақат билимли, маърифатли ёшларгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олади.

Демак, анъаналарга муносабатда ҳам Президентимиз

И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак”.

“Маърифат”, 27.01.99 й.

Ўзликни англамаслик ёвузликдир

Республикамиз пойтахтида 16 февралда содир бўлган мудҳиш воқеа, жиноятчилик оқибатидаги қалб жароҳатлари ҳар бир кишини ўйлашга, фикрлашга, мулоҳаза қилишга, таҳлил этишга ундайди. Унга муносабат билдириш, тегишли хулосалар чиқаришга даъват этади.

Инсоният пайдо бўлибдики, унинг хулқи, хатти-ҳаракатида икки зид хислат - яхшилик ва ёмонлик, бунёдкорлик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик бирга яшаб келади. Бир қараганда, булар абадийдек, гўё доимо бўлган ва шундай бўлиб қоладигандек кўринади. Аммо, шундайми? Инсоният нега бундай ёвузликка қарши курашда ожизлик қилмоқда. Кутилмаганда зарба бериш, қўпоровчилик, таҳдидлар уюштириш, ўзларининг энг қабих ниятларини мамлакатнинг сиёсий етакчисига қаратиш - унга суиқасд қилиш орқали танланган тараққиёт йўлига раҳна солиш, халқлар онгида, тафаккурида ишончсизлик, умидсизлик, қўрқув ҳиссини уйғотиш, халқнинг мустақилликка, эркинга бўлган сабъ-ҳаракатидан қайтаришга ундаш, қонунга зид, хуфиёна уринишларининг сабаблари нимадан иборат бўлиши мумкин?

Бундай уриниш иштирокчиларининг, “социал-маънавий қиёфаси” қандай? Қандай тоифадаги инсонлар, бундай қабих ниятлар билан яшайдилар?

Улар кимлар? Қайси оиланинг фарзанди? Ватан, миллати борми? Туйғулари-чи? Ёки улар фарзандлик туйғуларидан маҳрум, ҳеч кимни танимайдиган ва тан олмайдиган манқуртларми?

Мудҳиш воқеа мустақилликнинг 8-йилида содир бўлди. Демак, қўпоровчи кучлар, уларнинг ниятлари, мақсадларига “мустақиллик ғояси, эркин, ўз хоҳиш-иродасига мос яшаш, Ўзбекистоннинг мустақиллик туфайли белгилаб олган

ўзига хос тараққиёт йўли, бу йўлда эришилган ва эриши-
лаётган ютуқлар, тенглик ва барқарор ҳаёт яратувчилик,
бунёдкорлик ишлари маъқул эмас, уларда ҳавас ва фахр
туйғусининг ўрнини ҳасад эгаллаган кимсалардир.

Уларнинг қалбларини чулғаб олган ҳасад, нафс балоси,
ўз манфаатининг кули бўлиш, мудроқлик иллати шундай
ёвуз ниятли кучлар билан бирлашишга ундаган. Ўзларининг
ёвуз ниятларини амалга ошириш учун энг қулай пайтга кутиб,
Мустақиллик майдонида, мамлакат раҳбари ҳамда бошқа
раҳбарлар жам бўлган пайтда мўлжал олишлари уларнинг
уюшганлик даражасини, ҳамда аниқ сиёсий мақсадларни
кўзлаганликларини кўрсатади.

Ҳаётда бахтли тасодифлар бўлади. Шундай тасодиф
туфайли муҳтарам Президентимиз соғ-омон қолдилар, ёвуз
кучлар қабиҳ ниятларига эриша олмадилар. Бу халқимизнинг
бахти борлигини кўрсатади. Эзгулик, яхшилик яна ёвузлик
устидан ғалаба қилди. Аммо, бу қабиҳ иш натижасида
беғуноҳ инсонлар қурбон бўлди, қалблар жароҳатланди. Айрим
оилалар ўз яқинларидан жудо бўлди. Албатта, халқимиз, эл-
юрт, мамлакат бундай пайтда ҳеч кимни яққа қўймайди.
Уларни қўллаб - қувватлайди, доимо бирга бўлади. Аммо,
қўнғилга тинчлик бермайдиган иккинчи бир жиҳат шундан
иборатки, бу қабиҳликни амалга оширишга ҳаракат қилган
кимсаларнинг Ўзбекистон, ўзбек халқининг фарзанди
эканлиги, ўзбекка мансублиги?

Сизу биз билан бир Ватанда яшаган, фақат, сиз билан
биз - бу улуг кун мустақилликни фахр билан кутганда,
тантаналар қилганда, унинг ютуқларини кўриб фахрлан-
ганда бундай ёвуз кучлар эса, аксинча, “ич-ичидан ғайрга
тўлган, ҳасадлари ортган, ўзлари сингари ота-онани
танимайдиган, Ватан ва миллат туйғусидан маҳрум бўлган,
ўз манфаати учун унга истаган пайтда тош отиш, сотиш,
хатто зўравонлик йўли билан йўқотишни кўзлаган баднийат
кимсалар билан тил бириктирганлар.

Душманнинг хавфлиси ҳам унинг ўз орангдан чиққани,
сирдошлик қилиб “сир олганидир”. Бундайларни хуфийёна
қўллайдиган, рағбатлантирадиган кимсалар, ҳам Ота ҳам Она
бўлиб кўринади. Уларнинг маҳалласи ҳам, Ватани, миллати
ҳам, унга сариқ чақа бериб, мадад бўлаётган, қўллаб-

қувватлаётган, турли хил хомхаёлларга ундаётган, қурук ваъдалар бериб ёллаётган кимсалардир. Лекин фожиа шундан иборатки улар буни англай олиш фаҳм-фаросатидан, ақл-заковатидан аллақачон маҳрум бўлиб, “қоп-қонга” тушган. У ёғи фақат ижро этиш ... ёки ... Уларнинг заиф жойи ҳам шундаки, улар танлаган йўл - жиноят, мақсад эса - сароб....

Бўлиб ўтган воқеа мустақилликни ва мустақил яшашни ёқтирмайдиган муайян ёвуз ниятли кимсалар билан яшаб юрган “гуруҳлар” борлигини кўрсатади. Уларнинг мақсадлари аниқ, лекин “хатти-ҳаракатлари”, улар яшаётган “инлари”, ҳамда уларнинг ҳамтовоқлари, маслақдошлари, зимдан қўллаб-қувватлаб турган кучлар, уларнинг таркиби, тўла аниқ эмас. Улар фақат пинҳона фаолият кўрсатиш билан, ўрни келганда инсонийлик, меҳр-оқибат, яхшилик ва эзгулик, маҳалладошлик туйғуларидан ҳам ўзларининг ёвуз ниятлари йўлида усталлик билан фойдаланадилар. Лоқайдлик, бефарқлик иллатлари ҳам ўрни келганда уларнинг фойдасига ишлайди. Бутун, бундайларга нисбатан лоқайд бўлиш мумкинми?

Кўриб кўрмасликка олиш, ёки уларга бефарқлик билан қараш қандай ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаш қийин эмас-ку? Бутун ким-кимга инсонийлик кўрсатаётти, аввало, унинг кимлигини билиш, суриштириш зурур эмасми?

“Ўзбекистонга ҳамма хайрихоҳ, ҳамма фақат дўстлик кўзи билан қарайди, бошқа ниятлари йўқ, фақат эзгулик, яхшилик қилиш керак”-, дейиладиган бўлса, бундай фалсафа панд бериб қўйиши мумкинлигига яна бир бор иқроор бўлдик.

Мустақиллик туфайли, Ўзбекистон, очик демократик жамият қурмокда. Дунё билан боғланди. Дунёда ўз ўрнига, салоҳиятига эга бўлиб бораётир. Аммо мустақиллик берган имкониятлардан ҳамма ҳам фақат яхши ниятларда фойдаланмокда деб ким қафолат беради?

Мақсадлар, мафкуралар ўртасидаги хилма-хиллик ўзаро қурашларни содир этмокда. Айтайлик, ислом дини ниқоби билан кириб келган турли хил экстремистик кучлар ҳаракатининг асл мақсади нимадан иборат эканлиги маълум. Ёки “Иттифоқ”ни тиклаш хомхаёллари, унга бўлган айрим мойилликлар - “2” лик, “4” лик иттифоқига даъват этишлар

қандай мақсадни кўзлаяпти? Бундай уринишлардан кўзланган мақсадни ҳамма ҳам тушуниб етмаяпти?

Кимларнингдир ана шуларнинг таъсирига тушиб қолаётганлигининг сабаби нимада? Фақат моддий қийинчиликларми? Фақат моддий жиҳатдан қийналаётганлар, муҳтожлар шунга хайрихоҳ бўлаётирларми? Буни ягона сабаб деб, унга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Балким, ҳаётни, яшаш маъноси ва мазмунини фақат моддият билан боғлаб тушунадиган, инсон кадр-қимматини, Ватан ва миллатини ҳам фақат “моддийлик” фалсафаси билан ўлчаётганлар, маънавиятдан йироқ, маънан қашшоқ, ҳали онги ва тафаккурида умуммақсад, миллий ғоя уйғонмаган, ўзлигини англамаган кимсалар адоват, ғашлик, ғалаён уруғини сочаётгандирлар.

Ҳаётда фақат “Тирикчилик фалсафаси” билан яшаётган инсонни маънавий жиҳатдан комил, етук, ўзлигини англаган инсон деб бўлмайди. Маънавий жиҳатдан мустаҳкам бўлмаган, қалбида Ватан, миллат тақдирини ўз тақдири деб билмаган, ўзлигини тўла англамаган инсонлар билан кучли жамият қуриш мушкул. Ўзлигини англаган, ўз фалсафасига эга бўлган, эркин фикрлайдиган, салоҳиятли, Ватани ва халқининг ўтмиши, бугуни ҳамда истиқболи учун ўзини дахлдор деб билган фидойи, шижоатли, қатъиятли, ўз кадрини, ор-номусини “ўзгалар” кўлига, иродасига бериб қўйишдан номус қиладиган эркин инсонларга таяниб кучли жамият қуриш мумкин.

Бундай инсонлар ўзига ҳам бефарқ эмас, ўзгаларга ҳам лоқайд қарай олмайди. Кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш, “менга нима ёки мен - сенга, сен - менга тегма” фалсафаси билан яшай олмайди. Мустақиллик даврида бундай яшаш гуноҳ. Халққа нисбатан, миллатга нисбатан, Ватан ва мустақилликка унинг кечаги куни, бугуни ва истиқболи, эртанги авлод олдида ҳам гуноҳ бўлади.

Бугун онг ва тафаккур уйғонди. Уйғоқ тафаккур эгалари бу йўлда ҳамжиҳат бўлиб, фидокорлик кўрсатишлари мустақиллик талабидир. Мустақил ҳаёт фалсафаси - ана шундай, ундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

Фитрат: “Ватан менинг жону таним саждагоҳимдур. У менинг тўлин ойим, тинч омоним, иззатим, шарафим.

Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир” деб ёзган экан. Ватанини ўйламаган, унга тажовуз қилишни ўзига эп кўрган кимсанинг вужуди - жонсиз, саждагоҳи ҳам, каъбаси ҳам, қибласи ҳам йўқ. Уни билмайди. Бундай кимсалар бу инсоний, маънавий-руҳий оламдан ажралиб қолган “вужуд”, холос.

Демак ёвузлик, қабих ниятли кишилар, ўзлигини англаш туйғусидан, Ватан, Миллатпарварлик ғояларидан махрум бўлган, ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, худбинлик илллати негизида пайдо бўлади ;

Иккинчидан, бундай одамлар доимо ўзида ожизлик сезади, яшашнинг энг қабих, ёвуз йўлини танлайди. Ўзи сингариларга таянади, улардан мадад кутади; учинчидан, улуг мақсадларга хайрихоҳ бўлмаган, ичдан мамлакатни заифлашгиришга уринувчи кучлар эса, айнан шундай кимсаларни излайди, улар билан шерикчилик қилади. Тўртинчидан, бутун ўзлигидан ажралиб қолган кимса, энди Ватан, миллат, ҳатто ота-она олдидаги фарзандлик бурчини ҳам унутади. Ўз хоҳиш-иродаси билан эмас, “ўзга ёвуз кучлар” таъсирида ишлай бошлайди. Маънавий заифлик ва қашшоқлик; ўзлигини унутиш, лоқайдлик уларни шу йўлга осонгина етаклаб боради.

Шундай экан, ҳар бир оила, маҳалла, таълим-тарбия муассасалари ҳеч бир кишига бефарқ қарамаслик, ўз қобилида яшамаслик чора-тадбирларини кўришлари зарур. Бу мамлакат олдидаги фуқаролик бурчини, ўз инсонийлигини англаб яшашга ўргатади, кучига-куч қўшади. Мамлакатда бефарқлик, лоқайдлик иллатлари қанча йўқ бўлса, у мамлакат шунча мустақкам бўлади.

Мустақиллик туфайли, Ўзбекистонда теран, уйғоқ онг ва тафаккурга эга, соғлом фикрлайдиган, мустақилликни, эркинликни чуқур идрок этадиган, эл-юрт, мамлакат ва Ватан туйғуси баланд, миллатпарвар, фидойи инсонларнинг янги авлоди шаклланимочда. Президентимиз фикрлари билан айтганда “озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айнаи замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонлар”дир.

Мамлакатимиз ана шундай инсонлар билан кучли ва

уларга таянган ҳолда улут мақсадларни, эзгу ишларни амалга оширмоқда.

“Миллий тикланиш”, 10.03.99 й.

Ўзбекистон Республикаси кўппартиявийлик шароитида

Жамиятнинг сиёсий тизими ва унинг ривожига сиёсий партиялар муҳим ўрин тутди. Партия жамиятнинг муайян бир бўлаги, айрим шахсларнинг, ижтимоий гуруҳлар, мулк эгаларига таянган ҳолда уларнинг қарашлари, мақсад-манфаатларини ўзида акс эттирувчи сиёсий куч сифатида, уларни ўз атрофида бирлаштиради, муайян ғоя, мақсад ҳамда уни амалга ошириш йўл-йўриқлари билан қуроллантиради.

Турли жамиятлар сиёсий тизими бир партиялик, икки партиялик ва кўппартиялик билан характерланади ва улар ўртасида муайян ҳуқуқий асослар, нормалар мавжуд.

Жаҳон давлатчилиги тажрибасидан маълумки, сиёсий партиялар бошқа жамоат бирлашмаларидан фарқли суратда парламентда, ҳукуматда иштирок этиш учун очиқчасига ва қонуний асосларда ҳаракат қилади. Ўзбекистон Республикаси мустақиллик туфайли ўзига хос тизим ва кўппартиявийлик тамойилига амал қилиб, уни юзага чиқаришда дунёвий ва ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ёндашмоқда.

Ўзбекистон Республикасида, янги жамият қуришнинг ҳозирги босқичида кўп партиявийликни адолатли, демократик фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим омили сифатида жамият сиёсий тизимидан чуқурроқ ўрин олишида янги имкониятлар яратиб берилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришга имкон туғдирмоқда. Демократик жараёнларни чуқурлашувида сиёсий партиялар муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун сиёсий партияларнинг жамият сиёсий ҳаётида янада фаолроқ иштирокини таъминлаш тадбирлари белгиланмоқда.

1996 йил 16 июнда бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленумида бу масала алоҳида қўриб чиқилди.

Ўзбекистон давлати ва жамиятимиз яқин ўтмишда босиб

ўтган йўллар ва бугун бошимиздан кечираётган вазиятни инобатта олиб, авваламбор, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда демократик жараёнларни янада ривожлантириш ва барқарор этиш, янги тузилган ва тузилаётган партияларнинг кенг фаолият юритишда қўмаклашиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ХДП сафидан чиқиши тўғрисидаги қарори ҳақидаги Пленум баёноти муҳим сиёсий воқеа бўлди.

Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ҳамма вақт жамиятнинг сиёсий-ижтимоий тизимининг таркибий қисмини ташкил этган, унга давлат ва жамиятни, ҳокимият билан халқни боғлаб турувчи бўгин сифатида қараб келинган. Сиёсий партиялар жамиятнинг ижтимоий ривожланиши турли хил сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланган шароитдагина эркин, демократик жамият қурилишининг муҳим ажралмас қисмига айланиши мумкин.

Шунда сиёсий партиялар тўғрисидаги мавжуд қарашлар ўзгаради ва фуқароларда кўп партиявийликни жамиятдаги беқарорлик, сиёсий ихтилофлар ҳамда ўзаро келишмовчиликларнинг манбаи сифатида эмас, аксинча, демократик, адолатли, фуқаролик жамияти қурилишининг муҳим шарти сифатида қараш қарор топиб боради.

Сиёсий партиялар ва уларнинг лидерлари ҳам муайян ижтимоий кучларга таянади, аммо синфийлик унинг фаолиятининг асосий тамойили бўлмаслиги керак. Сиёсий партиялар жамиятдаги аҳолининг нисбатан кенгроқ қатламига таяниши, турли хил ижтимоий гуруҳлар, мулк эгаларининг қарашлари, манфаатларини ўзида ифодалаш билан бирга у, асосан, реал инсон мақсадлари ва манфаатлари, умуминсоний тамойилларга бўйсундирилган бўлиши лозим.

Сиёсий партиялар Республикада янги жамият қуришда инсонларнинг олдида турган энг долзарб муаммоларни илгари суришда, уни ҳал этишнинг йўллари кўрсатишда, амалий таклифлар билан чиқишда ҳам тўла ташаббускор бўлишлари зарур.

Жамиятнинг сиёсий тизимида муҳим демократик институт ҳисобланган парламент йиғилишларида ўзларининг муқобил таклифлари билан чиқишга шарт-шароит яратиб берилаётганлиги, муқобиллик асосида Президент сайлови, кўп

партиявийлик тизимининг жорий этилганлиги жамият сиёсий-ижтимоий, маданий ҳаётининг тобора демократлашиб бораётганлигини, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг Президентлик Республикаси шакли билан бошқаришнинг демократик асослари ўртасида тўла мувофиқлик мавжудлигини кўрсатади. Бу давлат ҳокимиятини бошқаришнинг жамоатчиликка асосланган шарқона демократик кўриниши билан тўла мувофиқ келади. Шарқда жамиятга раҳбарлик қилиш ва бошқаришда шахснинг муайян партияга, синфга мансублигига қараб эмас, фозиллик, юксак маърифатлилик, комиллик каби фазилатлари кўпроқ кадрланган ва унга зарур хислатлар сифатида ёндашилган.

Маълумки, давлат ҳокимиятини бошқариш шакллари хилма-хил бўлиб, Ғарб ва Шарқнинг ўзига хос жиҳатлари мавжудлиги табиий. Унинг бирон-бир шаклини андоза сифатида шунчаки қабул қилиш ёки бошқариш шакллариини ўзаро синтез қилиш йўли билан демократиянинг ягона моделини яратиш ҳам мумкин эмас. Ҳар бир давлат демократиянинг у ёки бу шаклини ўз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бойитиши, ўзига хос тараққиёт йўлидан ривожланиши шу мамлакат аҳолисининг хоҳиш-иродаси билан тўла мувофиқ тушади. Демократиянинг дунёвий тамойиллари асосида давлат ва жамият бошқарувининг умумий жиҳатлари намоён бўлади.

Президентликка турли жамоат уюшмалари билан бир қаторда, сиёсий партияларнинг ўз партиясидан номзод кўрсатиш ҳуқуқининг мавжудлиги ва ғалабадан сўнг у ёки бу етакчи партия номидан Президентнинг давлатни бошқариши дунёдаги айрим давлатлар тажрибасидан маълум: Ўзбекистон Республикасига Президентликка номзод кўрсатишда ҳам тегишли жамоат ташкилоти билан бирга мавжуд сиёсий партиялар ҳам тенг асосда иштирок этди ва уларнинг сайлов олди тарғибот-ташвиқот ишлари учун зарур бўлган имкониятлар яратиб берилди.

Аммо Ўзбекистонда Президент сайловидан кейин, у ғалаба қилган партия номидан эмас, аксинча, халқ номидан иш кўришининг ўзига хос прогрессив, сиёсий-ижтимоий, маънавий жиҳатлари борки, бу дунёдаги давлат ва жамият қурилиши амалиётини янада бойитади ва Ўзбекистон танлаган

йўлининг моҳияти билан тўла мос тушади. Бундан ташқари, бунинг айрим объектив ва субъектив сабаблари ҳам мавжуд. Маълумки, Ўзбекистонда Президент сайловидан кейин бирор-бир партия етакчи партияга айлангани йўқ, тўғрироғи, айлан-тирилмади. Ўйлаймизки, бу биринчидан, Конституциянинг мавжуд нормаларига ҳам тўла тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-моддасида “Ўзбекистон номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас,” - дейилади; иккинчидан, Республика сиёсий тизимининг кўппартияликка асосланганлиги, жамият ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётида ҳар бир сиёсий партиянинг қонун доирасида, ўз фаолиятларини эркин амалга оширишида ҳам зарур шарт-шароит яратиб беради, мавжуд демократик жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади; учинчидан, партиявийлик бирон-бир партияга мансубликни билдиради. Президентлик - сиёсий ҳокимият институти сифатида, ҳар қандай сиёсий партия, жамият бирлашмалари, ҳаракатлардан фарқли равишда алоҳида ўзига хос мақомга эга. У айрим гуруҳ, қатлам қарашларини манфаатлари номидан эмас, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ҳисобланган халқ номидан иш кўради, миллий ва умуминсоний тамойилларга асосланади.

Тўртинчидан, сиёсий партияга нисбатан янги синфийлик тамойили нуқтаи назардан ёндашиш, сиёсий қурашлар орқали ҳокимиятга даъвогарлик қилиш йўлини ҳамма давлатлар учун ҳам ягона ва бирдан-бир мақбул йўл деб бўлмайди. Мустақил, ўзига хос тараққиёт йўлидан ривожланаётган ҳар бир давлат ва ҳокимиятни бошқаришда шу халқнинг менталитети, хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бошқаришнинг ўзига хос жиҳатларидан фойдаланиш мумкин.

Бу жамият ва давлат олдида турган вазифаларни амалга оширишга, сиёсий-ижтимоий барқарорликни таъминлашга ва мустаҳкамлашга ҳар жиҳатдан қўмаклашади; бешинчидан, мустақил равишда, адолатли, демократик, фуқаролик жамиятини қуришни асосий мақсад қилиб қўйган. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик

нисбатан янги жараён бўлиб, у маълум маънода ҳали шаклланиш даврини ўз бошидан кечирмоқда. Мавжуд сиёсий партияларнинг ҳаммасини ҳам уюшганлик, сиёсий етуклик даражасини белгилашда, халқни ўз орқасидан эргаштира олишида, мустақиллик, демократия, эркинлик, жамият олдида турган вазифаларни амалга оширишида, муайян ўтиш даври талаб этилади. Сиёсий партияларнинг ҳар бири ва ўзаро муносабатларида катта сиёсий тажриба, ягона мақсадга эга бўлишлари муҳим.

Бундан ташқари, собиқ Иттифоқ сиёсий тизими орқали ўтган “партиянинг раҳбарлик, йўлбошчилик” ролидан, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбозлик, марказлашган бюрократия, мафкура ва тафаккурдаги бир хиллик иллатларидан, “партия раҳбарлиги асосида” амалга оширилган ишларнинг салбий оқибатларидан ҳали ижтимоий фикр тамомила қутулгани йўқ. Сиёсий партияларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрни тўғрисида фуқароларнинг қарашлари, тасаввурлари ҳам ўзгариши керак. Сиёсий партиялар ижтимоий ҳаётда фуқароларнинг бу ишончини тўла қозониши учун ўзларини халқ билан бирга қўйишлари, инсонга энг улуғ хилқат сифатида қарашлари, бу нарсани ўз амалий фаолиятларининг муҳим тамойилига айлантиришлари зарур.

Бу давлат ва жамият қурилиши тўғрисидаги дунё тажрибасини, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли тўғрисидаги қарашларни янада бойитади. Бу йўл қўп партиявийликка - адолатли, демократик жамият қуришнинг муҳим омили сифатида қарашга, унинг фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиб беради.

Жамиятнинг демократлашганлик даражаси сиёсий партияларнинг миқдори ёки унинг жамиятдаги мавқеи (101-бетда) билан белгиланмайди. Ҳақиқий демократик жамият шу жамиятдаги барча фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларни, фаолиятни таъминлаб берганлиги, унинг кафолатланганлик даражаси билан, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, сиёсий-ижтимоий барқарорлик, тинчлик, мустақиллик каби тамойиллар билан белгиланади.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам шуни кўрсатмоқдаки, партиялар ўз вазифасини тўла бажариши, мамлакат тараққиётига тегишли ҳисса қўшиши учун уларга дастлабки тенг имкониятлар яратиб берилиши керак. Бў, айниқса, кўппартиявийлик шаклланаётган ва ўз йўлини белгилаётган Ўзбекистоннинг ҳозирги ўтиш даврида жуда муҳимдир. Сиёсий партияларга тенг имкониятлар яратишнинг кўпгина воситалари бўлиб, улар орасида давлат бошлиғи - Президентнинг партияга мансублиги масаласини тўғри ҳал қилишдир. Шунинг учун кўпгина демократик мамлакатларда Президентлик лавозимини ҳар қандай партияларга аъзоликдан холи бўлишини назарда тутувчи ҳукуқий асослар мавжуд. Бу айрим мамлакатларда бевосита Конституция билан ҳал қилинган бўлса, айрим мамлакатларда эса Президентнинг президентлик даврида бирор бир сиёсий партияга мансуб бўлмаслигини ўрнатувчи махсус қонунлар қабул қилиш билан ҳал қилинган. Жумладан, Германия Федератив Республикаси Конституциясининг 55-моддасига асосан, Президент президент лавозимидаги даврида ҳар қандай партия аъзолигидан воз кечиши, Руминия Конституциясининг 84-моддасида, президентлик мандати даврида Президент бирор-бир партия аъзолигида бўла олмаслиги, Греция Конституциясининг 30-моддасида, президент лавозимини бошқа ҳар қандай мансаб, машғулот ва касб билан қўшиб бажарилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган. Хўш, давлат бошлиғининг сиёсий партияларга мансуб бўлмаслигининг қандай ижобий жиҳатлари бор? Бизнингча, бу асосан икки нарса билан боғлиқ.

Биринчидан, Президент, нафақат, давлат бошлиғи, у шу билан бирга сиёсий ҳаётда ҳакам вазифасини ҳам бажаради. Президент мамлакатнинг сиёсий институтлари учун олий эканлиги баъзи мамлакатларнинг қонунларида бевосита ҳукуқий жиҳатдан мустаҳкамланган, жумладан, Греция Конституциясининг 30-моддасида “Президент Республика институтларининг ҳаками ҳисобланади” - деб ёзиб қўйилган. Шундай ҳолат, Франция Конституциясининг 5-моддасида ҳам мавжуд. Ана шу ҳакамлик вазифасини самарали бажаришда унинг бирон-бир сиёсий партияга мансуб бўлмаслиги ҳал қилувчи омилдир. Президент сиёсий партияларга мансуб

бўлмагандагина, улар ўртасидаги самарали рақобатда ҳакамлик қилиши, партиялар белгиланган йўл ва вазифаларнинг энг мақбулларида сиёсий ҳаётда оқилна фойдаланиши мумкин. У партияга мансуб бўлмаганда, уни бирон-бир партиянинг манфаати эмас, умумий манфаат қизиқтиради. Энг самарали йўл, ташаббус қайси партияга тегишли бўлса, шуни қўллаб-қувватлайди.

Иккинчидан, Президентининг бирор-бир партияга мансуб бўлмаслиги, турли партияларнинг фаолият кўрсатиши учун тенг имконият яратади. Бошқа партиялар бу партия “Президент партияси” деган фикр таъсиридан холи бўлади. Сиёсий партияларнинг тенг мавқега эга бўлиши уларнинг ташаббускорлигини оширади ва ўз фаолиятида эркин, ҳеч кимнинг таъсирисиз ҳаракат қилишга имконият яратилади. Ана шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизими шаклланаётган ҳозирги ўтиш даврида партиялар фаоллигини янада ошириш ҳамда давлат бошлиғини ҳар қандай сиёсий партиялардан холи қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг президентлик даврида сиёсий партияларга аъзо бўлишини тўхтатувчи Қонун қабул қилинишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бу - Ўзбекистонда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маърифий жараёнларни янада демократлаштириш, ҳуқуқий, адолатли, фуқаролик жамиятини қуриш талаблари, ҳамда Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли хусусиятлари билан тўла мос тушади.

“Миллий тикланиш”, 16.06.96 й.

Янги сиёсий куч

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Мустақилликни мустаҳкамлаш ва демократик жамият қуриш вазифаларини янада изчилроқ амалга оширишга қаратилган демократик институтлар жорий этилди. Уни амалга ошириш ижтимоий эҳтиёжларини чуқур идрок этган янги, фаол сиёсий кучлар шакллана бошлади.

“Ўтиш даври шароитида, - Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, - фуқаролик

жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз бераётган бир пайтда, Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиши лозим бўлган кенг тармоқли, кўппартияли тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан олпанда, давлатнинг роли - сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши, қарор топиши ва ривожланишини секинлаштириб қўядиган ҳар қандай ғоя ва тўсиқларни бартараф этишдан иборатдир. Зеро, сиёсий партияларсиз ва жамоатчилик ҳаракатларисиз Республикада вакиллик демократиясини тасаввур қилиб бўлмайди". Ўтган мустақиллик йилларининг энг муҳим ютуқла-ридан бири ҳам шундан иборатки, бугун мамлакатимизда мустақилликни теран англаб етган, мустақил тафаккурга эга, соғлом фикрлайдиган, Ватан кадр-қиммати, шаъни, ор-номуси учун ўзининг бутун салоҳиятини сарфлашга, керак бўлса жонини фидо этишга қодир бўлган муайян ижтимоий куч, қатлам вужудга келди. Булар жамиятимизда, Президентимиз таъкидлаганларидек, "Янги сиёсий куч" сифатида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўзгаришларга, ютуқ ва муаммоларга мустақиллик ва демократик жамият қуриш талабларини ҳисобга олган ҳолда ёндашмоқда. Бу сиёсий куч - мустақиллик учун фидокорона меҳнат қилиш, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш орқали ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётда ҳамон учраб турган, ҳали мустабид тузум асоратларидан, маъмурий буйруқбозлик бошқариш услубларидан тўла қутилмаган, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга, раҳбарлик ва ишга муносабатда янгича услубларга лоқайдлик билан ёндашаётган, ўзи, қариндош-уруғ, ошна-оғайни манфаатини эл-юрт, Ватан манфаатидан устун қўйишга ҳаракат қиладиган, эркинлик ва демократик бошқарув тамойилларидан узоқ бўлган айрим носоғлом фикр эгаларини янгича фикрлашга ва ишлашга ундамоқда. Айни пайтда, соғлом фикрга эга бўлган фидокор ёшларни жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун кенг имконият яратишга, сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишга даъват этмоқда.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётига, 28 декабрь 1998 йил муҳим тарихий воқеа сифатида киради. Маълумки, мамлакатимиздаги

ташаббускор гуруҳ вакилларининг янги “Фидокорлар” миллий-демократик партиясини тузиш тўғрисидаги таклифларини мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан қўллаб-қуватланиб, уларнинг илтимосига кўра (2 декабрь 1998) қабул қилганликлари, ҳамда Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг қурулғоғи (28 декабрь 1998 йил) бўлиб ўтганлиги мамлакатимиз сиёсий ҳаётида янги, муҳим тарихий воқеа бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ташаббускор гуруҳ вакилларининг жойларда ўтказган учрашувлари, ҳамда бу партияга кириш истагини билдирган инсонлар билан бўлган муносабат жараёнининг таҳлили шунини кўрсатадики, янги сиёсий партияни тузишга бўлган эҳтиёжни амалга оширишни мамлакатимиз халқлари томонидан чуқур англаниб, кенг қўллаб-қувватланганлиги ва ўз фаолиятини у билан боғлаш истагининг юқори эканлиги, бизнингча, **биринчидан**, фуқаролар томонидан мамлакатда демократик жамият қуриш вазифаларини амалга ошириш ҳамда сиёсий-ижтимоий, маданий ҳаётда учраб турган айрим салбий иллатларни бартараф этиш билан боғлиқ вазифаларни теран ҳис этиб, уни ҳал этишга тайёр бўлган янги сиёсий кучларнинг шаклланиб бораётганлиги билан боғлиқ бўлса; **иккинчидан**, булар аниқ мақсад, гоё билан қуролланган, жамиятнинг турли соҳасида фаолият кўрсатаётган инсонларни аниқ маслак ва манфаатлар атрофида бирлашиб, мамлакатнинг келажаги тўғрисида қайғурадиган сиёсий кучни вужудга келганлиги ва уни амалий ҳаётга сафарбар этиш ҳаракатининг бошланганлигини; **учинчидан**, мамлакатда мустақиллик йилларида шаклланган кўппартиявийлик тизимини янада мустаҳкамлашда ҳамда янгича сиёсий тафаккур ва фидойилик билан мамлакат олдида турган вазифаларни амалга оширишда янги соғлом кучларни ўз атрофида бирлаштиришда муҳим ўрин тутиши билан; **тўртинчидан**, мамлакатда соғлом тафаккурни қарор топишида, ўз орқасидан ана шундай фидойи ёшларни эргаштириб, мамлакат истиқболи йўлида, мустақиллик учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган, Ватан, Миллат, мамлакат манфаатларини ўз шахсий манфаатидан устувор қўядиган, соғлом кучларни янги партияда сиёсий жиҳатдан уюштириб, жипслаштириб, улар фаолиятини

шу эзгу мақсадларга сафарбар этишдаги унинг кучи билан белгиланади. Маълумки, жамиятда ҳар бир сиёсий партиянинг кучи унинг ғояси, мақсадини халқнинг ишончига айланганлиги, мамлакат олдида турган вазифалар, халқ манфаатлари, интилишлари билан ҳамоҳанглиги ҳамда уни бирга амалга оширишда бевосита фаолият кўрсатадиган муайян ижтимоий кучга эга бўлиши билан белгиланади. Ўзбекистон Фидокорлар МДП сининг социал негизи жамият ҳаётининг турли соҳасида фаолият кўрсатаётган Ўрта мулкдорлар қатламига таяниши билан ҳарактерлидир. ФМДПнинг Собик мустабид тузумдаги сиёсий партия “йўқсиллар”, яъни мулки йўқлар партиясидан фарқли равишда, унинг мулкдорлар синфига таянишида ҳам ўзига хос сиёсий маъно борлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу, биринчидан, мамлакатимизда мустақиллик туфайли ҳаммани мулкдор бўлиши учун тенг имконият яратиб берилганлиги, мулкдорлар синфи жамият барқарорлигини таъминлаб турувчи унинг муҳим таянчи эканлиги билан боғлиқ бўлса; иккинчидан, бутун улар мустақилликни мустаҳкамлашда нисбатан фаол, янгича фикрга эга бўлганлар, изланувчи, бунёдкор, фидойи инсонлардир. Бундай фидойи инсонларни бутун жамият ҳаётининг барча жабҳаларида : иқтисод, сиёсий-ижтимоий соҳа, фан-маданият, медицина, маърифат, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг турли тармоқларида учратиш мумкин.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда: Ўзбекистон Халқ Демократик партияси, “Ватан тараққиёти” партияси, “Адолат” социал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, ҳамда Ўзбекистон “Халқ бирлиги” ҳаракатлари вужудга келди. Лекин уларнинг фаолиятига, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролига дунё тажрибасидан, ҳамда бугунги уларнинг мавқеидан келиб чиққан ҳолда баҳо бериладиган бўлса, партияларнинг номига мос келадиган даражада тўла сиёсий фаолият кўрсата олмаётганлиги ҳам бугун мамлакатда янги сиёсий кучга бўлган эҳтиёжни вужудга келтирди деб айтиш мумкин. Бундан ташқари, жамият ҳаётининг демократиялашуви - фуқароларнинг сиёсий партиялар орқали янги жамият қуриш жараёнларида фаол иштирок этишлари, қонунлар қабул қилиш, ундан хабардор бўлиш, ижро

маданияти ва назоратини амалга оширишга бўлган муносабатларига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини тобора чуқурроқ англаб ета бошлаган, янги фикр эгаларининг шаклланиб бораётганлигини ўзида акс эттиради. Сиёсий партиялар бугун янгича иш услубига эга бўлиши, ўзининг ижтимоий ҳимоячиларини, умуммақсад ва умуммиллий гоё атрофида жиёслаштириб, мамлакатда обрў-эътибор орттириши, халқнинг дардини, мақсадини, манфаатини рўёбга чиқариш учун курашувчан сиёсий кучга айланиши ҳаёт тақозосидир.

Ҳозирги ўтиш даврида турли сиёсий кучлар бўлиши табиий. Улар орасида бир томондан, соғлом фикрлайдиган, демократик тафаккурга эга мустақиллик учун қайғурадиган, “қарамлик” асоратларидан қутулган, фидойилар бўлса, иккинчидан, ҳали, мустақилликни теран англаб етмаган, ягона мафкура асоратларидан тўла қутулмаган, эскича фикрлаш ва бошқарув усулини устун қўювчи, маънавий жиҳатдан заиф айрим кучлар ҳам тамомила йўқ бўлиб кетмаган. Бундай маънавий заиф кучлар демократик соғлом фикрни ҳуш кўрмайди. Демократик жараёнлар қанчалик ривожланиб борса, бундай кучлар ўз ўрнини шундай соғлом кучларга бўшатиб беришга эҳтиёж сезади. Аммо, буни ўз хоҳишлари билан бирданига амалга оширишлари жуда қийин, камдан-кам ҳолат эканлигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Бугун фидойи, соғлом фикр эгалари буни аниқ ҳисобга олган ҳолда, давлат ва жамият бошқарувига янгича ёндашишлари, энг муҳими, соғлом фикр эгаларига таянган ҳолда ўз атрофларида уларни жиёслаштириб, янги сиёсий кучга айланишлари мамлакат, миллат тақдирига лоқайд қарайдиган айрим шахсларни, кучларни сиқиб чиқариши табиий. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, Ўзбекистон Фидокорлар Миллий Демократик Партиясининг ташкил этилиши мамлакатимиз сиёсий ҳаётида янги муҳим сиёсий жараёнларни бош-лаб бериши муқаррар. Ҳамда мамлакатимизда белгиланган кучли демократик жамият, фуқаролик жамияти қурилиши талабларига тўла мос бўлиб тушади. Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси ўз дастурида партиянинг сиёсий мақсадларини аниқ белгилаган ҳолда: “Жамиятимизда миллий манфаатлар йўлида астойдил хизмат қилишга оланган, истиқлол йиллари тобланган халқ вакилларини жиёс-

лаштирувчи, уларнинг дунёқараши ва манфаатларини акс эттириб, фаолиятларини аниқ бир мақсадга йўналтирадиган ислохотларни асосга ошириш йўлида юзага келаётган тўсиқларни мардона ентиб ўтишга қодир фидокор шахсларни, соғлом кучларни бирлаштирадиган, бу борада ўзининг аниқ дастурига эга ижтимоий-сиёсий ташкилотга эҳтиёж сезилмокда. Фидокорлар миллий-демократик партияси - ФМДП - айнан шундай сиёсий куч сифатида майдонга чиқади, дейилади, ҳамда Фидокорлар миллий демократик партиясининг сиёсий мақсади сифатида қуйидаги уч устувор масалани ечишга ўз куч ва эътиборини сафарбар қилади:

- эркин бозор иқтисодига суянган очиқ, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш ;

- эл-юрт ҳаёт даражасини тараққий топган давлатлар ва халқлар даражасига кўтариш ;

- жаҳон ҳамжамиятида давлатимиз ва жамиятимизнинг ўзига муносиб ўрнини эгаллаб олиши. Мана шу эзгу мақсадларга эришиш учун ФМДП ҳар қандай инқилобий усулларни рад этиб, авваламбор, эволюцион тараққиёт йўллариини ўзига маъқул деб қабул қилади, - деб белгилаб олинганлигини таъ-кидлаш лозим. Партиянинг дастурида ўз аксини топган “Ўзбекистон ва жаҳон”, “Иқтисодий сиёсат”, “Ижтимоий сиёсат” “Ёшлар сиёсати”, “Давлат ва нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари билан муносабатлар”нинг мақсадлари ҳамда аниқ йўналишлари белгилаб берилган.

Фидокорлар миллий-демократик партияси маърифат, тарғибот ва таҳсил ишларига алоҳида эътибор беради. Ўзининг маънавий ва маданий йўналишини белгилаб олар экан, халқимизнинг кўп минг йиллик маънавий-маданий меросига, миллий, бадиий-фалсафий, ахлоқий-сиёсий тафаккурига, иймон-этиқод тамойиллари ва шахс тарбиясининг “Комил инсон” каби ғоя ва анъаналарига таяниши унинг муҳим, устувор жиҳатидир. Фидокорлар МДП демократик жамият қуришнинг дунёвий тамойилларини эътироф этиши, айни пайтда, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос миллий хусусиятларини тан олган ҳолда, янги жамият қуришда демократияни миллий хусусиятлар билан уйғун ҳолда бойитиши ҳам унинг ўзига хос жиҳатидир. Айни пайтда, кўппартиявийлик омили

демократик кучларни янги тафаккур ва масъулият билан ёндашишга, ўз масъалалари мақсад ва манфаатларини йўқолаётган мамлакат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширишга, у билан уйғунлаштиришга, адолат таъминига қатъий амал қилишларини тақозо этади. Кўппартиявийлик, турли партиялар ўртасида ўзига хос ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, умуммақсад ва умуммиллий ғоя атрофида турли миллат ва халқ вакилларини бирлаштириб, энг улуғ мақсад - мустақиллик, эркинлик ва демократия учун, фуқаролик жамиятини қуриш вазифаларини амалга оширишга ўзаро ҳамжиҳат, сиёсий шерик бўлиб, ўз дастурлари ва низомлари асосида мустақил, айни пайтда, ягона сиёсий куч бўлиб ишлашлари мустақилликни мустаҳкамлашга, кучли демократик жамият қуриш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилиши табиий. Мамлакатимизда янги сиёсий партиянинг пайдо бўлишига муқобил рақиб сифатида ва табиий жараён сифатида қараш керак. Бу бошқа партияни саҳнадан тушди дегани эмас. Бу янги партия ўзига хос стимул бўлиб, уларни ҳам фаоллашувларига ва бошқа партияларни ҳам оёққа туриб олишларига хизмат қилишига табиий имконият ва сиёсий макон яратади. Айни пайтда, мавжуд партияларнинг муайян ҳаёт тажрибаси борлигини, уларни ўзларини ўнглаб олиш имкониятлари ҳам йўқ эмаслигини ҳисобга олишлари лозим. Янги партия уларни уйғоқ бўлишга, сергакликка, ўз олдидagi вазифаларини теранроқ англаб, янги қарашларга, ишлаш услубларига ўтишларига бўлган хоҳишларини орттириши мумкин. Буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бу ФМДП нинг имкониятлари чекланганлигидан далолат бермайди. Бу партиянинг кучи, аввало, унда фаолиятда бўлиш истагини билдирган кучларнинг тафаккури, салоҳияти, соғлом фикрга, мустақилликни теранроқ англаб, нисбатан аниқ мақсад ва ғояга эга эканлиги билан ажралиб туради. ФМДП партиясининг ташкил этилиши, жамиятимизда янги сиёсий кучларнинг мустақилликни идрок этиш даражасининг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтганлигининг ўзига хос йўқасидир. Мустақиллик йиллари ўзининг миллий тикланиши, ўз-ўзини англаш даври бўлганлиги, халқимиз орасида жамиятда амалга оширилаётган демократик-сиёсий жараёнларнинг ўзига хос натижаси бўлди

дейиш мумкин. Мамлакатимизда кўшпартиявийлик тизими мустақилликнинг берган муҳим сиёсий натижаси бўлган бўлса, ФМДП нинг пайдо бўлганлиги уни янада такомиллаштиришга, дунёвий демократик жараёнлар билан узвий боғланишга бўлган халқаро ҳаёт тақозоси эканлигини идрок этиш ҳамдир. Дунёдаги демократик партиялар билан ўзаро ҳамкорлик ва мулоқотнинг янги даврга кириб бориши, унинг муҳим йўналишидир. Бу партиянинг дастурида ўз ифодасини аниқ тошган. Шундай қилиб, мамлакатимизда Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясига асос солиниши, биринчидан, кўшпартияли, демократик жамият қуриш билан боғлиқ демократик тамойилларга мос тушади; иккинчидан, жамиятимиз ҳаётини демократик жараёнлар билан боғлиқ дунёвий стандартлар даражасига кўтариш имкониятини беради; учинчидан, Партиянинг сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятининг мавжуд барча идораларини тузишда фаол иштирок этиши, жамият сиёсий-ижтимоий ҳаётида янги соғлом кучларни мустаҳкам ўрин олишига, соғлом муҳитни яратишга хизмат қилади; тўртинчидан, қонун устуворлигини таъминлашга, ютуқ ва муаммоларни кўрсатишга қодир, ҳокимият ва бошқарув бўғинларида мавжуд бюрократик иллатларнинг мамлакат тараққиётига тўсиқ бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, уларни барбод этишга, журъатли, қатъиятли инсонларни сиёсий куч бўлиб жипслаштириш имкониятини яратади; бешинчидан, мамлакатни кучқудратини янада мустаҳкамлайди, фуқаролар онги ва тафаккурида умуммиллий ғоя ва ягона мақсадни шакллантиради; олтинчидан, сиёсий партия мамлакатда ҳокимият учун, мустақилликка садоқатли, фидойи, жонқуяр кучларни давлат ҳокимияти бўғинларига келишига ва у орқали демократик жамият қуриш вазифаларини амалга оширишлари учун шартшароит яратиб беради.

Бу имкониятдан кенг фойдаланишда фидойилик кўрсатишни мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлар ҳамда фуқаролик жамиятини қуриш вазифалари тақозо этмоқда. Буни амалга оширишда Фидокорлар миллий-демократик партиясининг янги сиёсий куч сифатида фаолият кўрсатиши давр тақозосидир.

“Фидокор” газетаси. 25.03.99 йил .

Мундарижа

Сўз боши.....	3
Мустақиллик тафаккури ва фалсафа.....	5
“Буюк кашфиёт”нинг шоми.....	10
Бизга қандай фалсафа керак ?.....	16
Янгиланаётган фан Ўзбекистонда фалсафий тафаккур :	
бугун ва келажак.....	24
Ўзликнинг олтин бешиги	28
Истиқлол, ислохот ва мафкура	31
Истиқлол мафкуриси - таракқиёт омили	35
Таракқиётда ворислик.....	39
Фуқаролик жамияти ва ёшлар.....	44
Вақт қадри.....	47
Давлат сиёсати ва маънавият.....	50
Шахс ва давр.....	56
Янгича тафаккур - баркамоллик омили.....	64
Эътиқод эркинлиги кафолати.....	71
Маҳалла-миллий қадрият бешиги.....	75
Кўрпа бўйга мос бўлсин.....	79
Ёшлар ва анъаналар.....	85
Ўзликни англамаслик - ёвузликдир.....	88
Ўзбекистон Республикаси кўшпартиявийлик шароитида.....	93
Янги сиёсий куч.....	99

Ибодулла Эргашев

Тараққиёт фалсафаси

“Академия” нашриёти

Тошкент 2000

Мухаррир Г.Абдуллаева

Рассом Р.Султонов

Техник муҳаррир, компьютерчи И.Розиқова

Мусахҳиҳ Т.Соатоссва

Теришга берилди 10.05.2000 Босишга рухсат этилди 22.06.2000. Бичими 60x84 1/16. Офсет босма. Шартли босма табоғи 6.7 . Нашриёт ҳисоб табоғи 6.75. Адади 1000 . Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 224.